

# HUQUQ

# 17

(383)

YURIDIK GAZETA

Апрел

D.	4	11	18	25	
S.	5	12	19	26	
Ch.	6	13	20	27	
P.	7	14	21	28	
J.	1	8	15	22	29
Sh.	2	9	16	23	30
Y.	3	10	17	24	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: huquq@mail.ru

## АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК МЕЗОНИ

**Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислохотлар бугунги кунда янги bosқичга қадам кўйдди. Миллий қонунчилик ва халқаро андозалар талаблари доирасида ўтказилган сайловлар асосида парламентимизнинг Қонунчилик палатаси ва Сенати шакллантирилди.**

**Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ислохотларнинг янги bosқичида бош мақсад – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш эканлиги таъкидланди.**

Президентимиз 2005 йил 7 февралда ҳукуматнинг янги таркиби билан ўтказилган амалий кенгашда давлат аппарати ходимларига қўйиладиган асосий иккита муҳим мезон ҳақида атрофлича тўхталди.

Жумладан, биринчи талаб – ўз ишига бўлган масъулиятни тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлиқни ошириш бўлса, кейинги устувор жиҳат – давлат хизматчиларининг билдирилган ишонч, вазифага муносиб равишда билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлишлари, ўз ишининг устаси ва соҳанинг сирларини ҳар томонлама чуқур билишлари кераклигига алоҳида ургу берилди.

Давлат хизматчиларининг фаолиятига уларнинг айнан ана шу талабларга қай даражада амал қилаётганига қараб баҳо берилиши бежиз эмас, албатта. Маълумки, ҳар қандай мамлакатда ҳам давлат хизматчиларининг масъулиятсизлиги коррупцияга йўл очади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлишига, жамият маънавий-ахлоқий негизларининг бузилишига ҳамда давлатчилик асосларининг емирилишига олиб келади.

Юртбошимизнинг бу хавф ҳақида огоҳлантириб, «Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ердан бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир. Бу эса жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидир» деган таърифида чуқур ҳаётий асос мавжуд.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида эркинлаштириш жараёнида давом этаётган бир шароитда, ҳокимият ва бошқарув идораларининг айрим мутасадди раҳбарлари қонунбузишларга, топирилган мансаб ва билдирилган ишончдан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолларига йўл қўяётганини афсус билан таъкидлашга тўғри келади.

Давлат органлари ходимлари ва энг аввало, раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳамда малакасизлиги, коррупция ва порахўрлик, кадрларни танлаш ва жой-жойга қўйишда ошна-оғайнигарчилик ҳамда қариндош-уруғчилик ҳолатларининг мавжудлиги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга тўсқинлик қилмоқда, давлат органлари ишининг самарадорлигига салбий таъсир қўриб беришига ва фуқароларнинг ислохотларга бўлган ишончига ҳам путур етказмоқда.

Бугунги кунда прокуратура идоралари томонидан бошқа ҳуқуқни

# ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА БАРОБАР

муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жамиятимизда мавжуд коррупция иллатларига қарши кураш янада кучайтирилмоқда. Адолат ва қонунийлик мезонларининг бузилишига йўл қўйган давлат хизматчиларига қонунда белгиланган тартибда қатъий чоралар кўрилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги беш йил давомида 8043 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 118 нафари — республика, 1070 нафари — вилоят ва 6855 нафари — туман миқёсидаги давлат бошқаруви органлари хизматчиларидир.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг деярли тенг ярми мулкни талон-тортқ қилганлиги, ҳар бештадан биттаси — мансаб ваколатларини суистеъмол қилганлиги ва ҳар еттигадан бири — порахўрлик учун судга берилган.

Мансабдорлик жиноятлари оқибатида жиддий иқтисодий зарар етказилмоқда, 2004 йилда бу рақам қарийб 15 млрд. сўмга етди. Кўрилган чоралар туфайли айбдорлар ҳисобидан 12 млрд. сўмлик иқтисодий зарар қопланди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, юртимиз тинчлиги ва оқойишталигини сақлаш борасида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган давлат хизматчилари кўпчилигини таъкидлашимиз керак. Лекин, гурuch қурмаксиз бўлмаганидек, давлат хизматчилари орасида ҳам ўзига билдирилган юксак ишончини суистеъмол қилаётган, эгаллаб турган лавозимдан гаразли мақсадларда фойдаланаётган, Юртбошимиз тавдани билан айтганда, «оёғи ердан узилган» нопок шахслар, афсуски, учраб туради. Бундай шахслар, албатта, қонун олдида жавоб бериши мукарраф.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компанияси тизимида нефтни қайта ишлаб чиқариш заводларини хомашё билан тўлиқ таъминлаш чораларининг қўрилмаганиги, соҳада коррупция ва бошқа қонунбузишларга йўл қўйилганлиги оқибатида 2003 йилда нефть маҳсулотлари бозорига дунёвий танқислик келтириб чиқарилиб, республика манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Ушбу ҳолат бўйича Бош прокуратура томонидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича олиб борилган тергов натижасида 379 нафар шахс айбланиб судга берилди.

юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов жараёнида давлат хазинасининг маблағи айбдор шахслардан тўлиқ ундирилди ва уларнинг жиноий жавобгарлик

**Рашитжон ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,  
1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси**

ҳаёт тарзи, ахлоқий фазилатлари ва иш услуби билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиши лозим бўлган айрим ҳокимлар томонидан ҳам турли жиноятлар содир этилмоқда. Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳокимлар ўз ваколатларига қўра худуддаги барча корхоналар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ба-

Улар қаторида «Ўзбурнефтгаз» акциядорлик компанияси Бош директори Р.Магазов, «Ўзгео-нефтгазгазибчиқариш» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Н.Салоҳиддинов, «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси Бош директори ўринбосари М.Мансуров, «ЎзЛИТИ-нефтгаз» очик акциядорлик жамияти директори ўринбосари А.Вахидов, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори Ҳ. Номанов, унинг ўринбосари А.Мўйидинов, «Ангрн-Поп» нефть базаларидан фойдаланиш дирекцияси директори М.Жамолдинов, шунингдек, Поп, Каттақўрғон, Гулистон, Сирдарё, Нуробод, Бухоро нефть базалари ва бошқа унитар корхоналар раҳбарлари ҳам бор.

Бу турдаги жиноят ишлари бўйича давлат манфаатларига етказилган 7,1 млрд. сўм ва 217 минг АҚШ доллари моддий зарар тергов даврида айбдор шахслар томонидан қопланди.

Биргина Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, унинг таркибидagi корхоналар ҳамда нефть базаларининг мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича 164 нафар шахс айбдор деб топилиб, судга берилди, давлатга етказилган 2,2 млрд. сўмлик зарар ундирилди.

«Ўзқишлоқхўжалиқимё» компанияси раиси Ф.Юсупов, унинг биринчи ўринбосари Ш.Мухаммадалиев ва бошқа 19 нафар масъул мансабдор шахслар республикамизда кимёвий воситаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳақидаги ҳукумат қарорлари талабларини бажармасдан, фойдаланишга яроқсиз бўлган кимёвий маҳсулотларни чет элдан келтирилишига йўл қўйганликлари ва оқибатда давлат манфаатларига 65 млн. сўмдан ортиқ катта миқдорда зарар етказганликлари учун уларга нисбатан жиноий жазо белгиланди.

Бундан ташқари, республика Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи М.Рўзимуртов ва бошқалар томонидан ветеринария препаратларини ҳақиқий нархидан қиммат баҳоларда сотиб олиниши натижасида бюджетга 80 млн. сўмдан кўп моддий зарар етказилган. Ушбу ҳолат

масаласи хал қилинди.

Таҳлилларга қўра кишлоқхўжалигида содир этилаётган қонунбузилишлар ҳамон давом этмоқда. Жойларда ердан фойдаланишда амалдаги қонун талаблари бузилмоқда. Табиий ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳолларига тўлиқ чек қўйилмаяпти. Бу соҳада қонунийлик ва адолатни таъминлаш учун биринчи навбатда мутасадди вазирликлар, ҳокимлар ва назорат идоралари ўзларига юклатилган вазифаларга виждонан, масъулият билан ёндошишлари зарур.

Албатта, давлат хизматчилари ҳақида сўз юритилар экан, аввало, кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. Фақат жорий йилнинг ўзида прокуратура органлари томонидан ўрта махус, касб-ҳунар таълими тизимида ўтказилган текширишлар натижасида катта миқдордаги талон-тороқликлар, вазифани суистеъмол қилиш ҳолатлари фoш этилиб, жиноят ишлари бўйича ўтказилган терговда 300 млн. сўмдан ортиқ зарар қопланди.

Маълум бўлишича, ушбу тизимда кадрларни танлаш, жой-жойга қўйиш масаласи ҳам тўғри йўлга қўйилмаган. Мисол учун, Қашқадарё вилоятидаги Нишон кишлоқхўжалиқ касб-ҳунар коллежи директори лавозимда ўзганинг мулкчини ўғирлаш жиноятини содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган Ҳамид Донев ишлаётган бўлса, мансаб ваколатини суистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган Қирғули касб-ҳунар коллежи директори Сангинбой Ҳайдаровни лавозимдан бўшатиш чоралари қўрилмаган.

Текширишларда аниқланган ҳолатлар бўйича ушбу соҳага масъул бўлган республика ўрта махус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари — олий ва ўрта махус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ж. Хусанов эгаллаб турган лавозимдан бўшатилиб, ҳозирда жиноят иши бўйича унга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўрилган. Албатта, унинг ҳаракатларига яқини ҳуқуқий баҳо суд томонидан берилди.

Халқимиз ва давлатимиз томонидан юксак ишонч билдирилган, бутун куч-ғайратини халқ фаровонлигини юксалтириш, ўз

жарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади. Бироқ, айрим ҳокимлар қонунга зид бўлган қарорлар қабул қилмоқдалар ва бундай масъулиятли лавозимга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар содир этишмоқда. Баъзида ҳокимлар қонунчиликда уларнинг фаолиятини назорат қилиш масаласи ҳам мустаҳкамлаб қўйилганини унутиб қўймоқдалар. Шундай ҳокимлар ҳам борки, улар ўз атрофига қонунсиз буйруқ ва кўрсатмаларни ҳар қандай йўлар билан бажарувчи шерикларни йиғиб, худуда содир бўлаётган қонунбузиш ва адолатсизликларга ўзлари раҳбарлик қилиш даражасигача етган.

Фарғона вилоятидаги Риштон туманига ҳокимлик қилган А.Исоқов туманнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларини ривожлантириш чораларини кўриш ўрнига, манманликка берилиб, одамларга беписанд муносабатда бўлиб, ўз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйганлиги учун охир-оқибат узок муддатга қамалди. Бу собиқ раҳбар атрофига шахсан ўзига содиқ одамларни йиғиб, қўл остида қиларга турли таъсир ва таъйиқлар қўриш йўли билан туманда яқка ҳукмронлик муҳитини вужудга келтирган. У тумандаги «Қайрағоч» кишлоқ фуқаролар йиғини раисини ҳақорат қилиб, уриб, унга тан жароҳати етказган. Бу ҳолат бўйича ўтказилган тергов давомида А.Исоқовнинг бошқа жиддий кирдиқорлари ҳам аниқланди. У ўз эгаллаб турган мансабининг шахсий бойлик орттириш йўлида суистеъмол қилиб келган. Ҳоким тумандаги ширкат хўжаликлари бошқаруви раислигига тайинлаш эвазига Рўзали Маматов, Фозилқон Юсуповдан пора олган бўлса, «Дехқон бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси Мўйидин Собировни вазифасидан бўшатиб юбориш билан кўрқитиб, ундан катта миқдорда пул олишга эришган. 2004 йил февраль-март ойларида эса фондан ташқари қўшимча нефть маҳсулотлари олишда ёрдам бериш эвазига тумандаги ширкат хўжаликлари раисларидан 8200 АҚШ долларини пора тариқасида олган.

(Давом 2-бетда).

(Давоми. Бошланиси 1-бетда).

Самарқанд туманида 1992 йилдан 2003 йилга қадар ҳоким вазифасида ишлаб келган Р. Ҳақимова ҳам туман ҳудудида ўзининг турли буйруқ ва кўрсатмаларини қонунга хилоф бўлса-да, сўзсиз бажарилишига эришиб келган. Жумладан, Р. Ҳақимова тумандаги "Мева-сабзот" фирмаси директори Қажор Мусаевни ўз насаига қақириб, Беларус Республикасининг "Регионтранском" унитар корхонаси билан шартнома тузиш ҳақида топшириқ беради. Шу тариқа, туман ҳудудида экиб синалган уруғлик картошканин ўртача нархи 90-130 сўмни ташкил этгани ҳолда Беларусдан (қиммат нархда) 350 сўмдан картошка уруғи келтирилишига ва тумандаги хўжаликларга тарқатилишига эришади. Оқибатда, Самарқанд тумани хўжаликлари манфаатларига 58 миллион сўмдан ортиқ зарар etkazилган. Бундай қилмишлари учун Ҳақимова эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Наманган вилоятининг Косонсой тумани ҳокими бўлиб ишлаган У.Маматовга нисбатан олиб борилган терговда ҳам унинг қонунга зид қарор қилишлари фожия эдилди. Ўз мансабидан фойдаланиб, Наманган шаҳрида шахсий уй қуришни ният қилган Маматов тумандаги хўжалик юртувчи корхоналар раҳбарларидан катта миқдорда қурилиш материаллари ва жиҳозларини олиб ишлатиб юборган. Шунингдек, у тумандаги К.Мўминов номидаги қурилишга ихтисослашган акциядорлик жамиятининг "Тикло" рўсумли автомашинасини қонунсиз равишда ўғлига бериб қўйган.

Тергов даврида ҳокимнинг ўғли томонидан 5 йил давомда фойдаланиб келинган автомашинанинг қонуний эгасига қайтарилши таъминланди, ҳоким эса суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилди.

Наманган вилоятда ҳоким бўлиб ишлаган Т.Жабборов ҳам ўз хизмат вазифасига лоқайдлик билан муносабатда бўлиб, қариндош-уруғчилик иллати таъсирга тушиб қолганлиги оқибатда иқтисодийга жиддий зарар etkazган. Олиб борилган тергов натижасида Т.Жабборовнинг ўз айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлганлиги, бошқа айбдорлар билан биргаликда давлатга etkazилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги эътиборга олинди, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Албатта, бошқа соҳаларда ҳам ўз шаънига доғ туширган, мансаб ваколатларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган раҳбарларга қонуний чоралар кўрилоқда. Лекин масаланинг яна бир муҳим, мулоҳаза қилиш лозим бўлган жиҳати бор. Хўш, раҳбарнинг қонунсиз талабларини ҳозиржавоблик билан бажарган мутасадди ходимларнинг ҳаракатига қандай изоҳ бериш мумкин?! Ҳокимга ёки бошқа раҳбарга беришган катта миқдордаги пулларни улар қаердан олишган?! Агар бу пулларни пешона тери билан, ҳалол

лан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар тайинланишига эришишини айтиб, 2500 АҚШ доллари олаётганида ушланди.

Давлат идоралари хизматчи-Давлатнинг масъулияти ҳақида сўз юритганда, албатта, бу идоралар тизимида алоҳида ўрин тутувчи суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фаолиятига ҳам баҳо бериш лозим. Афсуски, сўнгги икки йилнинг ўзида қонун устуворлигини таъминлаш масъулияти юклатилган бундай шахслардан 903 нафарининг турли жи-

билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам бу соҳадаги ишлар янада қучайтирилади ва қонунбузарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилади.

Кўп ҳолларда давлат органининг етарли эмаслиги, баъзида эса пастлиги ҳамда идоравий юридик хизмат ишининг самарасизлиги оқибатида қонунга тўғри келмайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, хушбўйликларга замин яратилмоқда. Хусусан, кей-

лоятлардан ҳам келтириш мумкин. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима, ҳокимларга "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун билан берилган ваколатлар камлик қилаётими? Нега қонунчилик талаблари бу тарзда қўпол бузилаётми?

Бунга яна бир мисол. Бўз тумани ҳокими Б.Абдуллаев амалдаги қонунларга "янгилик" киритиб, тумандаги "Қишлоқхўжалик-кимё" масъулияти чекланган жамиятга тегишли бўлган тракторнинг коммунал фойдаланиш бўлимига бепул ўтказиб бериш ҳақида

# ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА БАРОБАР

ишлаб топган бўлганларида ўз оила аъзолари ва ақинларининг ризиқини қийиб, нолок амалдорга осонликча бериб юборишармиди?!

Албатта, бу каби кўлаб жиноятларни тергов қилиш амалиётидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, масъул вазифаларга пора бериб, ноқонуний йўллар билан тайинланган шахслар, аввало, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди.

Бу тоифадаги жиноятларнинг хавфли томони шундаки, етказиб раҳбар ва унинг атрофидаги гунашталарининг қинғир ишлари ишига содиқ, соғлом фикрдаги ва ҳалол меҳнат қилаётган шахслар фаолиятида жиддий қийинчиликлар келтириб чиқаради, жамоада носоғлом муҳитни вужудга келтиради.

Шуни унутмаслик керакки, жиноят қонунчилигида нафақат пора олиш учун, балки пора бериш ва унда воситачилик қилиш учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тўғри, аксарият ҳолларда пора олиш учун таъмагирлик қилинади ёки шахс бирор бир юмушнинг ҳал қилиш эвазига моддий манфаат қўришни ният қилади.

Баъзида эса, айрим муайян масалани ҳал қилиш ваколатига эга бўлган мансабдорлар билан яқин муносабатда бўлиб келганидан фойдаланиб, ўртада воситачилик қилади ва шундай "хизмат" кўрсатиш баҳонасида моддий наф қўришга эришади. Масалан, Яқкасарой туманидаги 1-сонли юридик маслаҳатхона адвокати Е.Мотилигина айбланувчиларнинг ишончига кириб, судьяга пора бериш йўли билан уларга қамоқ би-

ноятлари фожия эдилди. Уларнинг 153 нафари республика ва вилоят миқёсида, қолганлари туман-шаҳарларда ишлаган ходимлардир.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси Г.Рўзиева, Навоий шаҳар прокуратураси катта терговчиси К.Аҳмедов, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими суриштирувчиси А.Султонов, Қўқон тармок транспорт ички ишлар бўлимининг Марғилон бўлимаси ходимлари Р.Каримов ва М.Усмонов, Сирдарё вилояти давлат бохона бошқармаси бош инспектори Р.Мансуров, Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси катта инспектори У.Муратовлар пора олиш жиноятини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Касби тумани ички ишлар бўлими катта инспектори Б.Маманов фуқаро Қ.Тошмуродовни ўғрилиқда гумон қилиб, уриб тани жароҳати etkazганлиги ва уни қонунга хилоф равишда ушлаб турганлиги, шунингдек, Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси инспекторлари Ш.Ақбаров ва Д.Тиллаев эса хусусий фирмалар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаётганини қасддан яширганликлари учун суд ҳукмига асосан жиноий жазога тортилди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ҳолатлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни обрўсизлантириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларига зиён etkazилиши

инги беш йил мобайнида вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари қарорлари ва давлат назорати органлари мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари, юридик шахслар ҳамда давлат манфаатларини камситувчи 19 миңтадан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлари прокурорларнинг протестлари бўйича бекор қилинган ёки қонунга мувофиқлаштирилган.

Прокурорлар томонидан қўрилган бундай чоралар 2003 йилда 644 та бўлиб, 2004 йилда 1548 тага кўпайганлиги айрим ҳокимлик идораларининг ҳуқуқий масалалардаги жиддий камчиликларини яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари ҳокимлар ўзининг ваколат доирасига умуман кирмайдиган қарорлар қабул қилаётганини нима дейиш мумкин?

Масалан, Қарши шаҳар ҳокими И.Асадов ўз фармойиши билан Абдулла Эшқобиловни маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасига ишга қабул қилган бўлса, Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ҳокими Р.Нормуродов фуқаро Ўқтам Орақкуловни фермер хўжалиги бошлиғи лавозимига тайинлаган, Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ҳокими М.Раззоқов эса тумандаги техник инвентарлаш бюроси бошлиғи Алишер Турғуновга фуқароларнинг яшаб турган уй-жойларига эгалик ҳуқуқини тиклашни ҳақидаги ҳужжатларни тайёрлашда камчиликларга йўл қўйгани учун "ҳайфсан" берган.

Бундай мисолларни бошқа ви-

қонунсиз қарор қабул қилган. Бу билан ҳоким акциядорлик жамиятининг мулкани бошқариш ва тасарруф қилиш уларнинг умумий йиғилиши қарори билан ҳал этилишини унутиб қўйган ёки назарга илмалган кўринади.

Маълумки, демократик ислохотлар ва иқтисодийда бозор муносабатларининг ривожланиши барча соҳаларда ижро интизомини қучайтириши, давлат органлари фаолиятини пухта ташкил этишни ҳамда давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишни талаб қилади. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жамоатчилик билан ҳамкорликни қучайтириш, аҳоли орасида ҳар қандай лавозимдаги мансабдор шахслар томонидан қонуннинг бузилишига нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш чораларини қўриш долзарб масаладир.

Ўз навбатида фуқароларда ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонун доирасида талаб қилиш ҳиссининг юқори бўлишига эришиш муҳимлигини таъкидлагимиз келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида "қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт", деб қатъий белгиланган. Демак, давлат хизматчиси ҳар қандай ноқонуний қилмиш учун жазонинг муқарраблигини тўлиқ аниқлаб етиши лозим. Эеро, қонун олдида барча баробардир.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 22 апрел сонидан олинди).

## ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 25 апрелдаги буйруғи билан Пўлат Назаров Жиззах вилояти прокурори этиб тайинланди.



Жиззах вилояти прокурори этиб тайинланган Пўлат Назаров Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1978 йили Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1978 йили Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлаган. Сўнгра Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари, Бўстонлиқ туман прокурори лавозимларида ишлаган. 1999 йилдан яна Республика Бош прокуратурасида фаолиятини давом etkazиб, бошқарма катта прокурори, бошқарма бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишлаган.

2004-2005 йилларда Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари ва биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

## Республика Бош прокуратураси матбуот маркази хабар қилади

Қашқадарё вилоят Савдо-саноат палатаси бошқармасининг Нишон туман филиали бошлиғи Шомурод Давлатов «Бинокор» корхонасига улгуржи савдонини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи қалбаки гувоҳнома тайёрлаб берган. Натижада мазкур корхона 114 млн. 52 миң сўмлик улгуржи савдонини амалга ошириб, давлатга зарар etkazган. Гумондорга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

«Барристер» адвокатлик фирмаси адвокати Баҳодир Сапарбеков фуқаро М. Хайдарованинг турмуш ўртоғи А. Хайдаровга юридик ёрдам кўрсатганидан деб алдаб, ундан 1.250.000 сўм олган. Адвокат жабранувчига ҳуқуқий ёрдам кўрсатмай, олинган пулни ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган. Унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Чилонзор тумани «Хамза» метроси ёнида фуқаро Абдумалик Сахиев А. Шариповага 9000 АҚШ долларини 9.828.000 сўмга сотганида ушланган.



ХАВАР

## АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Андижон вилоят прокуратураси органларининг қонунийлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бораидаги 2005 йилнинг 1-чораги якуни ва келгусидаги вазифаларга бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда асосий эътибор жиноятчиликка қарши муросасиз курашишга қаратилиши таъкидланди. Эришилган ютуқлар таҳлил этилиб, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 22 апрел сонидан эълон қилинган Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашидхон Қодировнинг «Қонун олдида барча баробар» номли мақоласи муҳокама қилинди.

Мақола келажакдаги ишимизда дастуриламал бўлиши лозим, — деди вилоят прокурори Б.Дехқонов. — Унда амалга оширишимиз зарур бўлган вазифалар аниқ кўрсатиб ўтилган.

Сўзга чиққанлар мақолада илгари сурилган вазифалар долзарб эълонлигига эътиборни қаратишди.

Н.ЖўРАЕВ,  
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

NAZORAT

Кундалик ҳаётимизни электрсиз тасаввур қилишимиз қийин. Негаки ҳоҳлаймизми йўқми ушар ҳар кунни, ҳар дамда эҳтиёж сезамиз. Уйимизни чарогон қилиш учун чироқни ёқсак, маънавий ҳордиқ олиш учун телевизор ёки радиони қўямиз. Фараз қилинг, шундай пайти ёруғ оналарда, ёстиққа ёнбошлаганча телевизор кўриб ўтирганингизда бирданга чироқ ўчади, хонани зимистон қоллайди. Фигонингиз чиқиб у ёққа, бу ёққа қарайсиз. Кўшниларикидан хабар оласиз. Лекин ҳаммаси бефойда бўлиб чиқади. Негаки сиз кўп вақтдан буйён фойдаланган электр токи учун ҳақ тўламаган ва давлатдан анчагина қарздор бўлиб чиқасиз. Худди мана шу пайти эътиборсизлик билан фойдаланган электр токнинг қадрига етасиз. Афсуски ҳаммаси бефойда. Айна шундай эътиборсизлик оқибатида қанчадан-қанча электр токи исроф бўлишини ҳисоблаб чиқсак...

сотиб олиш учун 132 млн. сўм ўтказган. Мазкур трансформаторлар аслида 107 млн. сўм эканлиги аниқланган. Фирмага ўтказилган ортқича 24,3 млн. сўмини узаро бўлишиб олишган. Шу каби, А.Қўжоров «Иклимбиби» фирмасига ҳам ҳақиқий нархи 62,3 млн. сўмлик трансформатор учун 99 млн. сўм ўтказиб бериб, ортқича 36,7 млн. сўми фирма раҳбари билан ўзлаштиришган.

Электрдан қарз эмасми сиз?

Республика прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизми» тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ва «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорлари ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

бўлса, 2005 йилнинг 1 апрелига келиб қарздорлик 362,8 млрд., тўлов муддати ўтгани эса 121,3 млрд. сўмга етган. Бунинг асосий сабаби, жойлардаги электр тармоқлари корхоналарининг мансабдорлари томонидан қарздорликни камайтириш борасида совуққонликка йўл қўйлаётганлигидир.

Юқоридаги қонунбузилишларга «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг қўйи тизимдаги корхоналар фаолияти эътиборсиз қолдирилганлиги, кадрлари танлаш тўғри йўлга қўйилмаганлиги, қонунбузилишларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилмаганлиги сабаби бўлган.

Текширишлардан сўнг кўрилган чоралар ҳамда назорат қўйиштирилганлиги тўғрисида «Ўзбекэнерго» ДАК бўйича етказилган иссиқлик ва электр энергияси учун қарздорликнинг 19,2 млрд. сўми қопланишига эришилди.

М.ШАРАФУТДИНОВ, Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

Текширишда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ҳисоб-китоб интизомининг бузилиши давом этмоқда. Жумладан, электр энергияси учун тўловни ўз вақтида тўламаган истеъмолчиларни энергия манбаидан узиб қўйишга доир талаблар бажарилмапти, муддати ўтган дебитор қарзлар кўпаймоқда.

«Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖ мансабдорлари томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижро этилмаганлиги натижасида электр энергияси учун қарздорликни ундириш чоралари кўрилмаган. Натижада шу йилнинг 1 январига 18,4 млрд. сўм қарздорликнинг тўлов муддати ўтганлиги йўл қўйилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Энергосотилиш» филиали, электр энергияси ишлаб чиқарувчи ҳамда узатиб берувчи корхоналар ўртасидаги шартномаларда қайд этилган, етказиб берилган энергия ва қўрсатилган хизмат учун олддиндан 15 фойз ҳақ тўланмаган.

Шунингдек, муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириш борасида олиб борилган ишлар ҳам етарли даражада ташкил этилмаган. 2004 йил мубайнида 57,6 млрд. сўм қарздорликни камайтиришга эришилган, холос.

Жумладан, 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик 268,2 млрд. сўмини, шундан муддати ўтгани 93,4 млрд. сўмини ташкил қилган

Филиали мансабдорлари ҳам 276,4 млн. сўм дебитор қарздорликнинг 91,4 млн. сўмини тўлов муддати ўтишига сабабчи бўлганлиги ҳамда қарздор ҳўжалик юритувчи субъектларга 14,4 млн. сўмлик электр энергиясини ҳўжумат қарорига зид равишда берилишига йўл қўйганликлари учун уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

JIHOYAT VA JAZO

Корхона бош хазиначиси Ф.Абдуллаевнинг нафси 2003 йил августидан 2004 йил май ойигача бўлган даврда қанорат деворини бузиб, ҳалоллик хонасини қўриққонга айлантириб улгурган эди. Йўқса унга ишониб топширилган, пенсионерлар, ногиронлар, чернобилчилар, алимент ва бошқа тўловлар учун ажратилган 12.874.470 сўм (!) маблағни шахсий эҳтиёжи йўлида сарфлаб юбормаган бўларди.

Одмигина юрадиган Ф.Абдуллаевнинг юрш-туриши ўзгарди. Башан қийинчи, борадиган «манзил»ига ҳам тақсидда қатнайди-ган одат чикарди.

Ғиждувон туман бош почтаси бошлиғи Шавкат Саидов Ф.Абдуллаев ҳақида орқаваротдан эшитиб юрарди.

22 декабр кунни хазинадан ҳеч қандай асоссиз 10.880 сўмини чиким қилиб қўйди. 31

— Фарходни кассир сифатида ишга ўтказганимизда, ўзингиз устозлик қилинг, деб тайинлагандим-ку, — деди бир кунни ўринбосари Мўхаммад Қайюмовга.

Декабр кун эса «Районобод», «Гулистон», «Зафаробод», «Сарвари» алоқа бўлимлари томонидан хазинага қайтарилган 104.540 сўмини кирим қиламай, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Шу боладан ҳўшёр бўлишимиз керагов. Узунқулқоқ гапларга қараганда Фарходнинг қаддаму «қийшайган». Бунни ўзим ҳам сезиб юрибман. (Кейинчалик аниқланишича, Ф.Абдуллаевга «устоз»лик қилган М.Қайюмов ҳам кассирлик фаолияти давомида пенсия ва нафақага ажратилган 10.000.000 сўмини ўзлаштирган экан. М.Қайюмовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.)

Хазинабон камомадни тўлдириш учун қанча ҳўжжатларни сохта имзолар билан «безамадми» дейсиз?!

SHARTNOMA LAFZ DEGANI

ТАНҚИДНИНГ МЕВАСИ ШИРИН

Ўтган йили Хатирчи туманида пахта ҳосили учун 810 та фермер ҳўжаликлари томонидан контрактация шартномалари тўзилган эди. Шундан 789 таси белгиланган режани бажарган бўлса, 21 та фермер ҳўжалик раҳбарлари ташкилотчилик қобилиятини намойиш этолмади. Табиийки, ерининг беҳуда бўми, йўқотишган ҳосил қиймати ни фақат афсус билан қоллаб бўлмайдди. Шу боис, режани удаллаи олмаган 21 та фермер ҳўжалигиндан жарима ундириш бўйича судга 14.536.000 сўмлик давво аризаси киритилди.

«Тожи бобо», «Р.Эрназаров», «Бекзод — 21», «Дарёбод», «Зебуноси — 2000», «Чиноро» каби фермер ҳўжаликларида ерга муносабат ҳўжмака қилиниб, уларни банкрот деб топиш хўсусида тегишли тавсиялар берилди.

Тумандаги А.Ерлақабов номли ширкат ҳўжалигинда ҳам агротехник қондаларга роя қилинмаётин. 440 гектардаги ерга 663,2 тонна ўрнига 412 тонна ўғит ишлатилганининг қандай тушуниш мумкин?

Бўзган аччиқ гапиринишга, ҳақиқатини юзга айтишимизга тўғри келади. Бунни ҳолис фикр сифатида қабул қилиш фойдалан ҳоли бўлмайдди. Токи бугунги танкид эртанги ютуқлар гарови бўлсин.

Мамаюнус УМАРОВ, Хатирчи туман прокурори

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилади. Унинг ҳўқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясида.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламга пенсия, нафақа, алимент ва компенсация пулларини ўз вақтида етказиб бериш масўулияти жойлардаги почта бўлимларига юқлатилган. Демак, тизимда фаолият қўрсатётганлар масўулиятини унутишса, аввало, кексалар, моддий қўмакка мўхтож кишилар азият чекади.

«Бўхоропочтаси» акционерлик жамиятининг Ғиждувон туман бўлимидаги айрим ходимлар бу борада мажбурият ҳиссини бир ёнга суриб қўйишган.

реестрларига ҳам сохта ёзувлар киритиб қонун талабини бузишдан тоймади.

С.Исмоилов 2004 йил январ ойи учун ажратилган ўнлаб нафақадорларнинг 212.258 сўмлик пенсиясини ўзлаштириб юборди. «Зарангарчи» алоқа бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаб туриб, пенсия пуллари тарқатилганлиги ҳақида такроран «Бўхоропочтаси» акционерлик жамияти Ғиждувон филиалига қалбаки маълумотлар киритилган ҳисобот беради. Афсуски, 1.475.570 сўмини ўзлаштирган С.Исмоиловнинг нафси уни суднинг қора курсисига етақлади.

Ф.Абдуллаев ва С.Исмоиловлар ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратиб, бола-чақа боқибганида, эзлинг дўсини олиб, ёруғ юз билан қорийшмасмиди?!

Насриддин САДИРОВ, Бўхоро вилоят прокуратурасининг катта терговчиси. Моҳира ШАКАРОВА, журналист

BOLALAR HAQIGA XIYONAT

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 20 августда «Ўқувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда педагог ходимларнинг моддий шароитларини яхшилаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, етим болалар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларини моддий таъминлаш ва биринчи синф ўқувчиларини зарур ўқув қўралари билан таъминлашда давлат ёрдами ни кўрсатиш қўзда тутилган. Лекин Кармана шахридаги айрим мактабларнинг мутасаддилари мазкур қарорни фақат ўз фойдасига тааллуқли ҳисоблашган кўринади.

БОЛА НЕГА АЛДАНДИ?

Туман прокуратураси томонидан умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун 14 хилдаги ўқув қўралари ва кам таъминланган оилаларга мансуб 1-9-синф ўқувчиларига 4 хилдаги киши кийимларининг тарқатилиши ўрганилганда, бундай тоифага мансуб болаларнинг ҳақ-ҳўқуқларини поймол қилиш, давлат томонидан ажратилган мулкни талон-тароҳ қилинаётганлиги аниқланди.

қўйган шахслардан келтирилган зарарлар ундирилди.

Албатта биргина мактабда юз берган ноҳўш ҳолат аҳамиятсиздек кўринса-да, аммо бундай аҳамиятнинг тумандаги яна бир неча мактабларда ҳам тақрорланиши ва болалар ҳақи мураббийлар томонидан «туя» қилиниб, ҳўжжатларнинг қалбақлаштирилишини қандай тушуниш мумкин? Тумандаги 19-ўрта мактабда эса тарқатилди, деб ўқувчи Ж.Ҳақназаров олиши лозим бўлган киши кийим-бешмактабининг айрим мутасаддилари томонидан ўзлаштирилиб, имзо қалбақлаштирилган. Ж.Ҳақназаровнинг ота-онаси 2004-2005 ўқув йилида ҳеч қандай кийим-бош олмаганликлари, ведомостдаги имзо эса уларики эмаслигини кўрсатишди. Мазкур ҳолат юзасидан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилиб, айбдордан етказилган зарар ундирилди.

Текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан туман ХТБ мудирини номга тақдимино киритилди.

С.САМАДОВ, Кармана туман прокурори

TEZKOR TADBIR

ҚОТИЛЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

2005 йилнинг 18 мартдан 19 мартга ўтар кечаси Бойсун туманида муҳаддиш жиноят содир этилган. «Шўррой» маҳалласи «Тоба» қишлоғида яшовчи Қонжаев Абдурашид, унинг турмуш ўртоғи Аҳадова Мавлуда, ўғли Турсунова Химойиддин, қизи Турсунова Зариналар ўз уйида отиб ўлдирилган. 1991 йилда тўзилган Турсунов Қодирларга эса оғир тан жароҳати етказилган.

Бу ҳақда хабар берилган, вилоят прокуратураси томонидан зудлик билан тезкор-тергов гуруҳи тўзилди.

Эртаси кунёқ жабранувчиларнинг кўшниси Шерали Жўраев ва «Газа» маҳалласида яшовчи Улўғбек Жўраев гумондор сифатида ушланди. Ҳўқуқ-тартибот идораларининг сый-ҳаракатлари натижасида шу нарса аниқландики, Ш.Жўраев У.Жўраев билан олдидан тил бириктириб, А.Кенжаевнинг мол-мулкини талон-тароҳ қилиш мақсатида унинг уйига дераза орқали киришган ва оила аъзоларининг барчасини ўк отар қўрал билан отиб, бир дона хориж видеомагнитофонини олиб чиқиб кетишган. Мазкур иши бўйича уларга нисбатан айблов эълон қилиниб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу йилнинг 12 март кунни Узун тумани «Бешкапа» қишлоғи ҳудудидagi жарликдан номзўму аёлнинг жасади топилган. Текширишларда маркума шу туманда яшаган Гўзал Ҳолбоева эканлиги маълум бўлди.

Тергов-тезкор ҳаракатлар натижасида аниқланишича, жабранувчинини янни қариндоши Гўлҳебра Рўзиева қўшниси Собир Улўғев билан бирга ҳодиса жойига алдаб олиб боришган ва бўйиб ўлдириб, мурдасини жарликка ташлаб юборишган.

Айбланувчилар қўлга олинди. Жиноят содир этган шахс ҳазосиз қолмайди. Шундай экан, инсон ҳар бир қадамни ўйлаб босмоғи лозим. Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Нуқуқ» муҳбири

# Енги саноатнинг

— Тезкор маълумот асосида ўтказилган текширишларда 2004 йили «Енгилсаноат» уюшмаси таркибидagi «Қобул-Ўзбек», «Косонсой-Текмен», «Яккабоғ» тўқимачилик фабрикаси, «Олоттекс», «Мидатекс» ва «Қоракўлтекс» қўшма корхоналарининг маъсул шахслари ваколатини сунистеъмол қилиб, хомашё, эхтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналарни асоссиз равишда юқори нархларда сотиб олганлиги фош этилди.

Бундан ташқари, қайд этилган корхона раҳбарлари томонидан ноқонуний равишда тузилган шартномалар ижроси натижасида 63.800.000 сўм моддий зарар етказилган.

...«Енгилсаноат» уюшмаси тизими мансабдорларининг жиноий ҳаракатлари оқибатида 1.169.165.000 сўм ва 492.574 АҚШ доллари миқдоридagi моддий зарарнинг 1.700.000.000 сўмлик ундррилиб, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилган.

(Республика Бош прокуратураси ҳузуридagi СВОЖҚК департаменти маълумотномасидан)


Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси 1999 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Жундан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхона дастлабки бир-икки йилда яхши ишлади. 1500 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланиб, йилга 4,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бундай натижа маҳаллий аҳоли, раҳбарлардан тортиб, корхонани ташкил этишга бош қўшган республика миқёсидаги мутасаддиларни ҳам қувонтирди. Бироқ хурсандчиликлар узоққа бормадди. Корхонада ишлар йилдан-йилга орқага кета бошлади. 2003 йилга келиб корхона ходимлари сони 50 фоизга, ишлаб чиқариш ҳажми эса 5 баробарга камайиб кетди. Охир-оқибат корхона банкротлик ёқасига келиб қолди ва Наманган вилоят ҳўжалик судининг ажримига асосан бошқарув органларининг ваколатлари бекор қилиниб, 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилди.

Қўшма корхонанинг аҳолини яхшилаш, унга ҳукумат миқёсида ёрдам бериш мақсадида 2003 йилнинг июн ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Косонсой-Текмен» акциядорлик қўшма корхонасининг фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан корхона Ўзбекистонда фаолият юритаётган ва мамлакатимизга энди қайтиб келаётган чет эллик сармоядорлар ўртасида тендерга қўйилди. Тендер шартларига асосан акциядор сифатида келгуси лойиҳаларда иштирок этиш ва кредиторлар йиғилишининг бош бошқарувчиси ҳўжжини Австриянинг «Тиролер-Лоден» компанияси қўлга киритди ва тендер ғолиби бўлди.

«Тиролер-Лоден» компанияси тендер комиссиясига тақдим этган бизнес режасига асосан икки йил давомидида корхонани тўла қувват билан ишга тушириш ва 600 та янги иш ўрни яратиш, ҳар йили 2 млн. погон-метр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг қамиди 500 миң погон-метрини четга экспорт қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида энг замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатиш, зарурий эхтиёт қисмлар ҳамда хомашё базасини яратиш мажбуриятини зиммасига олди. Бу компания тақдим қилган режанинг айримлари, ҳолос. Хўлас, корхонани нафақат оёққа турғаз, балки янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар расмий ҳўжатларда белгилаб қўйилди.

«Тиролер-Лоден» компанияси мажбуриятлари унинг раҳбари жаноб Андреас Гебауэр билан «Косонсой-Текмен» қўшма акциядорлик жамияти ташқи бошқарувчиси имзолаган шартномада ҳам ўз аксини топди. Шунингдек, А.Гебауэр шартномада яна башқа шартларни ҳам зиммасига олди. Шартнома имзоланган кўндан бошлаб 60 кун ичида корхонага маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида махсус жиҳозлар олиб келиш, Америка ва Шарқий Европа бозорларига маҳсулот экспорт қилиш мақсадида хомашё, бўёқ, химикат ва бoshқа зарур ашёлар сотиб олиш учун 500 миң АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш шулар жумласидандир.

«Косонсой-Текмен» жомаиси ва маҳаллий раҳбарларнинг янги ҳам-



Собик Иттифоқ даврида саноати унча ривожланмаган, асосан аграр туман ҳисобланган Косонсойда истиқлол йилларида катта ўзгаришлар рўй берди. Буни шу давр мобайнида 11 та қўшма корхона бунёд этилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Энди тасаввур қилиб кўринг, уларнинг ҳаммаси тўла қувват билан ишлаб турганида бугун Косонсой саноати туркираб ривожланган туманга айланиши шўбҳасиз эди. Афсуски, не-не орзулар билан, миллионлаб маблағ эвазига ташкил этилган мазкур корхоналарнинг аксарияти фаолият кўрсатмаёпти ёки амал-тақал ишлаб турибди. Кўндан-кўн очор аҳволга тушиб бораётган «Косонсой-Текмен» ана шулардан бири.

## «Анойи» шериклар

ЎКИ «КОСОНСОЙ-ТЕКМЕН» ҚўШМА КОРХОНАСИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ НОЧОР АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛГАН ХУСУСИДА

кор пайдо бўлганидан, у зиммасига барча муаммоларни бартараф этиш вазифасини олганидан бошлари осмонга етди. Лекин хорижлик шериклар қўйинларини лўч ёнгоққа тўлдираётганини хаёлларига ҳам келтиришмади. Орадан hafta, ой, йил ўтса ҳам чет эллик шериклар ваъда қилинган янги технологияларни олиб келиш у ёқда турсин, ҳатто сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун арзиғулик, яъни талаб даражасидаги хомашёни ҳам етказиб беришмади.

«Тиролер-Лоден» компанияси корхона жомаосига ёрдам бериш ўрнига уларнинг нонига шерик бўлди. Қандай қилиб дейсизми? Аввадо, қуруқ ваъдалар баён этилган, моддий манфаатдорликка келганда эса фақат ўзларининг фойдасига хизмат қилувчи шартнома-ни имзолашга эришди. Шундан сўнг эса шартномадаги мажбуриятларини бир чеккага суриб қўйиб, зўр бериб ўз манфаатига хизмат қилувчи бандларни бажариш билан машғул бўлишди.

Шу мақсадда «Шартнома предмети» деган бўлимда акс этган шартнома муддати, яъни икки йил давомидида «Косонсой-Текмен» қўшма акциядорлик корхонасини бошқаришдан тортиб, унинг мол-мулки-ю маблағига чга тасарруф қилиш учун корхона томонидан «Тиролер-Лоден» компанияси раҳбари А.Гебауэр номига ишончнома берилиши лозим дейилган бандини амалга оширди.

III. КОМПАНИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАНФААТДОРЛИГИ

3.1. Мазкур шартномага асосан корхонага кўрсатган хизматлари учун компания бошқарувчиси қўйидагича тақдирланади:

— 2003 йил август-декабр ойлари давомидида ойнага 40.000 АҚШ доллари ҳажмида;

— 2004 йил давомиди эса ҳар ойда 20.000 АҚШ доллари ҳажмида, йил якунига келиб эса солиқ ва йиғимларни тўлағунга қадар бўлган биланс фойданинг 30 фоизи миқдориди.

Корхона ишлаб чиқаришдан фойда олиб-олмаётганидан, ишчиларга бир неча ойлар давомиди иш ҳақи берилмаётганидан қатъи назар шартномада қайд этилган бу ажратмалар мунтазам равишда ойма-ой ҳисоблаб келинаёпти. Ҳолбуки, кун буйи станок тепасида туриб меҳнат қилаётган ишчиларнинг иш ҳақи учун маблағ топиламаёпти. Аҳвол шу даражага бориб етдики, бугунги кунга келиб корхона ходимлари 50 млн. сўмлик иш ҳақини олишолмай сарсон.

— Олти ойдан бўён иш ҳақимизни, ололганимиз йўқ, — дейди тўқув чеги илчиси Муборак Ховидова. — Раҳбарларимиздан ҳақимизни талаб қилсак, улар корхонада ишлаб топилган маблағларни қаерга ва қандай сарфлаш хорижликлар ихтиёрида. Иш ҳақлари учун маблағни улар Тошкентдан қачон ажратишса шунда олар сизлар дейишди. Бу қанақаси, арзимизни тинглайдиган одам борми?!

Кўриниб турибдики, маблағларни қандай тақсимлаш борасида хорижлик ҳамкорлар ўзларини хафа қилиб қўйишмаёпти. Хўш, улар шартномада қайд этилган мажбуриятларини қай даражада бажаришмоқда?

Афсуски, бу борада ижобий фикр айтиш қийин. Негаки, хорижлик шериклар орадан икки йил ўтаётганига қарамай мажбуриятларининг биронтасини тўла бажаргани йўқ. Буни қарангки, хорижликлар 2003 йилда 60 кун ичида олиб келамиз деб ваъда

берган махсус жиҳозларни корхона жомаоси шу кунга қадар кутмоқда. 500 миң доллар у ёқда турсин, ҳатто бир сўмлик ҳам сармоя киритилмади. Америка, Шарқий Европа бозорларига маҳсулот чиқариш эса орзулигича қолмоқда, ишлаб чиқариш жараёни янгилашиш ўрнига борлари ҳам эскираяпти.

Тог-тоғ ваъдаларни бериб амалда биронтасини бажармаётган «Тиролер-Лоден» компанияси раҳбарияти вакиллари икки йилга яқин вақт давомидида Косонсойга, яъни корхонага бор-йўғи уч-тўрт марта келиб кетишди. Унда ҳам ўз манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш мақсадида келишди, ҳолос. Ҳолбуки, уларнинг нияти ҳолис бўлганида ком-

пания вакиллари Косонсойга келиб ишлаб чиқариш жараёни устиде бўлишлари, муаммоларни Тошкентда туриб эмас, шу ернинг эзиде бартараф этишлари лозим эмасми-ди? Афсуски, «Тиролер-Лоден» компанияси нафақат корхона ходимларини, балки ҳукумат миқёсидаги тендер комиссиясини ҳам алдади.

Энг ачинарлики, австриялик «ишбилармон»лар «Косонсой-Текмен»га нафақат эски технологиялик жиҳозларни, балки ўзлари ваъда қилган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ўрнига сифатсиз ва яроқсиз хомашё келтиришди. Фикримизнинг далили сифатида қўйидаги ҳўжатларга эътибор қаратайлик.

**Дололатнома**  
18.01.2005. Наманган вилояти

«...Тиролер-Лоден» компанияси билан 2004 йил 3 ноябрда тузилган КТРМ-005-контрактага асосан келтирилган топс ҳолатидаги полиестер синтетик толаси жўнатуви томонидан транспорт кў ҳўжатларида 10.412 кг. деб кўрсатилган, ҳажжат-да эса «Наманган экспертиза» экспертининг ҳулосасига асосан 335 кг. кам келтирилган.

2004 йил 14 октябрдаги КТРМ-001-контрактага асосан Руминиянинг «Тиролер-Лоден ГМХБ» компанияси томонидан 52.839,23 АҚШ долларилик 7045,23 кг., таркибиде 100 фоиз нейлон, 100 фоиз жун бўлган костюм ва палтобоп газламанлар тўқши учун мўлжалланган ва таркибиде 4 фоиз лайкра бўлган костюмбоп иппар келтирилган... Жойида маҳсулот кўрилушда ушбу иппар асосан ҳар хил номердаги ва ҳар хил рангдаги кичик партияли қолдқ иппардан иборат эканлиги аниқланди. Бу нарса улардан мақсадли фойдаланиш, яъни муинг йибурията асосида серияли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермайдми».

Ташқи иқтисодий фаолият милли банкнинг Наманган вилоят бўлими бош мутахассиси, «Косонсой-Текмен» қўшма акциядорлик корхонасининг ташқи бошқарувчиси, ишлаб чиқариш бошлиғи ва божхона

ишлари бўйича бош мутахассислар томонидан тузилган ушбу дололатномедан ҳамда экспертиза ҳулосаларидан сўнг табиий равишда норозиликлар пайдо бўлди. Шунда «Тиролер-Лоден» компанияси янги технология деб олиб келган алмисосдан қолган дастгоҳларнинг бир қисмини ва давлат стандарти талабларига мутлақо жавоб бермайдиган қолдқ иппардан иборат «хомашё»ни «Косонсой-Текмен»га бегараз ёрдам сифатида бепул берганимиз деган мазмунда Наманган вилоят божхона бошқармасига ва корхонага ёзма маълумот берди.

Хорижлик ҳамкорларнинг усталигини қаранг! Қилаётган ишларининг мисо чиқшини билган, дарров «бегараз ёрдамчи» тўнини қийиб олишди. Хўлас, «Тиролер-Лоден» компанияси томонидан корхонага 1988-1993 йилларда Италия, Бельгия, Руминияда ишлаб чиқарилган ўнга яқин дастгоҳлар вақтинча бепул ишлатиш учун дея олиб келинди. Лекин расмий ҳўжатларда уларнинг ҳар бири қанча евро ва доллар турши амлик кўрсатиб қўйилган ва бу рақам нақдларнинг ташкил қилади. Ажабланарлиси, уларнинг биронтаси шу кунга қадар монтаж қилинмади ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётгани йўқ, фақат омборларни банд қилиб ётибди.

Бу дастгоҳлар хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлмаган ва ишлаб чиқариш учун яроқли деб ким қафолга берибди? Нега ишлаб чиқаришга татбиқ қилинмапти? «Тиролер-Лоден» компанияси ўзининг бизнес-режасида ва шартномада акс этган мажбуриятларини нега шу пайтга қадар бажармади? Компания корхона ташқи бошқарувчидан олган ишончномага асосан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкдан олган катта миқдордаги кредитни ва корхона жомаоси ишлаб топаётган бор маблағни ўз билганича харажат қилганликлари учун қачон жавоб берибди?

Бу каби саволларга жавоб бериш вақти яқинлашмоқда. Саноқли ойлардан кейин шартномада белги-ланган муддат тўғайди, барчаси сарҳисоб қилинади. Бу фикримизга корхона ҳўжжуноси эътироз билдириб, яна ўша шартноманинг бир бандига ишора қилди.

**VI. БОШҚА ШАРТЛАР**  
6.1. Шартнома Англия қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилади ва бошқарилиши шарт...

Бу жумлаларни ўқиган одам «Э, бу қанақаси, ахир бу ер Англиями ёки Ўзбекистонми, корхона ўзи қаерда жойлашган?» дея жиғибийрон бўлиши тайин. Ҳолбуки, Ўзбекистон худудида фаолият юритаётган барча чет эллик сармоядорлар Ўзбекистон қонунлари доирасида фаолият юритиши ва амалдаги қонунларга бўйсунуши шарт.

— Дастлаб «Тиролер-Лоден» компанияси вакиллари инглиз ва рус тилларида ёзилган шартнома матнини бизга тақдим қилишди, — дейди «Косонсой-Текмен» ҳўжжуноси Хўбибулла Ҳамидов. — Мен у билан танишиб чиқиб рози бўлмадим, бу мамлакатимиз қонунларига зид эканлигини айтдим ва ўзимиз тайёрлаган шартнома матни лойиҳасини тақдир қилдим. Бизнинг фикрларимиз барибир инобатга олинмади, австриялик шерикларимизнинг шартномаси маққулланиб, тасдиқланди. Бунинг сабаблари менга қоронғи. Мен корхона ҳўжжуноси сифатида ушбу шартнома маққул хўласа бермаганман, имзо қўймаганман. Яъни, шартнома «Ҳўжалик субъектлари фаолиятининг шартнома-ҳўқуқий базаси тўғрисидаги» қонуннинг 21-моддаси талабларига зид равишда ҳўжжунос ҳулосасини имзоланган ва шу кунга қадар унга амал қилиб келинмоқда.

Абдуҳошим МАДАТОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири

# Озир муаммолари

## ИҚТИСОДИЙ ХИМОЯ

давлатни кудратли мамлакатга айлантиради

Корхона 1992 йилнинг май ойида МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб иш бошлаган эди. Шу йилнинг ноябр-декабр ойларида биринчи маҳсулот чиқарилди. Хомашё шу ерда тайёр маҳсулот ҳолига келтирилди. Энг қувонарлиси шуки, «Катекс» ўз маҳсулотини экспортга чиқарди. Ишчиларнинг гувоҳлик беришича (улар ўз номларини ёзмалигимизни сўради), уша йиллари бу ерда 1700-1800 нафар ходим ишлаган. Корхонанинг биринчи директори Уринбой Мадиев бўлган.

Бир пайлар йилни миллион-миллион сўм фойда билан яқунлаган «Катекс»нинг ҳозирги ҳолига маймунлар йиғлайди. 29 гектар майдонни эгаллаган корхона атрофи қаровсиз ҳолга келиб қолди. Теварак-атрофга экилган дов-дараклар қурий бошлади.

Республикадаги энг йирик корхонанинг бундай ачинарли аҳволга тушиб қолиши кўпчиликни ўйлантирса керак. Бу ўринда биз биринчи навбатда кадрлар кўнимсизлигини назарда тутаямиз. 12 йилдан кўпроқ вақт ичида директорлик вазомимга б.киши бирин-кетин келиб кетди. Корхона эса борган сари қолоқлашиб, ишчилар сони ҳам камай борди. 1994 йилда 1537 нафар ходим ишлаган корхонада ҳозир фақат 93 нафар ходим қолган. 2004 йили бу кўрсаткич 93 нафарга тушиб қолди. Қийёсланаётган йилларда калава ишлаб чиқариш ҳам 764,7 тоннадан 206 тоннага тушган. Тўқимачилик матолари эса ишлаб чиқарилмай қўйди. Устамонликни қаранглик, қайси раҳбар бу ерга келса, албатта «ўз қомандани» ҳам ёнига олди. Тажрибали мутахассис тўқимачилар, электрик, механиклар «ўз аризаларига» биноан ишдан кетди.

Қолоқлик ботқоқига тобора қўяётган корхоналарнинг қайта тикланишини таъминлаш учун давлатимиз ёрдам бериб, кредитлар ажратди. Бу имкониятдан «Катекс»нинг собиқ раҳбари Иниямин Қалмуратов ҳам «фойдаланди». Корхона учун Ўзбекистон Миллий банкидан 2.475.000 АҚШ доллари олиш буйича шартномага имзо чекди. Аввалги ўзарғиш сезилгандай бўлди. Бора-бора бу ҳам тўхтади. Директорнинг «ишбилармон»лиги туфайли кредит топшириги билан

Нукус шаҳрида қад ростлаган ушбу тўқимачилик комбинати ишга тушганида қорақалпоғистонликларнинг қувончи чексиз эди. Сабаби, республика халқи ўз тўқимачилик корхонасининг келажакда бажирим матоларни кўплаб ишлаб чиқаришига қаттиқ ишонарди.

Дастилак йиллари «Катекс» кўнгилдагидек фаолият кўрсатди. Минглаб нукусликлар ишга жойлашди. Корхона уч сменада узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқари бошлади. Савдо шаҳобчаларида «Катекс» тамғаси билан моллар сотилди.

Хўш, энди-чи? «Катекс»га сўнгги йилларда кўз тегдари ёки бошқа бўлдимми, корхонанинг шўхрати пасая борди. Ишлаётган станокларнинг овози эшитилмай қолди. Иқтисодий салоҳият пасая бошлаган; бу ерда ишлаётганлар ҳам корхонани тарк эта бошлади.

# «КАТЕКС»ДА ИШЛАР ҚАНДАЙ?

## КОРХОНА ЯНА АВВАЛГИ ҚАДДИНИ ТИКЛАЙ ОЛАДИМИ?

ланди. Бу, албатта, корхонанинг борган сари қаддини букди. Лекин, буни қаранглик, И. Қалмуратов сўзидан қурқ қадиданлардан экан. Мансаби ошди. У киши ундай-бундай вазомимга эмас, Нукус шаҳри ҳокимлигига тайинланди. Шундан сўнг комбинатга Бахтиёр Сейтмбетов бошчилик қилди. Жамоа аъзолари энди ишларимиз яхши бўлиб кетар деб умид қилишганди. Йўқ, аксинча, бу «уддабурон» директор ҳам олдингисидан қолди. Ўз билганича иш қилди. Жамоа фикрини эътиборга олмайди. Натижанда корхона оёққа туриш ўрнига молиявий аҳволи баттар чиналлашди. Яна раҳбарлар алмашди. Жўдос Алланиязов, Сколотий Паскуалье, Темура Худойбергандилар галма-гал директорлик қилдилар. Сарбондор алмашаверди, лекин қаровон олға силжий демайди. Охири-охири корхонанинг дитороти ва кредитор қарзлари кўпайди. Ҳозир унинг 473.000.000 сўм дитороти, 369.000.000 сўм кредитор қарзи мавжуд.

«Катекс»даги ҳақиқий аҳволдан Қорақалпоғистон раҳбарияти хабар топиб, тегишли чора-тадбирларни кўрди. Энг аввало чет эл инвесторлари корхонага жалб этилди. Бугун корхонага 1.500.000 АҚШ доллари ажратилди. Бу корхонанинг қаддини тиклаш учун яна бир имконият берилди деганди. «Катекс»га 2004 йилнинг декабр ойидан бери Озод Жумамуратов бошчилик қилмоқда.

Биз тахририят топшириги билан

корхонага борганимизда бу ердаги аҳвол билан яна бир бор танишдик. Ишчиларнинг дордини эшитдик. Маълум бўлишича, Ўзбекистон Миллий банкнинг Қорақалпоғистон бўлими (шахсан вақтинча бошқарувчи вазифасини бажарувчи Эрнатар Абдуғаниев) аввалги қарзларини пеш қилиб, корхонанинг нормал ишлашига йўл қўймаётган экан. Улар ҳатто корхонанинг ҳисоб-рақамини ёпиб ташлаш ва Қорақалпоғистон ҳўжалик судига ариза беришган. Суд масалани кўриб чиқиб, низоини Миллий банк фойдасига халқилади. Суднинг қарорини Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди ҳам тасдиқлайди. Шундан сўнг бу ерда чет эллик инвесторларнинг иш бошлаганига қарамай, корхонага ҳўж ташлашдан «хўжум» бошланади. Қорақалпоғистон Миллий банки раҳбарлари корхона ҳали аукционга қўйилмаган бўлса ҳам «корхонанинг эгаси энди бизми» дейишиб, бу ерда ишлайётганларнинг қийиб кетишини талаб қилишади. Ҳатто инвесторлар электр пулини олдиндан тўлаган бўлишига қарамай, банкчилар республика электр тармоқлари корхонасига токни узиб қўйишларини буюришган. Корхона ичкарисидаги цех ва омбороналар муҳрланиб, ёпиб қўйилган.

Биз ҳақиқий аҳволдан хабар топган, вазиятни республика прокурори Ҳақимбой Ҳалимовга тушунтирдик. «Катекс»даги тўхтаб қолган ишлар бироз ўнганландек бўлди. Бевосита прокурор аралашуви билан шу кун-

нинг ўзидек, ток улаб берилди.

Миллий банк ва «Катекс» ўртасидаги масалага аниқлик киритиш мақсадида аввал Қорақалпоғистон ҳўжалик суди раиси А. Сейтанов, кейин Миллий банкнинг Қорақалпоғистон бўлими бошлигининг ўринбосари Алексей Глушенколар қабулга бордик.

Аmmo улар қандайдир рухсатнома сўраб бизга етарли маълумот бермадилар. Тошкентдаги тахририятдан қоғоз олиб келинг дейишди. Бу ҳам журналистик ширштирувимизга халлақит берди.

Ҳозир корхонада инвесторлар билан ҳамкорликда катта кўламда ишлар бошлаб оборилган. 106 киши ишга олинди. Ҳақиқатни айтсак, «Катекс»да силжиб бор. Айна пайтда бу ерга келган киши қайноқ ҳаёт устидан чиқди. Корхона атрофи ободонлаштирилмоқда. Дов-дараклар, гуллар экиляпти. Қозончалар тўла капитал таъмирдан чиқди. Пайпоқ ишлаб чиқариш цехида аввал қурилган ускуналар таъмирланиб, ангидан 20 та пайпоқ тўқиш ускунаси ўрнатилди. Бошқа цехлар ҳам таъмирланапти. Ишчиларга икки маҳал иссиқ оғат бериляпти. Улар учун хизмат маънаси қўйилган. Ходимларга моддий ёрдам берилмоқда. Уйлағимизки, республиканинг фахри бўлиб корхона яна аввалги шўхратини тиклайди.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
«Ниқуқ» мухбири

Бешарик туманидаги «Бешариктекс» корхонасининг ип-кавала цехи ўрнида 2001 йилда пахта толасини қайта ишлаш, калава ип ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этилган эди. Таъсисчилар — «Бешариктекс» ҳиссадорлик жамиятининг улуши 36,4 фоиз, Германиянинг «ГМБХ» фирмасиники 20,2 фоиз ҳамда Туркиянинг «Текментекстиль» ва «Сокай» фирмалари улуши 43,4 фоиздан иборат бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 сентябр кунги 363-қарорида умумий қиймати 46.329.000 Германия марказидан иборат лойиҳани маблағ билан таъминлаш тартиби белгиланди. Унга қўра лойиҳанинг 15 фоизи таъсисчиларнинг Низом фонди 13.833.000 немис маркази, 85 фоизи ёки 32.495.000 немис маркази миқдоридаги маблағ Германиядаги «Гермес» АГ жамиятининг сўғурта қопламаси остида чет эл банки кредити ҳисобидан таъминланиши лозим эди. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Миллий банки чет эл банки билан заём битими асосида корхонани қайта таъмирлаш ва ускуналар билан жиҳозлашга маблағ ажратди. Импорт ускуналарни чет эллик мутахассислар ўрнатишиб, қисқа муддатли ўқув жараёнида уларни ишлатиш бўйича маҳаллий кадрларга сабоқ

берилди. Бирламчи лойиҳага қўра корхонада йилига 6300 тонна 34/1 рақамли калава ип ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш кўзда тутилган эди. Бироқ ушбу маҳсулот жаҳон бозорида рақобатбардос

# Қўшма корхона нега зарар кўряпти?

бўлмай қолгани туфайли корхона харидордир 50/1 рақамли калава ип ишлаб чиқаришга қайта мослаштирилди.

Қўшма корхона 2003 йил августда илк маҳсулотини берди. Корхонада бешариклик 414 нафар фўққор, чет эллик технолог мутахассислар иштирок этишди. Ярим йилда 919 тонна ёки солиштирма нархларда 1.948.500.000 сўмлик калава ип ишлаб чиқарилди. 2004 йилда эса 2,3 баравар кўп ёки 4.732.000.000 сўмлик 3252 тонна маҳсулот тайёрланди. 3.600.000.000 сўм ёки 3.552.000 АҚШ доллари миқдорига маҳсулот четга экспорт қилинди.

Корхона лойиҳа қуввати даражасига қўтарилаётгандай эди. Бироқ шу йилнинг биринчи чорағида ишлаб чиқариш суръати кескин



пасайди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан 63 фоиз миқдорига маҳсулот тайёрланди, холос. Фойда ўрнига 80.000.000 сўмдан зиёд зарар кўрди.

Корхона мутахассислари бунинг бир қатор сабабларни келтиришади.

— Дастилак иш бошлаганимизда хомашё — пахта толасини ички бозордан, бозор нархларида сўмга харид қилиб олаётгандик, — дейди «Бестекс» қўшма корхонаси бош ҳисобчи Ш. Уринбоев — ўртача нархи 950 сўмдан ортамаётганди. Кейинчалик пахта толаси тақши савдо компанияси ва қўшма корхона ўртасидаги битимга мувофиқ юклар жўнатиш санасида Ливерпуль халқора пахта биржасида шаклландириган жаҳон нархларига нисбатан 15 фоиз арзон-

лаштирилиб (чегирма билан) олинган бўлди.

Айна чоғда ип ва газламанинг жаҳондаги нархи арзонлаштиришда ромадимизни кескин қамайтирди. Шунингдек, кредит бўйича валюта курсининг ошиши тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар туғдириб, биринчи чорақда зарар кўришимизга олиб келди...

Корхона биринчи чорақда экспортга 396.100 долларлик маҳсулот чиқарди, холос. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан учдан икки баробар камдир. Хуллас, корхона айна пайтда қийин даврини бошидан кечиряпти. Юқорида келтирилган сабаблар жўзий. Негаки, бизнесменнинг узок муддатли бизнес-режасида хомашё ва тайёр маҳсулот нарх-навоини ўзгартириб туриши инобатга олинмасдан қолмайди. Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилиб, тайёр маҳсулот таннаринини арзонлаштириб бориш билангина даромад қўпайиши иқтисодчи бўлмаган кишига ҳам эди. Биз корхона эгаларига йўл-йўриқ кўрсатиш фикридан йироқмиз. Мамлакатимизда чет эл инвесторларига яратилган имтиёзлардан фойдаланиб қўшма корхона таъсис этилаётганда томонлар қўзлаган даромадди олсалар, бундан жамият ҳам манфаат кўради.

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Ниқуқ» мухбири

Бугунги ҳаёт хар бир мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топишини талаб қилади. Акс ҳолда рақобатда бардос бера олмаган давлатнинг қосаси оқармайди. Халқаро бозор тизимида «иқтисодий ҳавфсизлик» деган термин бор. Бу давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини ички ва ташқи ҳавфдан ҳимоя қилиш, мамлакатда истемол бозорини барқарор ривожлантиришни аналатади.

Дунёда иқтисодий ҳавфдан қўрқмайдиган мамлакатнинг ўзи йўқ. Мутахассисларнинг эътирофи эйтишича, мамлакатдаги ички яширин қучлар, ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши, молия-кредит ва пул тизимидаги номутаносибликлар, инвестициянинг қамайиши, илмий-техник потенциалнинг пасайиши ва бошқа омиллар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳавфга салбий таъсир кўрсатади. Юртимизда 2003 йил 11 декабрда ана шундай ҳавфларнинг олдини олиш мақсадида «Муҳофиза чоралари, антимемпинг ва компенсация бошлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ютуқларни таҳлил қилганда бўлсақ, 2004 йилда тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида 1 млрд. АҚШ доллариан ортиқ иккилик сальдога эришилди. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатда иқтисодий ҳавфининг олдини олишнинг энг яхши йўли инвестиция олиб келишдир. Утган йил бу борадаги кўрсаткичлар 5,2 фоизга ўсганлиги давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўси ошаётганидан далолат. Нефть, тўқимачилик, газ сановатида қўлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатапти. Инвесторлар учун мамлакатимизда кенг имконият яратилган. Уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қароқорлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Шу йилнинг 11 апрелида президентимизнинг «Тўғридан-тўғри ҳусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борадидаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга қўра хорижий инвесторлар кўлаб солиқлардан маълум муддатга озод қилинган. Фармоннинг эътиборга олиқ томони ҳам унинг мамлакатимиз иқтисодийини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳавфдан ҳимоя қилишга қаратилганлигидадир.

Ҳар бир мамлакатда коррупцияга қийинчилик қўлаб қўшади қаралади. Сабаби, порахўр раҳбар давлат иқтисодийини эмас, балки ўз қўнғанини ўйлайди. Оқибатда давлат ҳазинасига тушадиган маблағ унинг қўнғанига тушади. Энг дахшатлиси, порахўр раҳбар атрофига ўзига ўхшаган қимсаларни тўплаб, давлат маблағини турли йўللар билан ўмаршига ўтади. Тарихдан маълумки, бундай жиноятлар қўнғина ривожланган мамлакатларнинг иқтисодини ҳам издан чиқарган.

Мустақилликка эришилганидан сўнг ҳазорларни либераллаштиришга кенг йўл очилди. Собиқ тузум даврида давлатнинг арзимас пули учун қўлаб фўққорлар жавабгарликка тортилган. Давлат айбдорини ўз ҳисобидан боққан ва қийинтирган. Бугунги кунда эса давлатга етказилган зарар айбдордан ундириляпти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Иқтисодий ҳавф ҳам терроризм ва гўёқандалик каби мамлакатнинг молиявий тизимига зарба бериши мумкин. Бунинг олдини олиш учун хар бир давлат фўққораси ўз мамлакатининг иқтисодини ҳимоя қилиши лозим.

Бузуққон АБРОРОВ,  
ТДЮИ магистранти

## MUSOHABA

— Нодир ака, сўхбатимизни «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-си қонунни қабул қилишдан қўзғалган мақсад ва фонднинг ташкил этилиши, унинг олдида қўйилган вазифалар ҳақида-си фикрлардан бошласак.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида банклар тўловларни амалга оширади, инвестор ва қарз олувчи ўрта-сида воситачи сифатида қатнашади, давлатнинг пул-кредит сиёсати ижросини таъминлашда агентлик вазифасини бажаради. Банклардаги ислохот республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шундай экан, омонатчиларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан, уларнинг манфаатини ҳимоялаш тизимини ташкил этмасдан туриб, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, улар билан иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлашни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг 2002 йил апрелда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши республикада аҳоли омонатларини ҳимоялаш ва кафолатлаш тизимини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, биринчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, яъни омонатчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўлса, иккинчидан, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш, ҳўжалик ишоратдан ташқарида сақланаётган, на эгасига ва на мамлакат иқтисодига фойда келтираётган маблағларни республика тижорат банклари омонатларида молиявий ресурс сифатида жалб қилишдир. Қонуннинг ижро-



фонди ташкил этилди.

Фонд олдида қўйилган асосий вазифа кафолатлаш жамғармасини шакллантириш, Ўзбекистон Марказий банки банкнинг операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини олиб қўйган тақдирда фуқароларга банкдаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашишни кафолатлашдан иборат.

— Демак, фонд ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда банклар билан ҳамкорлик қилади?

— Албатта. Фонд нафақат тижорат банклари, балки, Ўзбекистон Марказий банки билан, керак бўлса республика ҳукумати билан ҳам ҳамкорлик қилади.

Хусусан, қонунга мувофиқ республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари, жумладан, хорижий капитал иштирокидаги банклар билан улардаги фуқароларнинг омонатлари фонд томонидан кафолатланганлиги тўғрисида ёзма битим тузилган ва банклар фондга аъзо банклар реестрига киритилган.

Фонднинг Марказий банк билан ҳамкорлигига келсак, ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур ахборотларни мунтазам равишда Марказий банк билан алмашиб туради. Бундан ташқари фонднинг кузатув кенгашига Марказий банк раисининг ўринбосари раислик қилади.

Иқтисодий ислохотлар шариоитида банк билан миждо ўртасидаги муносабатлар долзарб масалалардан бири саналади. Мамлакатимизда фуқароларнинг банклардаги омонатини кафолатлаш, омонатга бўлган қизиқишни кучайтириш борасида бир қатор ишлар қилинапти. Бу йўналишда халқаро тажрибадан самарали фойдаланиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш кўпгина банкларнинг муваффақиятли фаолият юритишида муҳим омил бўлаяпти. Шу мақсадда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонун кучга кирганига уч йил тўлди. Муҳиримиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ижрочи директорининг ўринбосари Нодир Аббосов билан сўхбатлашди.

Хукумат билан ҳамкорлигига келсак, қонунга мувофиқ банк тугатилиши билан фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш учун фонднинг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан фондга ссуда берилади ва у кейинчалик фонд тушумлари ҳисобидан қайтарилади. Бу эса ўз навбатида қандай ҳолат юзага келмасин фонд қонунчилигида белгиланган вазифасини тўлиқ амалга оширишидан далолат беради.

(икки ой) ичида кредиторларга талаб қўйиши ва ундан сўнг ўн кун ичида омонатлар бўйича мажбурийят ва фонд маблағларига бўлган эҳтиёж тўғрисида ҳисоб-китобларни тақдим этади.

Фонд тегишли ҳужжатларни олгач, уч кун ичида фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби, мuddати ва тўловни амалга оширадиган агент-банкнинг номи тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Матбуотда эълон чиққан кундан

# Омонатга жиённат бўлмайди

— Фонднинг омонатларини ҳимоя қилиши ва юклатилган вазифаларни бажариши борасида қандай ишлар белгилаб олинган?

— Фонд аҳолининг омонатларини ҳимоя қилиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариши

бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, юқорида айтаётган ишларнинг, республикада фаолият кўрсатаётган барча банклар билан ёзма

битим расмийлаштирилди ва ҳозир фондга аъзо банклар сони 30 та. Банклар билан ёзма битим расмийлаштирилиши ўз-ўзидан ушбу банклардаги фуқароларнинг омонатлари фонд томонидан кафолатланганини билдиради.

Аъзо банклар фондга ҳар чоракда бадал тўлайди, ушбу бадаллар ҳисобига кафолатлаш жамғармаси шакллантирилади. Фонд маблағлари банклар ҳар чоракда улардаги аҳоли омонатлари қолдирининг 0,5 фоизи миқдоридан ўтказиб борадиган календар бадаллар ва ушбу маблағларни инвестициялашдан олинган даромадлар ҳисобига кўпайтириб борилмоқда. Фонд маблағларини инвестицияга йўналтиришда уларнинг хавф-хатардан ҳоли бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун улар асосан юқори ликвидли активларга, яъни, давлатнинг қимматбаҳо қозғаларига жойлаштирилади.

— Мабодо, банк ишқироғи учрасанда фонд омонатчи фуқарога қандай кўмак кўрсатади?

— Аввало тўлов қўбилиятини йўқотган банкни тугатиш ҳақида матбуотда эълон берилди ва тугатиш комиссияси тузилди. Комиссия биринчи навбатда белгиланган тартибда аҳоли омонатларини тўлаб берилади ва маблағлари етмаган тақдирда фондга мурожаат қилади. Бунинг учун тугатиш комиссияси қонунчилигида белгиланган мuddат

бошлаб ўн кун ичида фонд фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаб берилади. Ҳақ тўлаш Ўзбекистон Марказий банкининг розилиги билан, фонд белгиланган агент-банк орқали амалга оширилади.

Омонатчи мазкур агент-банка мурожаат қилади ва ўзининг омонати борлигини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ омонатчи, тегишли ҳужжатлар кўрсатилган тақдирда омонатчиларнинг қонуний вакилларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига тўланади.

Барча мамлакатлардаги кафолатлаш тизимининг вазифаси имконият борича аксарият омонатчиларнинг омонатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Кафолатлаш миқдори турли мамлакатларда турлича. У ҳар бир мамлакатдаги шарт-шариоитга, аввало иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг турмуш даражасига, омонатларнинг тарихи ва миқдорига боғлиқ. Бизда кафолатлаш миқдори республика миқдоридаги энг кам ойлик иш ҳақига боғланган.

Агар банкнинг лицензияси олиб қўйилган кундаги ҳолатга кўра, омонат қолдирги энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан бўлса, омонат фонд томонидан тўлиқ ҳажда тўлаб берилади. Борди-ю, омонат миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан ортқ бўлса, 100 баробари миқдоридан ортқ ҳисобнинг 90 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан ортқ бўлмаган суммада тўланади.

Ўзбекистон президентининг 2005 йил 13 апрелдаги «2005 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»-ги фармонида мувофиқ, республикада энг кам ойлик иш ҳақи 7835 сўм қилиб белгиланди. Бу эса кафолатлаш ҳажмининг 326.250 сўм ортқишига олиб келди ва у 2005 йилнинг 1 майдан бошлаб 1.958.750 сўмни ташкил қилади. Бу миқдор 85-90 фоиз омонат-

чининг маблағини тўлиқ ҳимоя қилади. Яъни, кафолатлаш миқдорининг ўсиши республика миқдорида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўсишига боғлиқ бўлиб, унинг миқдори ошса, кафолатлаш ҳажми ҳам ортади.

— Яна бир марта эътиборни кафолатлаш суммасига қаратсак. Аъзо омонатчининг маблағи 1.958.750 сўмдан кўп бўлса, қолган қисmini олишга ҳаққи борми ва уни олиш учун кимга мурожаат қилиши лозим?

— Қонун омонатчининг энг кам ойлик иш ҳақининг 250 бараваридан ортқ миқдордаги талаби қаноатлантирилишига доир ҳуқуқини истисно этмайди. Омонатчи омонатининг қолган қисмини қайтариб олиш учун банкнинг тугатиш комиссиясига мурожаат қилиши мумкин.

Ҳеч бир мамлакатда омонатчиларнинг барча омонатлари тўлиқ кафолатланмаган, аммо тажрибадан маълумки, фуқароларнинг ўзлари омонатларини бир неча банкага ёки бир неча омонат турига жойлаштириш йўли билан уни ҳимоя қилишда. Республика миқдорида фуқаролари ҳам ушбу тажрибадан фойдаланиши мумкин.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картчакалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, республика тижорат банклари жамғарма сақлашда ва ҳисоб-китобда қўллаш учун ўзлари чиқарган пластик картчакаларни аҳолига тақдир қилмоқда. Айтиш-чи, ана шу картчакалардаги маблағлар ҳам фонд томонидан кафолатланадими?

— Ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртасида жамғармаларни сақлашда ва тўловларни амалга оширишда банкларнинг пластик картчакалари кенг қўлланилади. Пластик картчакаларнинг қўлайлиги шундаки, фуқаро ўзи билан нақд пул олиб юрмайди, барча савдо, мауший хизмат шахобчаларида ва транспорт воситаларида ушбу картчакалар орқали ҳисоб-китоб қила-

ди. Картчка йўқотиб қўйилган тақдирда тоғриб олган киши ундан фойдалана олмайди, чунки ҳар бир картчка эгасининг шахсий коди бўлиб, уни эгасидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бундан ташқари картчкадаги маблағ қолдирганига банклар физ тарзида даромад тўлайди.

Банк пластик картчакаларини республика миқдорида жорий этиш аҳолига ушбу қўлайликлардан фойдаланиш имконини беради. Аҳолининг пластик картчакаларда сақланаётган пуллари, миллий ёки хорижий валютада бўлишидан қатъи назар, фонд томонидан кафолатланади.

— Таъкидлаганингиздек, фонд фуқароларнинг чет эл валютасидаги омонатларини ҳам кафолатлаш экан. Уларни қайси валютада қайтариш таъминланади?

— Албатта, омонатлар қайси валютада бўлишидан қатъи назар фонд томонидан кафолатланади. Қонунга мувофиқ хорижий валютадаги омонатлар банкдан лицензия олиб қўйилган кундаги Марказий банк белгиланган курс бўйича миллий валютада қайтарилади.

— Тажрибада банк тугатилиши натижасида фонд омонатчиларга ҳақ тўлаган ҳоллар бўлганми?

— Бугунгача омонатчиларнинг омонати бўйича ҳақ тўлаш учун маблағ бўлмаган ёки пули етмай қолиши натижасида фондга маблағ сўраб мурожаат қилган банклар бўлмаган. Шундай ҳолат юзага келганда фонд фуқароларнинг омонатлари бўйича белгиланган тартибда ҳақ тўлашга кафолат беради.

— Омонатларни қайси банкларга жойлаштирган маъқул?

— Фонд фаолият кўрсатаётган барча банклар билан ёзма битим тузганини инобатга олиб, фуқаролар пуллари уларни хоҳлаган банк омонатларига жойлаштириши мумкин ва омонатларини йўқотишдан хавотир олишига ўрин йўқ.

— Сўхбатингиз учун ташаккур.

Тоҳир САИД  
сўхбатлашди.

### QISQACHA MA'LUMOT

Мен якка тартибда тadbirkorлик билан шуғулланаман. Асосан хорижий давлатлардан Ўзбекистонга чой олиб келаман. Яқинда, аниқроғи шу йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқиб, унда чойни мамлакатимизга олиб киришда янги тартиб ўрнатилди. Айни пайтда даволатишда бўлганликим сабабли боғжона идорасига бориб аниқ маълумот ололмаيمан. Агар имкон бўлса мазкур қарор тўғрисида газета орқали қисқача маълумот берсангизлар.

Z. RUSTAMOV,  
Toshkent shahri



WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: huquq@mail.ru

### DAROMADNI HISOBGA OLMASA

Икки ёшгача бўлган болаларга тўланадиган нафақани тўлашдан олдин оиланинг даромадлари тўғрисидаги маълумотнома сўралди, нафақа шунга қараб белгиланади. Айтиш-чи, қонунда бундай нафақа оиланинг даромадини ҳисобга олмасдан туриб белгиланиши бўйича бирон-бир имтиёз борми?

Nafisa ORTIQOVA,  
Farg'ona shahri

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банкнинг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16 ва 8-қарори билан тасдиқланган низомада бундай имтиёз белгиланган. Бироқ унда фақат куйидаги тоифадаги оилаларнинг даромадини ҳисобга олган ҳолда нафақа тўлиниши қайд этилган:

а) тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланиш фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи белгилайди;

б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Қолган барча ҳолларда нафақа оила даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

### IMTIYOZ AMALDAMI?

Менга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилган. Авваллари бу унвонга эга бўлганларга минимал ойлик миқдорда асосий иш ҳақига пул қўшиб берилар эди. Шу тартиб ҳозир ҳам амалдами? Агар амалда бўлса, қайси ҳужжатлар билан тасдиқланган?

G. ABDURAHMONOV,  
akademik Toshkent shahri  
Mirzo Ulug'bek tumani

Бу тартиб ҳозир ҳам амалда. Вазирлар Маҳкамасининг «Фахрий унвонлар учун гуноҳор ва қўшимча ҳақ миқдорларини ошириш тўғрисида»ги 1993 йил 7 июн кунги 274-қарорига мувофиқ бундай фахрий унвон учун Ўзбекистонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридики қўшимча ҳақ тўланади.

### NECHA MARTA MUROJAAT QILINADI?

Менинг иккита қизим бор. Кичиги ногирон. Боқувчимиз, ўзи турмуш ўртоғим 2000 йили вафот этган. 2004 йилнинг март ойида 16 ёшгача бўлган болаларга берилмайдиган нафақа олиш учун ариза ёзганимда нафақа тайинланди. Лекин ноябр ойига келиб тўлов тўхтади. Сабабини сўрасам, қайтадан ариза ёзишим кераклигини айтишди. Бундай нафақани олиш учун неча марта ариза ёзиш керак? Бу нафақадан битта маълумотнома олиш учун туман ижтимоий таъминот бўлимига бир неча марта боришга тўғри келмасми?

Zarifa HUSANOVA, Paxtachi tumani

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги низомада белгиланишича, бундай нафақа олишга муҳтож 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга мазкур нафақа олти ой муддатга тайинланади. Ушбу муддат тугагач, аризада янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғриси-

даги ариза билан муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Сизга мазкур нафақанинг тайинлини масаласига келсак, мазкур низомининг 5-бандига мувофиқ, ногирон чақалоқли (болали) оилалар ушбу нафақани олишда имтиёзга эришади.

Бундай нафақани олиш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига ариза билан куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

— оила аъзоларининг таркиби

тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома;

— болаларнинг тутилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусخаси;

— васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга нафақа тайинлаш чоғида васийлик ҳуқуқини белгиловчи органининг қароридан кўчирма;

— фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг талабига кўра оила аъзоларининг даромадлари ҳақида маълумотнома.

Ҳақиқатан ҳам бундай фаолиятни тартибга солишга қаратилган қарор қабул қилиниб, 2005 йилнинг 1 апрелидан эътиборан кучга кирди. У Божжона кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Солиқ кўмитасининг «Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тadbirkorлар томонидан чой хомашёсини Ўзбекистонга олиб кириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 11 март кунги қароридир. Унда республикага чой хомашёсини фақат ўз ишлаб чиқариш қувватидан ошмайдиган ҳажмдаги қадоклаш автоматларига эга бўлган юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тadbirkorлар олиб кириши мумкинлиги кўзда тутилган. Шунингдек, низоми фақат хомашё сифатида (ТИФ ТН коди — 090220000 ва 090240000) импорт қилинаётган чойга нисбатан татбиқ қилиниши назарда тутилади. У дастлабки ўрами 3 килограммдан (масса нетто) ошмайдиган картон пачка, темир идиш ва филтр пакетга қадокланган (ТИФ ТН коди — 090210000 ва 090230000) чойларни олиб киришига татбиқ қилинмайди.

Бундан ташқари, унда айтилишича, чой хомашёсини импорт қилувчилар божжона ҳужжатларини расмийлаштиришида ҳудудий божжона органига қадоклаш автоматининг маъжудлигини ва унинг йиллик қувватини тасдиқловчи хатни, шунингдек унинг паспортини ёки техник таъсифи тўғрисидаги бошқа ҳужжат нусхасини тақдим этишлари лозим.

Юридик шахснинг бундай хатини корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси (ёки бухгалтерия хисобчиси) ва молиявий бошқарув вазифаси юклатилган бошқа шахс) имзолаши, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тadbirkor эса шахсан имзолаши шартлиги белгиланган.

### UYNING EGASI KIM?

Бобом ва бувим бир неча йил олдин уй-жойларини кичик фарзанди, яъни отама вафотидан олдин бир неча бор таъкидлаган эди. Лекин уч йил олдин бобом вафот этди ва мерос шартли равишда бувимга қолди. Бувим ҳозирси кунда кўпроқ қилариникида яшамокда ва бу уйга бир ойда беш-олти марта келади ҳоло. Биз эса бошқа қишлоқдан уй-жой сотиб олиб чиқиб кетганмиз. Бобомдан қолган уйни айни пайтда кичик амакким яшамокда. Аммо унинг ҳам алоҳида уй-жойи бўлишига қарамай бу уйдан чиқиб кетишга розилик бермаяпти. Айтиш-чи, бобом ва бувим таъкидлаганидек, уйга отам эгалик қилишга ҳақлими ёки йўқми?

A. FOZILBEKOV,  
Surxondaryo viloyati

Бобонгиздан қолган мулкка нисбатан мерос ҳуқуқи белгиланмагунча отангиз унга эгалик қилишга ҳақли эмас. Сабаб, гарчи мазкур уй-жой отангизга қилини тўғрисида бобонгиз ҳаётлик даврида айтган бўлса ҳам, у қонун талаби бўйича васият қилиниб, нотариал тартибда тасдиқланмаган. Шунинг учун васият қилинмаган мол-мулк уни олишга ҳақли бўлган шахслар (меросхўрлар) ўртасида қонун бўйича тенг улушларда бўлинади.

Агар меросхўрлардан бири ёки улар-

нинг барчаси мерос мулкнинг ўзига тегишли лозим бўлган қисмидан отангизнинг фойдасига воз кечсагина отангиз ўзига теккан мерос мулкига эгалик қилишга ҳақли бўлади. Лекин бундай воз кечиш нотариал тартибда амалга оширилади. Яъни, меросдан воз кечмоқчи бўлган киши кимнинг фойдасига воз кечаётганлиги хусусида нотариусга ариза бериши лозим.

Бу масалани қонуний ҳал этиш учун мерос мулки жойлашган ҳудуддаги нотариал идорага муурожаат этиш керак.

### ISHDAN BO' SHATISH VAKOLATI KIMDA?

Мен 1989 йилдан буён Қамаш туман марказий шифохонасининг кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаман. 2004 йилнинг ноябр ойида 1939 йилда туғилган ходимимиз умрбоқ 2-гурух ногиронлигига чиққанлиги сабабли ишдан бўшатилган эди. Бироқ у одам шифохонамида ишлаб келаётган ўғли билан, сен ишдан бўшатгансан, деб менинг таъинлигимни бузиб келаяпти. Ишга олиш ва ишдан бўшатилган менинг вазифамга кирадими ёки йўқми?

S.G. OYIPOVA,  
Qamashi tumani

Ходимни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатилган масаласини иш берувчи ҳал этади. Корхона, муассаса ва ташкилотнинг кадрлар бўлими эса корхонанинг иш берувчиси ҳисобланмайди. У шу жараён билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларнинг амалдаги қонунлар асосида тўғри юритилишини таъминлайди. Бинобарин, кадрлар бўлими ходимни ишдан бўшатилган ёки ишга олишни мустақил равишда ҳал этиш ваколатига эга эмас.

### BOLA UCHUN PUL

Икки ёшгача бўлган болаларни парвариш қилиш бўйича ҳар ойда берилмайдиган нафақа миқдори қанча? Агар боланинг онаси ишламаса, нафақани отасининг иш жойидан олиш мумкинми?

Nafisa OLIMOVA,  
Shahrixon shahri

Болани парвариш қилиш нафақаси ҳар ойда, парвариш қилинаётган болаларнинг сонидан ва уни олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизи миқдориде тўланади. У она ёки унинг ўрнини босувчи шахс фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига муурожаат қилган ойдан бошлаб тўланади. Нафақа ўн икки ойлик муддатга, бироқ ҳаммаси бўлиб бола икки ёшга тўладиган ойдан ошмаган муддатга тайинланади. Нафақани олиш муддатини узайтириш учун уни олувчи шахс аввалги ўн икки ойлик муддат тугашидан бир ой олдин белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига қайта муурожаат қилиши керак.

Болани парвариш қилиш нафақасини олиш учун манфаатдор шахс куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда нафақа тайинлаш тўғрисида ариза тақдим этиши лозим:

— боланинг туғилиш гувоҳномасининг нусхаси;

— меҳнат дафтарчасининг нусхаси (илгари ишлаганлар учун);

— ариза берилган ойда қадар сўнгги ўн икки ой ичидagi оила аъзоларининг даромади тўғрисида маълумотнома.

Агар бола ногирон бўлса, буни тасдиқловчи ТМЭК ҳулосасидан нусха тақдим этилиши керак.

Агар эр-хотиннинг никоҳи бекор қилинган бўлса, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ёки суд қарори нусхаси.

Болани амалда онанинг ўрнини парвариш қилаётган кишилар онанинг йўқлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжати (боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома; онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисида суддан берилган маълумотнома; боланинг онаси томонидан болани парвариш қилиш нафақасининг олинмаслигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар) қўшимча равишда тақдим этилади.

Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлган суммага тўғри келадиган ялпи даромад оиланинг муҳтожлигини аниқлаб берувчи мезон ҳисобланади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жами даромадини аниқлаш учун болани парвариш қилиш нафақасини олишга ариза берилган ойда бўлган сўнгги ўн икки ой мобайнида оиланинг даромадларининг барча тўри жамланиб, оиланинг сумма оила аъзоларининг сонига ва ўн икки ойда бўлинади.

Оиланинг даромадлари сифатида куйидагилар ҳисобга олинади: солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар, пенсия, стипендия ва бошқа ижтимоий тўғри тўловлар (болани икки ёшга етгунча қадар парвариш қилиш нафақалари бундан мустасно), шунингдек, шахсий томоққа ҳужжатли олинмайдиган даромадлар.

Ишламайдиган онага болани парвариш қилиш нафақаси турмуш ўртоғининг иш жойидан тўланмайди.

Қадрли газетхонлар!

Газетамизнинг аввалги сонлари-да сизни қизиқтирган, муаммо бўлиб келатган саволлар бўлса бизга юборишингизни, кейинги сонларимиздан бирида эса уларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги мута-садилари жавоб бериши ҳақида эълон берган эдик. Кўйида ана шу савол-жавобларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Саломатлик

2-ТошМининг 18-корпуси ичида жойлашган дорихона нархлари четдагилардан қиммат бўлса қимматки, арзон эмас. Бундай дорихона-ларни бошқа шифохоналарда ҳам учратиш мумкин. Шифохона биносидан фойдаланган дорихона раҳбарлари нархларни сал инфо-даражасида арзонроқ қилишни наҳот ўйламасалар. Умуман шифохона-ларда қиммат дорилар сотиш керакмикин, уларни ким назорат қилади?

Д.МИРАХМЕДОВА, Чиноз тумани

Дорихоналарда дорилар шартнома асосида эркин нархларда сотиб оли-нади ва сотилади. Бир номдаги дори ҳар хил корхонада ишлаб чиқарилган-лиги сабабли нархи ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Дорилар ва тиббий буюмларга нарх белгилаш тартиби Вазирлар Маҳқа-масининг 1999 йил 14 январдаги 19- ва 2000 йил 5 августдаги 307-қарорлари билан белгиланган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча дорихоналарда сотилаётган дори ва тиббий буюмларга устамаларнинг тўғри қўллани-ши ҳамда нархларнинг белгиланишини Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси назорат қилади.

Отам инсулт бўлиб қолгач, врачлар турли дори-дармонлар қатори «Лексотан» дорисини ҳам буюриб, рецепт эзиб беришди. Аммо бу дори психотроп дорилар сирасига киритилгани боис, топиш жуда қийин бўлалпти. Бу ҳақда зитган врач унинг ўрнига «адаптол» деган дорини эзиб берди. Афсуски, бунисини ҳам бирорта дорихонадан топа олмадик. Бу дорилар муомаладан чиқиб кетганини ёки шунчалик танқисми? Нима қилишимиз керак?

Ж.МУРОДОВ, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Лексотан» дориси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-қарори билан мамлакатда муомаласи назоратга олинган психотроп модда-лар рўйхатига киритилган. Бу дори шифокорнинг рецепти асосида махсус лицензияга эга бўлган дорихонадан берилади. Тошкент шаҳрида «Дори-дармон» акционерлик уюшмасига қарашли марказий, 1- ва 3-дорихоналарда психотроп дориларни врач рецепти билан олиш мумкин.

«Адаптол» (синоними – «Мебикар») дориси Ўзбекистон ҳудудиде муома-ласи назоратга олинмаган психотроп дорилар гуруҳига қиради. Уни барча дорихоналардан врач рецепти асосида олиш мумкин.

46 йиллик иш стажим бор. Ҳозир нафақада-ман. 36 йил ҳамширалик қилганман. Қариган чоғимда касалликка чалиниб қолдим, аммо даволанишга имкониятнинг йўқ.

Менинг саволим куйидагича: Иккинчи гуруҳ ногиронларига имтиёз бору нега кўп йиллик стажга эга собик ҳамширалар-га бундай имтиёз берилмаган?

Л.САЙДУЛЛАЕВА, Наманган вилояти, Чуст шаҳри, Бўстон кўчаси, 17-уй

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-қарорига асосан давлат томонидан кафолатланган хизмат турлари (онкологик касаллик-лар, сил, мохов касалликлари, эн-докринологик касалликлар, руҳий ка-салликлар, ОИТС) ва имтиёзга эга беморлар рўйхати келтирилган (би-ровнинг ёрдамига муҳтож ёлғиз пен-сионерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнаш-чилари, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахс-лар, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатини бартараф эттишда қатнаш-ган ногиронлар, байналмилалчи жанг-чилар, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро ташкилотларида хар-бий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар). Шунингдек, шошилич тиббий ёрдам ва бирламчи тиббий-санитар ёрдам давлат томонидан ка-фолатланган.

Охириги кунларда ичимлик сувидан ичтерлама касалли-гининг тарқалаётганини эшитдим. Касалхоналарга бу касалликка дучор бўлган беморлар келиб тушаётга-нини айтишяпти. Мана шу масалага ойдинлик кирит-сангиз, у ўзи қандай касал-лик ва умуман ичимлик сувидан тарқалиши мумкин-ми? Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар оғохлантирган ҳоллар ҳам учраган. Мута-хассис сифатида ушбу ҳолатга қандай изоҳ бера-сиз?

А.ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани

Кирғизистонда бу касаллик кўрсаткич-лари Ўзбекистонга қараганда 4-5 марта, Қозогис-тонда эса 1,5-2 марта кўп қайд қилинган. Мамла-катимизда ичтерламага қарши олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар натижасида бу ка-саллиكنинг йилдан йилга қайишига эришилаёт-ти. 1990 йилда республикада 1530 (ҳар 100.000 аҳолига 7,7) киши ичтерлама билан касалланган бўлса, 2004 йили уларнинг сони 83 тани (0,3

ташкил қилди. 2005 йилнинг 3 ойи давомида эса 24 беморда бу касаллик аниқланган. Охириги 5 йилда ичтерлама касаллигининг эпидемияси қузатилмади.

Ичтерлама юкумли ичак касалликлари гуруҳига кириб, уни салмонеллалар туркумидаги микроблар келтириб чиқаради. Салмонеллалар ер юзининг ҳамма ерида учрайди.

Касаллик кўпинча бошнинг қаттиқ оғриши, харо-ратнинг 38-39 градусгача кўтарилиши, бош айла-ниши, қоринда оғрик, ҳолсизлик билан кечади.

Касаллик кўзгатувчи микроблар беморнинг ах-лати, сийдиғи ва қусуғи билан ҳам тарқалиши мумкин.

Касаллик йилнинг барча даврида кузатилади, бироқ ёзда кўпроқ учрайди.

Водопровод тармоқларининг эскириб қолганиги натижасида баъзан уларда авариялар содир бўлиб туради. Шундай ҳолат рўй берганлиги ту-файли 2005 йилнинг феврал-март ойлариде Тош-кистонда ичтерлама шохрининг айрим туманларида ичтерлама бўйича нохуш эпидемиологик вазият юзага келиб, 13 та бемор шу касалликда гумон қилиниб шифо-хонага ётқизиладди. Шундан 8 тасида касаллик тасдиқланган.

Юкумли касалликлар тарқалиб кетишининг ол-дини олиш мақсадида бемор билан мулоқотда бўлганлар ва иситмаланган кишилар текшириш учун шифохонага ётқизилади. Шу нарсаси «касаллар кўпай-иб кетди» деган фикрга олиб келиши мумкин, бу нотўғри албатта.

Касаллик ўчоқларида барча профилактик тад-бирлар ўтказилган. Мулоқотда бўлганлар орасида касаллик қайд қилинмади. Республикада, жумладан Тошкентда ичтерлама касаллиги бўйича вазият вазирлиқнинг доимий назоратидадир.

Сил, қандли диабет, нарколегик касаллик-лар, ОИТС ва тери-таносил касалликларига чалинган беморларни давлат бепул даволаши кераклиги ҳақида кўп эшитганмиз. Бироқ тўлиқ маълумотга эга эмасмиз, шу боис бир неча савол билан мурожаат қилмоқчим эдим.

- 1. Тексин ва имтиёзли нархларда даволаниш ҳуқуқи яна қайси касалликлар учун белгиланган?
2. Агар шундай имтиёз ҳамон амалда бўлса, ушбу тоифага мансуб беморлар учун бюджетдан қанча маблағ ажратилади ва бу ҳар бир беморга қанчадан тўғри келади?
3. Айрим тоифа беморлар учун дори-дармонларнинг тексин берилиши назарда тутилган тартиб-қоида ҳозир амалдами? Умуман, бу йўналишни ким назорат қилиши керак?

Хуррид МАХМУДОВ, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани

1) Ўзбекистон президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги фармони билан барпо этилган Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, унинг 12 та вилоят филиали, туман ва шаҳар марказий шифохонаси шошилич тиббий ёрдам бўлимларида аҳолига барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилади. Шунингдек, бирламчи тиббий-санитар ёрдам давлат томонидан кафолатланган хизмат турларига киритилган.

Ўзбекистон президентининг 2003 йил 26 февралдаги фармони билан ташкил этилган ихтисослаштирилган урология, жарроҳлик, кўз микрохи-рургияси, кардиология марказларида махсус йўлланма (ордер)га асосан давлат бюджети ҳисобидан куйидаги тоифадаги шахслар бепул давола-надилар:

- болаликдан ногиронлар;
— гирт етимлар;
— 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари;
— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган кишилар;
— ёшга оид ишламайдиган пенсионерлар;
— 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари;
— Чернобил атом электр станцияси (АЭС)даги ҳалокат оқибатини бартараф эттишда қатнашган ногиронлар;
— байналмилалчи жангчилар;
— фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оила аъзолари.

Ушбу имтиёзга эга бўлган беморларга махсус йўлланма (ордер)лар қудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларидан берилади.

2) 2004 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги стационар шароитда ва амбулатор-поликлиника шароитида тиббий хизмат кўрсату-вчи муассасаларга жами 251.660.900.000 сўм маблағ ажратилди (2003 йилдагига нисбатан 24,4 фоиз кўп). Бу тизимга ажратилган бюджет маблағларининг 93,1 фоизини ташкил этади. Шундан 138.176.700.000 сўм беморларга стационар шароитда тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса-ларга, 113.484.200.000 сўм амбулатор-поликлиника муассасаларига тақсимланди.

2004 йилда соғлиқни сақлаш тизимига сарфланган бюджет маблағ-лари аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўртача 10.447 сўмга тўғри келди. Бир беморни даволашга бюджетдан ўртача 53.534 сўм харажат қилинди, жумладан, ҳуқуқат кафолати билан кредит ҳисобига келтирил-ган дорилар билан ҳисобланганда, дори-дармон учун 9677 сўм, озик-овкат учун 9446 сўм сарфланди.

Битта амбулатор-поликлиника қатновига ўртача харажат 520 сўмни ташкил этди.

2004 йилда бепул рецептлар бўйича 2.075.000.000 сўмлик дорилар тарқатилди.

3) Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-қарорига асосан амбулаторида даволашда дори-дармонлар бепул бериладиган касалликлар ва шахслар рўйхати куйидагилардан иборат:

- онкологик касалликлар;
— сил касаллиги;
— мохов касаллиги;
— эндокриноложик касалликлар;
— руҳий касалликлар;
— орттирилган иммунитет танқислиги (ОИТС);
— юрак клапанларини протезлаш ва органларни алмаштириш бўйича операциялардан кейин;
— бировнинг ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;
— 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари;
— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган кишилар;
— Чернобил атом электр станцияси (АЭС)даги ҳалокат оқибатини бартараф эттишда қатнашган ногиронлар;
— байналмилалчи жангчилар;
— ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро ташкилотларида харбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

Бу йўналишни жойлардаги даволаш-профилактика муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари назорат қилиши керак.



# тушман бойлик

**Мамлакатимизда глобал эпидемиологик хавф-хатарнинг олдини олиш учун нима ишлар қилинмоқда ва бу соҳадagi ишларни кучайтириш учун яна қандай чора-тадбирларни қўллаш лозим деб ҳисоблайсиз?**  
**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**  
 Тошкент шаҳри

Охириги ишларда дунё аҳолисини хавотирга солаётган атиқ пневмония (гайрродий зотишжам, ТОРС), парранда грипи, улат, вабо каби юқумли касалликларнинг республикамизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида ҳукуматимиз томонидан кечиктириб бўлмайдиган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамаси қoшидаги Эпидемиология қарши курашувчи факультетда коммиссион ҳарори билан қорғошда қайд этилган касалликлар бўйича ноҳуи ҳудудларга заруратсиз бoришни чеклаш ҳамда у ерлардан келаётган йўловчилар, транспорт воситаларига нисбатан гувоҳликни ошириш мақсадида алоқадор вазирликларга тегишли вазифалар топширилган. Бугунги кунда мамлакатимизда зарур тиббий воситалар, дори-дармон, дезинфекцияловчи ҳамда шахсий ҳимоя воситалари захираси яратилган. Аэропорт, темирйўл, дарё порти ва бошқоқ ходимлари учун махсус ўқув курслари ўтказилган, улар глобал эпидемиологик хавф-хатарга эга касалликлар бўйича тулиқ маълумотга эга.

...аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий таъхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларни амалга ошириш;  
 ...агроф-муҳитни муҳофазга қилишга, экология нормаларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш...  
**«Сихат-саломатлик йили» давлат дастуридан**

**Яқинда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрига хизмат сафарига бордим. Уша ерда кўчада турган бир ўспиринга кўзим тушди. Юзи жиддий шикастланган. Ундан кимлигини ва юзига нима қилганини сўрадим. У Кузмин Николай Андреевич бўлиб, 1990 йил 21 октябрда туғилган экан. Отаси оғир йўқлиги сабабли Қарши шаҳар, Ҳарбийлар шаҳарчаси 2-барак, 2-хонадонда бувиси билан истиқомат қиларкан. Болалигида юз берган автоҳалокат туфайли юзи шикастланганини, бепул операция учун унга ордер берилганини айтди. Бироқ шу ордер билан врачларга учраганда, улар операция учун пул тулаин кераклигини айтишди.**

Мен Николайга ёрдам бергим келди. Лекин афсуски, эртаси куни манзилни топа олмадим. Ундан олган маълумотларим бироқ-бир ташкилотга мурожаат қилиш учун етарли эмас эди. Хизмат сафарим тугаганига сабабдан Тошкентга қайтдим. Сизлардан илтимос, Қашқадарё вилоятига тегишли бошқармангиз орқали мана шу боланинг масаласи билан қизиб кўрсангиз. Лозим топсангиз, аниқланган маълумотларини жавобингизда эълон қилинг. Бу йил республикамизда «Сихат-саломатлик йили» эканлиги барчамизга маълум. Умид қиламанки, шу боланинг соғлиги учун сиз ҳам беҳисоб ҳиссангизни қўсангиз. Олдиндан миннатдорчилик билдираман.



**Ж.МАКСУМОВ,**  
 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

Мазкур ҳолат Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Николай Кузмин 1990 йили Қарши шаҳри 4-микрорайон 10-уй 53-хонадонда туғилган. Отаси Андрей Кузмин 1996 йили, онаси Валентина Дмитриева 1997 йили вафот этган. Николай ота-онасининг ўлимидан кейин бувиси В.Кузминанинг қўлида қолган ва шу йили Қамаш тумани интернатига топширилган. 1999 йилда автоҳалокатга учраб, «ўнг оёқ болдир суягининг очиқ синиши, бурун-юз соҳасида кесилган жароҳат» ташхиси билан вилоят травматология шифохонасида даволаниб чиққан.

Ҳозирги кунда Николай Кузмин Г.Матц кўчаси 2/2-уйда бувисининг ўида рўйхатда тургани, лекин Қамаш туманида интернет раҳбарияти ва бувиси Николайнинг қаердалигини билишмайди.

Николай ва унинг бувиси саломатлигини тиклаш мақсадида Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилганлиги ва унга даволаниш учун ордер берилганини ҳеч қаерда қайд этилмаган.

**Врачларни чет элга ишга жўнатиш қай тартибда амалга оширилади? Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?**  
**А.САНОҚУЛОВ,**  
 Қашқадарё вилояти

Чет элга шифокорларни жўнатиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатига кирмайди. Бу масалада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш вазирлигига мурожаат этишингиз керак.

**Дорихоналарда керакли дори-дармон сотиб олаётганингизда айнан бир турдаги (бир номдаги) дорилар кўпчилики дорихоналарда турли кўринишларда ишлаб чиқилгани кузатилади. Масалан, врач беморга «Новопассит»ни ёзиб берган бўлса-да, дорихонада у дори бўлмаса, сотувчи унинг ўрнини босувчи «Биопассит»ни беради. Сиз шу ҳолни қандай изоҳлайсиз?**

**Содиқ НАРЗИКУЛОВ,**  
 Ховос тумани

Аксарият ҳолларда асосий таъсир этувчи моддаси бир хил бўлган дориларни турли корхоналар турлича ном билан чиқаришади. Масалан, асосий таъсир этувчи моддаси «аналприл» бўлган дорилар «Энам», «Энап», «Берлиприл», «Эднит», «Рениприл» каби номлар билан ишлаб чиқарилади. Асосий таъсир этувчи моддаси «диклофенак» бўлган «Диклоберл», «Волтарен», «Наклофенак», «Ортофен», «Диклонат», «Диклофенак», «Диклоген», «Диклоран» ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунарига биноан дорихоналарда махсус фармацевтика маълумотига эга бўлган доришунослар ишлаши лозим. Улар дориларнинг синонимлари, яъни, бир турдаги дори ҳар хил номда бўлишини ва унинг таъсир этувчи моддаси бир хиллигини билиши шарт бўлиб, бемор сўраган дори мавжуд бўлмаган ҳолда унинг ўрнини босувчи дорини тавсия этиши мумкин.

**Бугунги кунда телевидение орқали намойиш этилаётган рекламаларнинг деярли 50 фоизини дори-дармонлар рекламаси ташкил этади. Айтинг-чи, бундай реклама мамлакатимиз фуқароларининг соғлиғини сақлашга салбий таъсир этмасмикан? Яъни, айтмоқчиманки, бу каби реклама оқибатида организмнинг функционал ҳолатини ўрганимасдан (тиббий текширувдан ўтмасдан) туриб, шахсий ташхис асосида реклама қилинаётган дори-дармонларни истеъмол қилишини қандай баҳолаш мумкин?**

**Шерзод АБДИЕВ,**  
 Жиззах вилояти

Дориларнинг оммавий ахборот воситалардаги рекламаси мамлакатимизнинг 1998 йил 25 декабрдаги «Реклама тўғрисида»ги қонуни асосида олиб бoрилади. Бундай рекламаларнинг қонунийлигини кузатиб бoриш Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси фармакология кўмитаси зиммасига оқлатилган.

Бу борада қилинган ишларга назар солсак, 2004 йилда фармакология кўмитасига турли ташкилотлардан 42 хат тушди. Бунда 135 та дорини ОАВда реклама қилишга рухсат сўралган. Шундан 94 та дорига ижобий жавоб берилди, 41 та дорини реклама қилишга рухсат берилмаган, Шунингдек, нотўғри қилинган рекламалар тўғрисида ишлаб чиқарувчи фирмаларга, ОАВ бошқарув апаратларига ҳам маълумот юборилди ва реклама тўхтатилди.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бемор ҳар қандай дорини қўллашдан аввал албатта шифокор билан маслаҳатлашиши ҳамда қўллаш йўриқномаси билан яхшилаб танишиши керак. Бу ҳар қандай ноҳўя таъсирнинг олдини олишга қафoлат беради.

**Ўзбекистон ҳудудида сотилаётган ҳар бир дори белгиланган тартибда текширувдан ўтказилади. Бироқ, баъзан дори сотиб олиш зарурати туғилганда, айнан бир номдаги дорилар турли хил кўринишда (баъзан ишлаб чиқарувчи бир хил бўлса ҳам) эканлигининг сувоҳи бўламиз. Шунда беҳштийёр «Қалбаки эмасмикан?» дея шубҳалансангиз-да, уни текшириб кўришингиз имкони йўқ. Шунинг учун бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш (ҳар бир дорини текшириб кўришининг имконияти йўқлигини ишобатга оларганда) масаласига қандай қарайсиз?**

**Д.ХАЛИЛОВ**  
 Тошкент шаҳри

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2003 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 21 апрелдаги 195-буйруғига қўшимча қиритиш тўғрисида»ги буйруғига кўра дорилар сертификатлаштирилиши шарт бўлган махсулотлар рўйхатига киририлган. Бу мамлакатимиз ҳудудида қалбакилаштирилган дориларни олиб кириш ва сотишнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси республикада дориларнинг сифатини назорат қилиш, уларни стандартлаш, сертификатлашни амалга оширувчи бош бўғин ҳисобланади.

2005 йилнинг 1-чорагида бош бошқарма фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи 131 та хўжалик юритувчи субъектда Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган режа асосида назорат-текширув ишларини ўтказди. Натижада 36 та субъектда аниқланган қонунбузарликлар учун уларга берилган лицензиянинг амал қилиш муддати 3 ойга, 22 та субъектнинг эса 1 ойга тўхтатилди; 16 та субъект расман оғоҳлантирилди. 17 та субъектнинг ҳужжатлари прокуратура органларига берилди. 6 та субъектнинг ҳужжатлари Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасига тақдим этилди.

Бош бошқармага келиб тушган маълумотлар асосида жами 140 номдаги, жумладан, 19 номдаги сифатсиз, 8 номдаги қалбаки ва 113 номдаги давлат рўйхатига олинмаган дорилар муомалага киритилганлиги аниқланди ва уларни йўқ қилиш бўйича кўрсатма берилди ва ижроси назорат қилинди.

Саломатлик инсонга берилган олий неъматлардан биридир. Шундай экан, ҳар ким ўз соғлиғи учун қайғурмоғи керак. Бу борада дори сотиб олувчи бемор ёки уларнинг ақиллари истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини билиши лозим. Истеъмолчиларга дорини сотиб олишда қўйидагиларга эътибор беришни тавсия этамиз:

1. Бозор, кўча, норасмий ташкилотлар ва шубҳали кишилардан ҳеч қачон дори сотиб олманг. Чунки бундай дорининг самарадорлиги, безарарлиги, уни ташши ва сақлашда яратилиши керак бўлган шароит қафолатланмаган.
  2. Дори сотиб олаётганингизда дорихонанинг махсус лицензияси бoрилига, сотувга қўйилган дори сифати тегишли сертификат билан қафолатланганига эътибор беринг.
  3. Сотиб олинган дорининг ёрлиғига эътибор беринг. Унда дорининг номи ва дозасидан ташқари уни ишлаб чиқарган корхона номи, махсулотнинг тайёрланган вақти, серияси ва яроқлилик муддати кўрсатилган бўлиши лозим. Бу маълумотларнинг бўлмаслиги дорининг ҳақиқийлигига шубҳа уйғотади.
- Шунингдек, дорининг ташқи кўринишидаги камчиликлар — рангининг мос келмаслиги, ҳажмининг турлича бўлиши, чўкма ёки лойқа ҳосил бўлиши кабилар ҳам истеъмолчида шубҳа уйғотиши лозим. Бундай ҳолларда истеъмолчилардан тегишли ҳудудий назорат органлари ёки назорат-таҳлил лабораторияларига хабар бeриш сўралади.

**Айрим шифокорлар Гиппократ қасамига ҳиёнат қилиб, таъмагирик, порахўрлик қилаётганлигининг гувоҳи бўлаялмиз. Ана шундай пайтда кимга мурожаат қилиш керак? Вазирлик тизимида бундай иллатларга қарши қандай кураш олиб бoрилмоқда? Тизимда «ишонч» телефони мавжудми?**

**О.ТОХИРОВ,**  
 Денов тумани

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари таъмагирик, порахўрлик ва шунга ўхшаш ҳаракатларни содир этганда тўғридан-тўғри ушбу муассаса раҳбарига мурожаат қилиш лозим.

Бундан ташқари ҳар бир муассасада юқори органлар раҳбарлари ва уларнинг телефон рақами ҳақидаги маълумот фуқароларга қулай жойга ўрнатиб қўйилган.

Юқорида қайд этилган иллатларнинг олдини олиш бўйича вазирлик томонидан 2004 йили 945 та даволаш-профилактика муассасасида текширув ўтказилди (шу даврда фуқаролардан келиб тушган 147 та ариза асосида ўтказилган текширув бунга кирмайди). Фаолиятда камчиликка йўл қўйган 3742 нафар тиббий ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланган.

## ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ОЛДИДАН

Самода момақалдирак гумбуллаб, совет ҳукумати авж олди, колхозлаштириш бошланди. Мулла Пирнафас замона зайлини чуқур англаб, ўз ихтиёри билан бор мол-мулки, иморатининг ортқиқчасини колхозга хатлаб топширди. Аммо донолар колхозни колхоз деб беш айтмас эканлар. Аввалги туя-хона, отхона, молхонадан туя, йилки, қорамоллар, қўй-қўзилар кибри-чиқиб турса ҳам аввалги тартибга дарз кетганди — отбоқар, подачиларнинг эътиборсизлигидан жониворлар баъзан уй сохиблари истиқомат қилаётган тураржой у ёқда турсин, ҳатто меҳмонхонага ҳам «сайр» қилиб чиқишарди.

# КЎТИЛМАГАН ҚИСМАТ



Мулла Отамурод бобонинг оиласи Ижтимоият қишлоғидаги ўзига тўқ, бадавлат оилалардан бири эди. Хива хони томонидан ажратиб берилган қирқ таноб ер деҳқончилик, боғдорчилик манбаига айланиб, галла, мева у ёздан бу ёзга бемалол етиб ортар, ортқиқча қисми Моноқ бозорига чиқариб сотиларди. Ёлғиз фарзанд Пирнафас аввал Хива, кейинроқ Бухоро мадрасасида таълим олиб қайтгач, рўзгорга яна барака кирди. Қирқ таноб ерга ишлов беришининг ўзи бўлмайди, албатта. Иш тигиз паллада қўшимча ишчи — яримчилар ёлланарди. Ёлланган деҳқонлар орасида Бекажон исми қиз ҳам борки, ўт-олов. Бир қўлида ўроқ бўлса, иккинчисидан кетмон, ҳеч юмушдан қайтмайди.

Ота ўғлига шу Бекажонни келин қилиб тушириш ҳақида гап очганда Пирнафас ҳам йўқ демади. Келин оилага қўл-оёқ бўлиб сингиб кетди. Пирнафас отаси билан элатда янги масжид қуриб, қишлоқ ёшларига ислом динидан таълим берар экан, Бекажон ҳам жуфти ҳалолга кўмаклашиш асносида хат-саводини чиқариб олди. Турмуш тотли, ҳаёт фаровон.

Кунлар ўтган сари туёқ сони камайиб, колхозчилар турмушидан файз кета бошлади.

Фарзандлари Абдулла, Ибодулла, Сўнажонлар колхозга аралашиб кетган бўлса ҳам мулла Пирнафасда колхоз ишига салбий муносабат пайдо бўлди. Ислон динини, илм аҳлини таҳқирлашлар бошландими, ҳаётнинг бу ёғи яхши кечмайди энди.

Деворнинг ҳам қулоғи бор деб бехуда айтмас эканлар. Мулла Пирнафас қалби эла алам-андух, бу гапларни ёлғиз сирдоши Бекажонга айтиб, кўнглини юмшатса ҳам кунларнинг бирида шом чоғи икки қуролланган нозир келиб уни олдларига солиб олиб кетишди.

Бекажон бу ишларнинг охири вой эканини англагач, фарзандлари Абдулла, Ибодулларнинг ёнига Нурмат бобо, Хўжаниёз, Шомурод чапоқ, Эрмат аррик, Матекўб сарик дақабли йигитларни қўшиб, сафарга отлантирди.

Уларнинг кетидан кўринмай изма-из боришлар. Мулла Пирнафас қамоққа ташланганими, бошқа иш бўладими, аниқлаб қайтинглар. Мана нон билан мева, — у ўғли Абдулланинг қўлига тугунчани берди.

Қуролланган отликлар Шовот туман марказига етиб келишгач, қибла тарафга қайрилдилар. Айритом элатидан ҳам ўтиб, яна анча юрган, Қўшқўпир қумида чуқур қазилган хандакча тепасида тўхтаб отларидан тушдилар. Мулла Пирнафасга терс қараб туришни буюрдилар-да, уни ҳе йўқ-бе йўқ, суд-сўроқсиз отиб ташладилар. Йигитлар юрак ҳовучлаб, ярим тунгача қонли манзарани узоқ кузатишди. Милтиқ саслари қарсиллаб турарди. Ярим кеча. Нихоят отишма тиниб, қуролланган отликлар яна келган томонларига равона бўлишди. Абдулла, Ибодулла қўшни йигитлар билан оталарининг жасадини қанча қидиришмасин, топалолишмади. Улар отаси қатл этилган хандакчага нозик туранидидан белги қўйиб ортларига қайтишди.

Эртаси оқшом ўғиллари, қариндош-уруғлар билан Бекажон номонинг ўзи чолининг жасадини излаб йўлга тушди. Одамлар кўп отилганидан мулла Пирнафаснинг жа-

сади хандақ тубида қолиб кетган экан, жасадни қишлоққа олиб келиб, отаси Отамурод бобонинг қабри яқинига дафн этдилар.

Давр тўфонидан фарзандлар Абдулла, Ибодулла, Сўнажонлар қадди дол бўлиб қолган эди. Уғилларнинг каттаси Абдулла «Марксизм» колхозида ҳосилот кенгаши раиси, Ибодулла ордий деҳқон, Сўнажон онасига ёрдамчи эди.

Қаҳратон қишда воҳанинг меҳнатга яроқли аҳолиси оби-ҳаёт манбаи — Тощоқа тўғони қурилишига жалб этилди. Ибодулла қишлоқ ҳашарчиларининг олдинги сафида қирғоққа лойиқтатди. Қутилмаганда қирғоқда мироб сас берди:

— Гулран марказида муаллимлар тайёрлаш қисқа курси ташкил этилди. Хоҳловчиларга руҳсат этилади!..

Ибодулла кесиб олган лойни белкуракка қўшиб қирғоққа иригитди.

— Қутулганим бўлсин.

Тенгқурлари Рўзимат, Эрмат билан илму зиё йўлига равона бўлдилар. Бир йилдан кейин у Қиёт қишлоғидаги «Инқилоб» бошланғич мактабида муаллимлик қилар эди. Кундузлари ёшларга таълим тарбия берса, кечкурун Шермат Ҳайитбоев, Тўра Ниёзовлар билан саводсизлиқни битириш курсларида катталарга сабоқ ўргатарди. Тезда унинг зиммасига янада муҳимроқ учинчи вазифа — қишлоқ йигитларининг ҳарбий маҳоратини ошириш вазифаси ҳам ишониб топширилди. Қуриб қолган ўрик ёғочидан қишлоқ дурадгорлари тайёрлаган милтиқ, ёғоч граната «жанговар курул» эди.

Ҳарбий машқлар 1943 йилгача давом этиб, шу йил ёзда у ҳам дўнгиллилар қаторида урушга отланиб, Сталинград издиҳомига ташкил қолди. У ҳар сафар шер бўлиб жангга қирар экан, фронтга келишда кемадан қўлаб Амударё сувига чўкиб ўлган жияни Эрмат учун тишларини қайраб олға ташланарди. Бу ерда ганим кучларгина эмас, визиллаб унган ўқлар ҳам бири-бири билан тўқнашарди. Жанглари-нинг бирида гвардиячи лейтенант Ибодулла Пирнафасовнинг кўрагидан қирган ўқ унинг елкасини тешиб ўтди. Дала госпиталида узоқ

даволангач, у ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди ва махсус кузатувчи билан она юртига жўнатибди.

Поездда улар Чоржўй шахрига етиб келдилар. Шаҳар темирйўл вокзалидан қайноқ сув оламан деган йигит Урганч йўналиши билан катнаётган йўловчи машинадан кеч қолаётганини англаб, жон-жаҳди билан машина кетидан чоғди. Хайрият, қўли машина кузовига етди, лекин у кўтарилма олмай, оёқлари узоқ мuddат судралиб қолди. Соқчи йигит машинани тўхтатиб, уни кузовга кўтариб олмагунча ўзи кузовга чиқа олмайди. Чатоғи шунда эдики, жарроҳлар тиккан яра очилиб кетиб яғринидан қон оқарди. Йигит собиқ жангчини оиласига эсон-омон топшириб, ўзи ортга қайтиб кетди. Ибодулланинг яраси оғрик бериб, саломатлиги кун сайин ёмонлашиб борарди. Жарроҳлар тиккан ярани қайта тикиб, уни даволайдиган малакали шифокор қайда дейсиз. Моноқда ашаётган Машариф абзий деган фелдшер ҳам Ибодулланинг ярасига дори суртиш, бинт билан тозалаб боғлашдан нарига ўла олмайди, у қўлга борма қазо қилди. Водарий, шу кунни кечкурун ота қабри ёнида яна бир митти қабрга пайдо бўлди, ота жафоси билан назоратсиз қолган Комилжон ҳам оламдан ўтган эди.

Бу авлоднинг тақдирини шундай эканки, 1938 йили қамалиб кетган Ражаббой Жуманиёзовдан келаётган мактубларни сийрақлашди қолди. Унинг жазага тортилиш тарихи ҳам ниҳоятда аянчли.

Айни саратон. Тумандан келган вақил ҳе йўқ-бе йўқ, пишиш арафасида турган бугдойларни суриб ташлаб, ўрнига чигит экиш ҳақида буйруқ бериб қолса бўладими. Колхоз ҳосилот кенгаши раиси Ражаббой Жуманиёзов ҳақ учун курашга бел боғлади.

— Ўтган йиллар юзага келган очлик қасофатидан кўп одамларнинг ёстиғи қуриди. Бугдой бошиги ҳафта ўймай қотиб, истеъмолга яроқли ҳолга келади. Ҳафта ўтиб экилган чигитни тез қўқатириб, стахановчасига парвариш қилсак, бир ҳафта мuddатни бемалол чегир болаш мумкин. Бугдой халққа сув билан ҳаводай зарур! — дея даъват қилди у.

Вақилнинг аччиғи бурнининг учидан турган эканими, ҳосилотнинг гаплини шартта бўлиб, буйруқ берди: — Колхоз душмани Сибир қилинсин!..

Р.Жуманиёзовнинг бошига қора кунлар тушди. У бир оғиз ҳақ гапи учун ҳибсхонага жўнатилиб, у ердан Сибирга узатилди. Бир ойдан кейин чиндан ҳам у ўзини Сибир ўрмони, шовуллаб оққан дарё соҳилида кўрди.

— Болта, пичоқ, белкурак, арқонингма маҳкам бўл. Еввойи махлуқлар ашаддий ўлаксахўр. Уч ойда бир марта қабер бериб турарсан, — дея кузатувчилар келган машиналари билан яна орқасига қайтиб кетдилар.

Ражаббой қарасаки, аҳвол чиндан ҳам чатоқ. Саркаш дарё бўйлаб ёлғиз одимлар экан, атрофда одамларнинг суюқлари сочилиб ётарди. Демак, ўзини маҳкам тутиб ҳимоя қилиш — нажот йўли. У ўзи учун ертўла қазиниш йўлининг ўрмон томонидан эмас, дарё қирғогидан белгилади.

Еввойи махлуқлар бу ерга кўтарилма олмас, кўтарилган чоғ оёқлари тойиб дарёга тушиб кетар эди. Фор оғзини йўғон дарахлар билан чандиб, маҳкамлади. Тун бўйи айқларнинг бўқириши, буриларнинг ириллаши тинмади. Эртаси дарёга синчиқлаб назар ташласа — балиқ қўжгон, уларни қармоқ билан ушлаб, тамаддидан ортганини

ўрмон адоғидаги кичкина шахарча бозорига олиб бориб пуллаб бошлади. Ун йил шу тариха ёлғизликда ўтиб, у 1948 йилнинг баҳорига қишлоғига омон-эсон келиб, яна ҳосилотлик ишини бошлади.

Жуманиёзга табиблик отамерос касб. Одамми, ҳайвонми қўлидан келгунча даволар, кўпинча халқ кўнглини топишининг урдасидан чиқарди. Кунларнинг бирида участка нозирининг отаси касаллангани ҳақида хабар келиб, уни нозир чорлаганини маълум қилдилар. Табиб вақтида етиб бора олмайди. Натижа маълум — «совет ҳукумати душмани» деган тамга билан уни яна ҳибсхонага жўнатдилар. Қонун қар, ҳуқуқ соқов жамяятда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ҳамма жаҳада мулла Пирнафас Отамурод ўғлининг ислонми, илм аҳлини таҳқирлаш қачон бўлмасин яхшиликка олиб келмайди деган башорати ойдинлаётган эди.

Мулла Пирнафас отилгандан кейин қишлоқдаги илм аҳлининг хўнжига ўт тушиб, Матмуроджон эсон, мулла Куронбой, мулла Ортиқбойлар Туркманистоннинг турли ҳудудларига жуфтаник ростладилар. Чиндан улар совет ҳукумати учун хавфли кишилар эдилми?

Бир мисол. Қишлоқ мактабининг қоровули Олим кучан лақабли ёлғиз инсон хасталаниб, директор уни Моноқ участка шифохонасига даволаниш учун олиб боради. Маълум мuddатдан кейин бош шифокор беморни уйига олиб кетишни тавсия қилади. — Нажот йўқ. Уни олиб кетаверинглар.

Олим ота уйига келгач, директорга илтижо қилди.

— Ўғлим, сендан мингдан-миг розиман... Мен фарзандсиз ёлғиз одамман. Бир илжиним, мен мулла Ортиқбойдан нажот топсам керак. Бир илтимос...

Бемор амри вожиб. Директор элда табиблик билан танилган мулла Ортиқбойни бошлаб келди. Учовлон Олим отанинг хотини тайёрлаган тухумбаракни тамадди қилдилар. Мулла Ортиқбой дейди:

— Олимбой, иштаҳангиз очилиб, тетиклашибсиз. Худо хоҳласа, тўзалиб кетасиз.

У ташқарига чиқиб эшағи эгарига ўрнашар экан, мактаб директорига дейди:

— Олим кучан эртага тушга қўлаб, бандликни яратганингизга топширади. Тайёргарлигингизни кўраверинг.

Мулла Ортиқбой ҳақ бўлиб чиқади.

У ўқиб амал қилган тиббий китоблар ҳозир ҳам унинг фарзандлари, набираларида авайлаб сақланади.

Ибодулла Пирнафасовнинг ўғли ва келини — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳим Ибодуллаев, Ўзбекистон халқ таълими аълочини Райҳона Ибодуллаеваларнинг ҳижоқлари қор қоплаган қишки дала сахнидай совуқ ва мунгли сезилди. Раҳим ота ўтган улоб борлар руҳига бағишлаб, Ўзбекистонимиз мустақиллиги барқарор бўлишини тилаб «Қуръони қарим»дан тиловат қилди. Улар етти нафар фарзандни тарбиялаб, ҳаммаларини олий маълумотли қилмаб вояга етказишди. Мустақилликка етказганига минг бора шукрона айтиб чарнашмайди. Фарзандлар ва келин-куёвлар эл-юрт манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилаётганларидан ота-онанинг кўнгли ифтихорга тўла.

**Нурмат РАЖАБОВ,**  
«Олтин мерос» хайрия  
жамғармасининг Шовот туман  
бўлими раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятидан

# ХАЛҚ МАНФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Давлатимиз иқтисодини мустақамлаш ва ривожлантиришда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари тўрт йилдири кесарали фаолият кўрсатиб, мамлакатда иқтисодий қонунбузарликларнинг олдини олиш, солиққа тортиш қамровини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқ-тарғиботни ишларини амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорағидида ишларни таҳлил қиладиган

шиб уларнинг ҳисоб рақамидан ўз ҳисоб рақамларига жуда кўп миқдорда пул маблағлари туширишган. Сўнг «Ўзприватбанк»нинг Тошкент шаҳар филиалида қорхона ҳисоб рақамини очиб, 5.805.282.200 сўмлик пул айланмасини амалга ошириб, сотувдан тушган нақд пулни банкка топширмаганликлари маълум

ҳисобчи А.Равшановлар «Кўса» ФХ ҳисоб рақамига келиб тушган 838.000 сўмини А.Икромов пахта тозалаш қорхонасига ўтказиб, ушбу пуллар ҳўжаликка қўлланган жарима ҳисобга ўтказилганлиги тўғрисида ҳўжжат расмийлаштиришган. Текширувда фермер ҳўжалигига ҳеч қандай жарима қўлланмаганлиги ҳамда А.Икромов пахта тозалаш қор-

## ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР

**Юртимизда меҳнат қилиб яхши яшайман деган инсон учун барча имконият етарли. Кабул қилинаётган қонунлар тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилади. Улар учун давлатимиз томонидан кредитлар берилмоқда, солиқ тўлашини ошқорла, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқилмоқда. Эътиборли томони, ҳуқуқий жиҳатдан онгли тадбиркорлар тўлаётган солиғи тўғрисида фарзанди мактабда текин ўқиётгани, кексаларимиз нафақа олаётганини ҳис қилиб ишляпти. Бундайлар ҳам ўзи бойимокда, ҳам солиқларни ўз вақтида тўлашмоқда.**

Бирок пул учун иймонидан кечадиган кўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам борки, улар на қонундан кўришади, на худодан. Ишот сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Сайхунбод туманида яшовчи А.Аминов ҳовлисида яширинча цех очиб, ёр ишлаб чиқараётгани аниқланди. Текширишда 89.076 сўмлик чигит, 50 кг. кунжара ва 10 кг. пахта ёғи олинди. Қизиги, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифатсизлигини жуда яхши билишди. Сабабини сўрасангиз тирикчилик дея баҳона қилишди. Яширин цехларда ёр, арок «ишлаб чиқараётганларга ишлаб чиқараётган маҳсулотингизни ўзингиз истеъмол қиласизми?» деган саволни берсангиз, «йўқ» дейишди. Чунки бу маҳсулотлар инсон организмига қанчалик зарарлигини жуда яхши билишди. Ачинарлиси, жорий йилнинг ўтган даврида 5 та яширин цех фаолияти фож қилиниб, 400.000 сўмдан ортққ хомашё далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Вилоят телевидениясида «Яширин» цехларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг инсон ҳаёти учун хавфи ҳақида тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда чиқарилган қилинмоқда. Шунга қарамай, қўлбола маҳсулотларнинг арзонлигига учиб баъзи фуқароларимиз соғлиғига путур етишини

билса-да, уларни истеъмол қилмоқда.

Вилоятимиз Қозғистон билан чегарадош. У ердан вилоятимизга турли йўллар билан сифатсиз товарлар кириб келмоқда. Бошқармаимизнинг Оқолтин тумани бўлими ходимлари Бобур қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Х.Беконинг уйини кўздан кечиришганда, Қозғистонда ишлаб чиқарилган 1245 литр этил спиртини сотиш мақсадида сақлаб қўйгани аниқланди. Ушбу спиритдан қўлбола арок тайёрланиб, миқозларга сотилганда қанчалар юрдошимизнинг соғлиғига путур етган бўларди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган тадбирлар натижасида 104.400.290 сўмлик моддий зарар ҳўққбузарлардан ундирилди.

Ходимларнинг касб малакаси ва маданиятини оширишга биринчи қалдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Сўнгги йилларда соҳага тасодифан келиб қолган ходимлар ўрнига билимли, тажрибали мутахассислар жалб этилапти. Ходимнинг касб маданияти у ишлаётган идоранинг, қолаверса, бутун тизимнинг обрўсига таъсир қилади. Буни ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак.

**Нурмухаммад ҚҮРБОНОВ,**  
Сирдарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бошқармаси бошлиғи

## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНОТМИЗ, АММО...



**Алишер ҲУСАИНОВ,**  
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК департаменти бошлиғи

бўлса, жойларда солиқдан бўйин товлаш, тушумларни банкка топширмаслик, республика ҳудудида ноқонуний товарларни олиб кириш каби ҳолатлар ҳали ҳам давом этаётганига ғувоҳ бўламиз. Ходимларимизнинг савий-ҳаракатлари тўғрисида солиқ ва валютага оид 2112 та ҳўққбузарликлар аниқланиб, давлатга 26.600.000.000 сўмлик қўшимча солиқ ва жарима ҳисобланди. Ноқонуний муомалага киритилмоқчи бўлган 1.900.000.000 сўмлик товар-моддий бойликлар ҳўққбузарлардан олиб қўйилди.

Маълумки, банк томонидан маош сифатида берилган пул яна банкка қайтиши лозим. Бирок, айрим тадбиркорларнинг тушумларни банкка топширмаслиги пул айланмасига салбий таъсир қилмоқда. Ана шундай қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Департамент ходимлари жорий йилнинг 1 апрелига қадар республикамизнинг турли ҳудудларида 56.487.000.000 сўм қонуний пул айланмалари содир этилганини аниқлашди. Уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўллангилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКБ ходимлари томонидан «Янги таррақийёт» МЧЖда ўтказилган текширишда жамият раҳбари Алексей Огнев 2005 йил феврал-март ойларида 9.75.353.600 сўмлик пул айланмасини амалга оширганлиги аниқланган. Шунингдек, А.Огнев 7.825.877.100 сўмлик тамаки, озиқ-овқат ва ҳўжалик маҳсулотларини пул ўтказиш йўли билан олиб, чакана савдо ғувоҳномасига эга бўлмаган ҳолда қайта сотиб, савдодан тушган пулни банкка топширмаган.

Жиззах вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКБ ходимлари томонидан «Хилола-плюс» кичик қорхонаси текширилганда, қорхона раҳбарлари пул маблағларини нақдлаштириш мақсадида бир қатор ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдорлари билан кели-

бўлди. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган. Унга кўра мамлакатимиз ҳудудида олиб кирилган товарлар боғжона тўловчи тўлганлигини тасдиқловчи ҳўжжатлар мавжуд бўлгандагина савдога чиқарилиши мумкин. Бирок, баъзи тадбиркорлар контрабанда йўллари билан республикамизга товар олиб келмоқда. Утган уч ойда ана шундай гаيرқонуний моллар олиб кириш ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 675 та ҳўққбузарлик аниқланди. Қонунбузарлардан товарлар олиб қўйилди.

Хусусан, Фарғона вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКБ вилоят ҳўққ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ўтказган текширишда Қувасой шаҳридаги «Ўзбекистон» боғжона масканига Ҳиндистондан Киргизистоннинг Бишкек шаҳри орқали кириб келган «КамАЗ» автомашинасида Г.Эсанова, А.Қудратов ва М. Муҳамеджоновларнинг номига расмийлаштирилган дори-дармонлар борлиги аниқланди. Сўнг далолатнома тузилиб, боғжона терминалига юборилган.

Дори воситаларини экспертизаси ва стандартлаш давлат маркази томонидан берилган ҳулосада 96.157.200 сўмлик ушбу дори-дармон қалбаки эканлиги аниқланди.

Кейинги пайтда тадбиркорлар, деҳқон-фермер ҳўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, уларни ноқонуний текширувлардан ҳимоя қилишда анчагина ишлар қилинди. Бу борада жойлардаги фермер ҳўжаликларини уюшмаси, ҳокимликлар билан яхши ҳамкорлик ўрнатилди. Бирок, баъзи туманларда банк ходимлари тадбиркорлар манфаатига зарар етказмоқда.

«Халқ банки» Пахтакор туман бўлимида ўтказилган текширишда филиалнинг собиқ бошқарувчиси Н.Қурбоналиев миқозларнинг розилигисиз 899.000 сўмини бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб юборганлиги аниқланган. Шунингдек, филиал бошқарувчиси Б.Аҳмедов ва собиқ бош

қорхонасининг 1.884.600 сўмлик қарзи мавжудлиги аниқланган.

Яна бир мисол. Сурхондарё вилоти ЙҲХБ техник назорат бўлими инспектори М.Тоғаймуродов «КамАЗ» автомашинасига юкланган товарларни ўтказиш учун тадбиркор Ш.Амиркуловдан пора олганлиги аниқланди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Тўғри, бундай кўнгилсиз, гаирқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда барҳам бериш мақсадида ҳўққуқимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилинди. Бу ҳўжжатларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида жойларда ҳўққуқий савдо-ҳонлигини ошириш борасида 2005 йилнинг 1-чорағида 7106 та ҳўққ-тарғибот тадбирлари ўтказилди. 2594 мартаба ОАВ орқали чиқарилган қилинди. Аҳолининг барча қатламлари орасида солиқ ва валютага оид қонунчилик, иқтисодий соҳасидаги қарорлар, Президент фармонлари юзасидан тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Зотан, амалга ошираётган савий-ҳаракатларимизнинг замири ҳам ҳалол тадбиркорлик билан шугулланиб келаятган фуқароларимизни қўллаб-қувватлашдир.

## Қонунни менсимаслик — диёнатсизликдир

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, давлатимиз томонидан ҳар бир тадбиркорнинг ҳақ-ҳўққи муҳофаза қилинади. Буни ҳис қилган қўлгина элдошларимиз кичик ва ўрта бизнес субъектларини шакллантириш омилларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Бирок, қонун талабларини менсимайдиган айрим фикри ноқис кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш йўлида қинғир кўчаларнинг минг биттасига кириб чиқилган ҳам қайтмайдилар.

Хоразм вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан ўтказилаётган текширишда бундайларнинг қилмиши аёвсиз фож этилмоқда.

Гурлан тумани Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишда яширин даромд орттириш ҳаракатида орган шахсларнинг кирдиқори фож қилинди. Гурлан туманида яшовчи Қурбонбой Машарипов ўз йўлида қўлбола ёр ишлаб чиқарадиган ҳужов ўрнатиб, чигитни қайта ишлаб, ёр ишлаб чиқариш билан шугулланаётгани аниқланди.

Қ.Машарипов хонадонда 131 кг. пахта ёғига ўжаш суюқлик, 1078 кг. чигит ва 3,5 кг. каустик содаси ҳамда мойҳужов мавжудлиги маълум бўлди.

Бундай талабларни менсимеган Қ.Машарипов қонун олдида жавоб беради.

Маълумки, ҳар қандай қонунбузилишни келтириб чиқарган шахсга жазо беришдан мақсад фажат жарима ундириш эмас. Балки қўрилган чора тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Ажабланирлиси шунки, айрим «дийдаси қаттиқ» кимсаларга бу «чивин чакқанчалик» ҳам таъсир қилмас экан. Бундайлар бугун содир қилган хатти-ҳаракати учун муносиб жазо олсалар, эртага бир «силкиниб» яна кирдиқорларини давом этавиришади. Урганч шаҳрида яшовчи Д.Бойжонова шундайлар тоифасидан экан. У тамаки маҳсулотлари савдоси билан шугулланганлиги учун жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан жарима жазосига тортилган эди. Бундан тегишли ҳулоса чиқармаган Д.Бойжонова орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қўлгил ўрганган юмушига қўл урди. У 19 турдаги 619.600 миң сўмлик тамаки маҳсулотларини М.Матсапаяга тегишли дўкунда сақлаб қўйганини аниқланган. Уларнинг 340 кўлини чет элга ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳеч қандай акциз маркази мавжуд эмаслиги кишини таажуб-га солади.

Хулоса, ўрнида таъкидламоқчимизки, ким бўлишидан қатъи назар қонунни менсимеган шахс — диёнатсиздир. Зеро, халқимизда инсоннинг одамийлиги моқимдиён ва иймон билан ўлчанади. Буни ҳаммаша ёдда тутмоқ даркор.

**Хайрулла АСЛАНОВ,**  
Хоразм вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи



## ТАБИАТ ВА БИЗ

Қадимдан табиатни асрашга алоҳида эътибор бериб келган халқимиз. Динимиз, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз ҳам шунини талаб этади. Айтиш мумкинки, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш халқимиз менталитетига хос кўриниш. Бирок, яқин ўтмишимиздаги мустабид тузум асорати сабаб ана шундай қадриятларимиз сезиларли даражада зарарланди. Шўро тузумининг «табиат устидан ҳукмронлик қилиш» сиёсатининг оқибати ўзимизга маълум. Орол, экология муаммолари...

Муスタқиллик йилларида эса ана шундай хатоларнинг олдини олиш, собиқ тузум «мерос» қолдирган экологик муаммоларга ечим топиш борасида кўп иш қилишга тўғри келмоқда. Бу борада мукаммал қонунлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»-ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»-ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»-ги қонунлари, шунингдек «Ер кодекси» шулар жумласидандир.

Маълумки, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш, экологик хавфсизликни таъминлаш, маъқур йўналишдаги фаолиятни такомиллаштириш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасидаги вазифа. Республика Бош прокуратурасининг 2005 йил 1 ярямига мўлжалланган иш режасига мувофиқ қўмита фаолиятида юқорида санаб ўтилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари бугунги кунда республикамизда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги умумий аҳвол ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Ўтган йилда қўмита органлари томонидан 11 500 га яқин ҳўжалик юритувчи субъектларда давлат назорати ишлари амалга оширилган. Иختисослаштирувчи манбаларни аналитик усулда текшириш борасида нисбатан яхши кўрсаткичларга эришилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўнчилиги, табиатдан фойдаланиш меъёр ва қоидаларини бузганлиги учун 11 800 дан зиёд мансабдор шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган. 221 800 000 сўм товон пули ва жарималар белгиланиб, шулардан 207 200 000 сўми ундирилган.

Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган 7816 та корхона, цех, қўмақ манба ва объектларнинг фаолияти вақтинча тўхтатилган ва бунинг ҳисобига атмосферага чиқадиган 936 тонна, оқова сувларини мизга тушадиган 82 600 м³ га ифлослантурувчи чиқиндиларнинг олди олинган. Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаларига 2 822 000 сўм, республика жамғармасига 429 900 000 сўмдан ортқ маблағ келиб тушган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги «Озон қатламини химоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича чоралар тўғрисида»-ги ҳамда «Озон емирувчи моддаларини ва таркибда уран бўлган махсусотларни республика ҳудудида олиб қилиниши ва ундан олиб чиқиб кетилишини тартибга солиш тўғрисида»-ги қарорларини бажариш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилган. Жумладан, 354 кг га яқин озонни емирувчи ХФУ-12 моддаси йўқ қилинган. Таркибда симоб бўлган, ишдан чиққан лампалар-



# Табиат ҳам асраганини асрайди

нинг 75 фоиздан ортиги қайта ишланган.

Шунингдек, қўмитада экологик маълумотлар базасини яратиш мақсадида БМТнинг Ривожланиш дастури кўмағида маълумотлар маркази очилган.

Текширишларда қўмита ва унинг қўйи тизимларида жиддий камчилик ва қўнбузилишларга йўл қўйилгани ҳам аниқланган. Жумладан, «Экологик экспертиза тўғрисида»-ги қўнуннинг 11 ва 13-моддаларига зид равишда республика бўйича 170 дан зиёд объектлар давлат экологик экспертизасининг хулосасисиз қўрилган, шунингдек, экспертизадан ўтказилмай эр участкаларини ажратиб бериш ҳақида туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорлари қабул қилинган.

Хусусан, Навоий вилояти Қизилтепа туман ҳокимининг 2003 йил 27 февралдаги қарори билан тумандаги «Навоий» ширкат ҳўжалигининг 2-участкаси ерларидан «Садаф-98» ишлаб чиқариш фирмасига автомобильларга суюлтирилган газ ёниғиса кўйиш шахобчасини қўриш учун экологик экспертиза хулосаси талаб қилинмай 0,10 гектар ер ажратиб бериш ҳақида туман ер танлаш комиссиясининг ҳужжатлари тасдиқланган. Худди шундай, туман ҳокимининг қарори билан шу ширкат ҳўжалигидан фуқаро О. Турсуновага автомобильларга суюлтирилган газ қўйиш шахобчасини қўриш учун 0,10 гектар ер ажратилиши кўрсатилган.

Маъқур қарорлар қабул қилинишида қонун талаблари бузилганлиги сабабли, туман прокуратура томонидан протест келтирилиб, қўнбузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратётган шароитларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокимига тақдимнома киритилди.

Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Файз-2003», «Малик Окбулок» масъулияти чекланган жамиятларни қорвалчилик фермалари, 3 та ҳусусий савдо дўкони ҳамда 1 та автогаъмирлаш устaxonаси давлат экологик экспертизаси хулосаси олинмай, ноконуний равишда туман ҳокимининг қарорига асосан фаолият кўрсатиб келганлиги аниқла-

ниб, туман прокуратурининг протести билан бу қарорлар бекор қилинган. Шунингдек, Республика жамғармасига ўтказилган маблағлар ва қарздорлик микдорларини юриштида масъулиятсизликка йўл қўйилиб, ҳисоботларда маълумотларнинг нотўғри қайд этилганлиги аниқланди.

2004 йилда жамғарма ҳисобига 436 000 000 сўм тушиб, харажатлар 2004 йилда тadbирлар дастурига мувофиқ 367 300 000 сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Ҳақиқатда 268 400 000 сўм сарфланиб, белгиланган режага нисбатан 73,1 фоизга бажарилган.

Айрим ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарида ажратилган маблағларни мақсадсиз ишлатилишда, 2004 йил 1 мартдаги Тошкент вилояти ҳокимининг фармойишига асосан Янгиобод шаҳар ҳудудида уран қонларини зарарсизлантириш тadbiri учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳисобидан 15 000 000 сўм ўтказилган бўлса-да, ушбу маблағнинг 10 000 000 сўми бошқа мақсадларда сарфланган.

«Давбионазорат» инспекциясига мулкчилик шақлидан қатъи назар, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (қўриқхоналар, табиий халқ боғлари), ҳайвон ва ўсимликларни қўпайтиришга мўлжалланган питомликларда қўриқлаш тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган бўлса-да, текшириш даврида 92 нафар инспектор бу борада етарли фаолият юритмаганлиги маълум бўлди.

Шу каби, ҳайвонот оламидан махсус фойдаланиш «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида»-ги қўнуннинг 15-моддасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган рўхсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилиши кўрсатилган бўлса-да, 15 минг донга тошбақа туҳуми «Зоокомплекс» масъулияти чекланган жамиятига бепул бериб юборилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Рес-

публикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»-ги қарори билан тасдиқланган Нишоннинг 1-иловасига мувофиқ ёввойи ҳайвонлар тутилганлиги учун тўловлар микдори сифатида бир донга туҳум учун ҳайвоннинг маъқур тури қийматининг 30 фоизи ундирилиши белгиланган. Шунга қарамай биргина «Зоокомплекс» масъулияти чекланган жамиятига 2003-2004 йиллар мобайнида 25 минг донга тошбақа туҳумини бепул теришга рўхсатнома берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 декабрдаги «Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чораларини тўғрисида»-ги қарори ва унга илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни овлаш (отиш), териш ва республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш учун тўловлар микдори, уларни ундириш ва республика бюджетига ўтказиш» тартибига мувофиқ, амалга оширилиши белгиланган. Аммо «Давбионазорат» инспекцияси томонидан 2003-2004 йилнинг 21 майда ҳеч қандай ҳақ олинмай «Ўзимёфарм» акциядорлик жамиятига Сурхондарё вилоятининг Обишаранг, Шарғун ва Гулиоб дарёлари этакларида 6 тонна 25 200 000 сўмлик Қизил китобга киритилган «Виктор омонхонаси» (Унгерна Виктор) ёввойи ўсимлигини теришга рўхсатнома берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Давбионазорат» инспекцияси томонидан ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ва озқабоб ўсимликларни тайёрлаш (йиғиш)га рўхсатнома бериш учун ҳақ олиш тартиби умуман ишлаб чиқилмаган. 2003-2004 йиллар мобайнида тахминий нарх билан рўхсатнома учун фойдаланувчилардан ҳақ олиб келинган.

Қўмитанинг текширишларни режалаштириш ва тартибга солиш бўйича етакчи мутахассиси Н.Фотурбеков ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳақида давлат қўриқ идораларидан олинган маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилмай, мувофиқлаштирувчи кенгашига тақлифлар кирит-

ганлиги оқибатида, фаолияти тугатилган ҳамда банкрот деб эълон қилинган корхоналарда комплекс текшириш ўтказиш белгиланган.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг тизими томонидан 2003-2004 йиллар давомида аниқланган қўнбузилишлар бўйича қўлланилган 146,2 млн. сўмлик жарималардан 130,8 млн. сўмлиги (89,4 фоиз) ундирилган, холос.

Тизимда «Фуқароларнинг муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қўнун талаблари бузиб келинган. Масалан, қўмитага 2004 йилда фуқаролардан турли мазмунда 53 та муҳожаат келиб тушган. Лекин уларнинг ҳал этилганлиги ва муаллифларга жавоб берилганлиги тўғрисида қайд этиш китобига ёзувлар киритилмаган, шикоятлар юзасидан назорат ишлари очилмаган, айримлари ҳал этилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида жойлашган «Қўнарвоқ Қўйли» фермер ҳўжалиги раҳбари Қ.Қўнарвоқ вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг харақатларидан норози бўлиб ёзган аризаси 2004 йил 25 мартда қўмитанинг муҳожаатларни ҳисобга олиш китобига қайд қилиниб, ижро этиш учун Т.Тиллаев, С.Мирзаев ва Н.Умаровларга берилган бўлса-да, ариза ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, муаллифга жа-

воб хати юборилмаган.

Қўмита ва унинг қўйи тизимларида кадрларни танлаш, уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш тўғри йўлга қўйилганлиги сабабли айрим мансабдорлар томонидан мансаб ваколати суристеъмом қилиниб, қўнбузилишлар юзасидан ҳақ қўлламаслик эвазига пора талаб қилиш ҳолларига йўл қўйилган.

Бухоро вилояти ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш Давлат инспекцияси бошлиғи Қ.Азимов Шобирқон тумани «Оғитма» фермер ҳўжалиги раҳбари И.Йўлдошевдан фермер ҳўжалигининг балиқчиликка мўлжалланган қўйи ва яёлов ерларида текшириш ўтказмаслик ва жарима қўлламаслик эвазига ҳар ойда 50 000 сўм ва 100 кг. балқ беришни талаб қилиб, 100 000 сўм пора олганида ушланган.

Ёки Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Ш.Тўраев Бобур номли фермер ҳўжалигинида истикомат қилувчи Н.Сўраимқовдан 50 000 сўм пора олган вақтда ушланиб, суд ҳўкми билан жазонинг муҳарририга таъминланган.

Текширишлар натижаси бўйича ноконуний қарор ва буйруқларни бекор қилиш ҳақида 80 та протест келтирилиб, қўнбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 136 та тақдимнома киритилган. 32 нафар мансабдор шахс оғохланрилиб, 131 нафари интизомий, 25 нафари маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Қўнбузилишлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган 27,3 млн. сўмлик зарар ундирилган.

Хулоса қилиб айтганда, табиат муҳофазаси борасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Бунинг учун ёқин кўзатилиб, етказилган 27,3 млн. сўмлик зарар ундирилган.

Р. ЖАЙСУНОВ,  
Республика Бош прокуратураси  
бошқарма катта прокурори

MULOHAZA

«Ҳар бир асрнинг ўз ўрта асри бор» деганди таниқли поляк ҳажвчиси Ежи Лец. Унга кўшимча равишда файласуфларнинг «тараққиётни энг содда формуласи ўтмишдан саралаб олинган меросни бойитишдан иборат» деган фикрини ҳам келтириш мумкин. Табиийки, бундай саралаш эскирган аъналардан воз кечиш демакдир. Воз кеча билишга эса ҳамма вақт ҳам эришилавермайди. Бу иқтисод ўлим жазосининг шу вақтгача бўлган тарихига жуда мос келади.


ЛИБЕРАЛИЗМ ЙЎЛИДАН ОФИШМАЙ

Тобора глобаллашиб бўлаётган дунёда цивилизацияларнинг конвергенцияси батамом воқеликка айланди. Бунда барча маданиятларнинг умумий жиҳатлари мавжудлиги ҳал қилувчи фактордир. Мана шундай умумийлик марказида гуманизмдек «улкан бир қоя» туришига ҳеч бир шубҳа йўқ. Ўлим жазоси туб мақсади билан гуманизмга хизмат қилса-да, параллел равишда гуманизм тамойилининг бузилиши ҳамдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ўлим жазосининг бекор қилиниши масаласи дунё микёсида олимлар ва кенг жамоатчиликнинг мунозарасига сабаб бўлаётди.

Гарблик журналистларнинг таъбири билан айтганда «расмий Тошкент»нинг бу масалага муносабати аниқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида Президент Ислоҳ Каримов томонидан ўлим жазосининг бекор қилиниши яқин йиллардаги вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Масаланинг бу тахлит қўйилиши кўпчилик томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Дарҳақиқат, мустакиллик йилларида жамиятнинг турли бўғинларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳар томонлама қамраб олди. Ҳуқуқдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек мақсадни кўзловчи бундай сиёсат қатор МДҲ давлатларидагига нисбатан муваффақиятли кечди. Холбуки, мустакилликнинг дастлабки йилларида янги бир жамиятни модернизациялашдек катта бир муаммога дуч келган Ўзбекистон ҳақида кўп «башорат»лар қилинганди. Бу башоратларни тумандек тарқашига ҳисса қўшган соҳалардан бири сифатида суд-ҳуқуқ ислохотларидаги либераллаштиришга муносиб баҳо берадиган вақт келди.

Кўп «башорат»ларнинг бундай ҳақиқатларга мослаб бора олмади. Жаҳон андозаларида «бичилган ва тикилган» иқтисоди қанчалик бандларга бўлмасан бир муҳим жиҳати ёдда тутиш жоиз. Мамлакатимиз тарихида умум-баъхалатликнинг тарихи билан мисоллар ҳоҳлаганга топилади. Форобийнинг фозилона дунёқарашидан улуғ Навоийнинг одамийлик фалсафасига ҳам, Буюк Темиргўлнинг куч ва адолатдек бир-бирига зид тушувларларни бирлаштирган доно ўғитидан, уруш йилларида етим болаларни бағрига олган оддий бир темирчининг жасоратига ҳам кўнглида фахр туйғусини уйғотиши табиий.

Бинобарин, Ўзбекистондаги либераллаштириш жараёнини ривожланган дунёга боғлашни ҳуш кўрувчилар ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган саяҳатларнинг замирида кенг маънодаги мақсадлар ётишини били олишлари даркор. Аслида эса инсонпарварлик ва олийжанобликнинг ўзига хос намоиши сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши жамият тараққиётини янги уфқларга олиб чиқишига шубҳа йўқ. Деворларда қизил шорлар



# Шарқатсизликка қарши шарқат билан

осилиб турадиган яқин ўтмишда «ҳамма нарса инсон учун» деган бандларнинг бир шир мавжуд эди. Такрор айтаманиз фақатгина ширнинг ўзига мавжуд эди, холос. Минбарлардаги маърузаларда, намойишларда мана шу шир тинмай янграгуви эди. Кечалари эса НКВД ходимлари уйма-уй изғиб бундай бандларнинг гаплар фақатгина шир эканлигини «эслатишарди». «Тройка» томонидан судис, ҳукми сз отиб ташланган минглаб одамлар мунофиқликнинг мисли кўрилмаган бундай намуна-сидан азият чеккан тарихдаги энг омадсиз авлод эдилар. Қатагонлардан, «халқлар турмаси»дан қутулган бутун бир миллатнинг ўлим жазосининг бекор қилинишига қаратилган саяҳат-қаратлари эркин, демократик жамият куриш йўлидаги собитқадмлик деб баҳолашни зарур.

ДУНЁ ТАЖРИБАСИ

Ҳар йили иккита давлат уни бекор қилади. Дунёнинг 67 та давлатида ўлим жазоси бутунлай бекор қилинган. Ўн тўртта давлатда «одатий» жиноятлар учун бундай жазо қўлланилмайди. Йигирма учта давлатнинг жиноят кодексиди бундай жазо мавжуд бўлгани ва суд томонидан ҳукмида эътиборга олингани ҳолда амалда қўлланилмайди. 1990 йилдан бери 25 та давлатда ўлим жазоси бекор қилинди. Уларнинг географиясига эътибор берилса, тўққизта шарқий Европа, учта Осиё, учта Африка давлатида бу жазо кодекслардан олиб ташланган. Тўртта давлатда бу жазо қайтадан жорий этилган. Халқаро амнистия ташкилотининг гувоҳлик беришича, 1997 йилда 40 та давлатда 2607 та ўлим жазоси ижро этилган. 69 та давлатда 4364 киши

ва Италияда ўлим жазоси урушдан кейинги йилларда бекор қилинганди. Вайроғарчилик, кризис ва ижтимоий психологиядаги тушунлик даврига тўғри келган бу ҳаракат ўз вақтида оқланмаганди. Лекин бу қадам миллат дунёқарашининг илгариллашига каттагина таъсир қилди.

Суд-тергов жараёнида хатога йўл қўйилиши натижасида айбис киши жазога тортилгани Россия Федерациясидаги «Чикатилло» ишнин кўрсатиши мумкин. Чикатилло қўлга олинувчи қалар учта айбис шахс ўлим жазосига ҳукм қилиниб, ижро этилганди. Чикатилло ўз жиноий фаолиятини 1982 йилдан бошлаган деб тергов ҳаракатлари олиб борилган. Лекин Чикатилло қўлга олинувчи, ўз жиноий фаолиятини 1979 йилда 7 ёшли қизчани ваҳшиларча ўлдирши билан бошлаганини тан олган. Бунгача ўша қизчани ўлдирганликда умуман бошқа шахс ўлим жазосига ҳукм қилиниб, ҳукм ижро этилган.

МУНОЗАРАГА САБАБ БЎЛАЁТГАН ОМИЛЛАР

Очиқ гап, ўлим жазосини бекор қилиш масаласида олимлар ва жамоатчилик иккига бўлинган. Ўлим жазосидан воз кечиш тарафдорлари ўлим жазосининг ўзини қасд деб баҳолайдилар. Айтайлик, жиноятчи ўз хатти-ҳаракати билан жабранувчининг эрки ва ҳуқуқларига дахл қилганлиги ҳолатини ҳам қасд деб баҳолаш мумкин. Жамият эса қонун йўли билан айбланувчининг яшаш ҳуқуқини поймол этади деган фикрда жон бор. Ўлим жазоси ўрта асрлардагидек «хун» олиш ҳаракатида бўлиб қолмаслиги керак. Жазодан мақсад жиноятчинини жамият учун муносиб ҳулқ-атворда бўлишга тайёрлашдан иборат экан, ўлим жазоси ўз-ўзидан мантисизликка айланади. Уни бошқаларни жиноятдан қайтариш

мақсадида ўрнатилган сифатида қўллаш ҳам ўзини оқламадлиги аниқ. Боиси ўлим жазоси билан жиноятчиликнинг ўсиши ўртасида боғлиқлик йўқлиги кўп бора исботланган. Масалан, Канадада 1975 йилда қотиллик жиноятлари ҳар юз минг кишига 3 та тўғри келган. 1980 йилга келиб

ўлим жазоси бекор қилинган, бу кўрсаткич 2,5 тага тушган. 1993 йилда эса бу рақам 2 тани ташкил этган. Ўлим жазосини сақлаб қолиш тарафдорлари айбланувчи жамиятга етказадиган янада катта зарарларнинг олдини олишда осон усул сифатида уни жисмоний жиҳатдан йўқ қилишни ёқлайдилар. Шунингдек, ўта хавфли жиноятчини бешафқат қилмишлари учун уни олий жазога ҳукм қилмаслик адолатсизликдир деб ҳисоблайдилар. Шу йўл билан жабранувчиларнинг кўнглига таскин бағишлаш мумкинлигини ўқитишади. Жиноят учун жазо муқаррарлиги тамойилига шу тахлит амал қилмоқчи бўладилар.

Ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорлари эса яна бир неча асосга эга. Суд ҳукмининг хатолик эҳтимоли мавжудлиги ва ижро этилган уни тўғрилаб бўлмаслиги. Иккинчидан, чет мамлакатларда суд воситасида яширин қўллар томонидан айбланувчиларни қасддан йўқ қилиш имкониятининг мавжудлиги. Бунда сунъий далиллар билан айбланувчи атрофида «жिनоят» уюштирилади. Суд ҳайъати чалғитилади ёки «манипуляция» қилинади. Учинчидан, ўлим жазосини қўллашнинг мантиққа зидлиги. Тўртинчидан, жиноятчи содир этилишида жамиятнинг ҳам қисман жавобгар эканлиги. Бу фикрлар билан келишмасликнинг иложи йўқ. Битта мисол келтира қолайлик. Кейинги 85 йил ичида АҚШда 350 нафар гуноҳсиз киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Кўпгина олимлар суд-тергов жараёнида хатога йўл қўйилиши эҳтимолини 10 фоиз атрофида дея баҳолайди.

Ўлим жазосини бекор қилиш стратегиясини маъқулловчилар ораида анчагина. Келинг, уларнинг фикрларига ҳам қўлоқ тутаёлик.

**Мирзафар МИРСОЛИҲОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олиналганлари сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси бошлиғи:

— Ўлим жазосини бекор қилиниши кўп бошқичли жараён. Мустиқлик йилларида бундай жазо «Жиноят кодекси»нинг айрим моддаларига нисбатан бекор қилинди. Эндиликда фақатгина қасддан одам ўлдиринишнинг оғирлаштирувчи ҳолатларида ва терроризм билан шуғулланганлик учун бундай жазо қўлланилади. Республикаимизда жиноятчига ўлим жазоси ҳукми қилинганидан кейин ҳам бу иш атрофлича ўрганилади. Бунинг негизиде инсонпарварлик тамойили ётади. Жиноятчиға нисбатан чиқарилган ҳукм ҳақиқатдан ҳам тўғри эканлиги, хатога йўл қўйилмаслиги учун ҳужжатлар, далиллар тахлил қилинади. Жиноятчининг авф сўраб илтимоснома ёзиши учун имконият берилади. Бундай илтимоснома тушмаган тақдирда ҳам ўлим жазосини узок муддатлик қамоқ жазоси билан алмаштириш мақсадида махсус комиссия томонидан ҳужжатлар ўрганилади. Мана шундай кўп бошқичли жараёндан кейингина жазо ижро этилади. Айтмоқчиманки, ўлим жазосини бекор қилиниши инсонпарварликнинг мантиқий давоми

бўларди. Бундан ташқари ўта оғир жиноятларнинг содир этилишида баъза объектив омилиларнинг ҳам таъсири борлигини ҳеч қим инкор этмайди. Жиноятчи мансуб бўлган муҳит ва баъзан жабранувчининг жиноятга сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлари мана шундай омилиларга мисол бўла олади.

**Иннатулло АЛБЕКОВ,**  
Зомин туман прокурори:

— Ўлим жазосини бекор қилиниши кўп бошқичли жараёнига ишончим комил. Бунга бир неча йиллар давомида ўтиш мақсада мувофиқ бўларди.

**Б.СОБИРОВ,**  
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрданчиси:

— Ўлим жазосини бекор қилиш масаласида жамоатчилик орасида тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Ҳали ҳам жазони қасд олиш деб тушунувчилар мавжудлигини эътибордан қочирмаслик керак.

**Эркўзи БОЙБЎТАЕВ,**  
Сирдарё вилоят прокуратураси терговчиси:

— Шу вақтгача яратилган ҳуқуқий база ўлим жазосини бекор қилишга бемалол йўл бера олади. Чунки ўлим жазосини бекор қилиш учун маълум бир ҳуқуқий тайёргарлик зарур. Айтайлик, инсон ҳуқуқларига оид тамойилларни жорий этмай, ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги масалани қўйиш мантиқсизлик бўларди.

Мутахассисларнинг фикрларидан кейин жамиятни англаш сари ижтимоий фикрни олға силжитишга ундайдиган бундай ташаббусни тарихий деб аташга жазм этилади. Жуда бўлмаганда, келажак авлод шундай ҳисоблашга ич-ичимиздан ишонамиз.

**А. МУСТАФОҚУЛОВ,**  
«Ниҳуқ» муҳбири



## DETEKTIV QISSA

(Охир. Боши ўтган сонларда).

Жамшид меҳмонхонага чиқиб, Раънони эргаштириб келди. Унинг кўзлари қизариб кетган, тушкун кайфиятда эди.

— Раъно, мана бу ерга ўтиричи, — деди Дониёр ака мулоимлик билан.

Қиз унинг олдидаги стулга омонатгина чўкди.

— Гапларини диққат билан эшит. Сен билиб-билмай аралашиб қолган жиноий гуруҳ яқин кунларнинг ичида бир одамнинг бошини еди, иккита одам эса сал бўлмаса ўлиб кетарди. Бу жиноятларда айбон катта бўлган. Сен уларнинг айвоқчиси бўлгансан. Айтишингча, айна пайтда ўзинг ҳам улардан кўп азият чекибсан.

Шунинг учун яхшилаб ўйлаб кўр. Агар ўша жиноятчиларни қўлга туширишда бизга ёрдам берсанг, яна кўп одамларнинг ҳаётини, мол-мулкни сақлаб қолишга ҳиссангни қўшган бўласан, ҳам ўзингнинг гуноҳларингни ювасан. Ўша жиноятчилар қонун олдида албатта жавоб беришлари керак.

— Улардан нафратланман, — деди Раъно ҳазин бир овозда, — лекин жуда қўрқаман. Истаган пайтда ўлдириб юборишлари мумкин. Узим етимхонада ўсганман. Онам чақалоқлигимда етимхона эшигига ташлаб кетган экан.

— Тушунарли, — деди Дониёр ака оғир ҳўрсиниб. — Бу гуруҳга қандай қўшилиб қолдинг?

— Болалар уйда орта маълумот олдим, паспорт беришди. Борадиган ерим бўлмагани учун ўша ерда ишлаб юрдим. Дам олиш кўни шаҳарни айланишга чиқадим, бир йигит атрофимда ўралашиб қолди. Хўшомад кила бошлади. Танишиб қолдик, оти Сарвар экан. Тўғриси, уни бир кўргандаёқ ўзим ҳам ёқтириб қолгандим. Шунинг учун хўшомадларига оҳинга учганман. Қолаверса, ҳеч кимни йўқ етим ширин гапнинг гадоси бўлади. У билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдим. Дам олиш кунлари узок-узок сайр қилардик. Бир кўни у машина миниб қелди. Акасники экан. Тоққа бориб, дам олиб келамиз деди. Олдинига оёғим тортмади. Кейин нимагадир унга ишондим. Мени севади-ку деб ўйладим. У эса кимсасиз бир далаҳовлига олиб борди. Еб-ичдик, арок кўрди. Мен ичмадим. У шампан очди. Хуллас алдаб-сулдаб, мастлигимдан фойдаланиб номуслимга тедди.

Роса йиғладим. Ҳаммаси фойдасиз эди. Шундай қилиб у билан ҳар ҳафта дам олиш кунлари бирга бўлиб юрдим. Уйланаман деб ваъда қилди. Аммо бир кўни яна бир холи жойга олиб борди-да, ўша Эгамжол билан таништириб, мени унинг ихтиёрига ташлаб, жуфтани ростилади.

Шунақа қилиб уларга ўралашиб қолдим. Кейинроқ ўларнинг жиноий ишларига ҳам шерик қилишди. Агар кўнмасанг ўлдириб юборамиз, бизларни милицияга чақсанг ўзинг қамалиб кетасан деб кўрқитишарди. Кейин билсам Сарвар ўша гуруҳнинг аъзоси

қизга берди.

— Алло, — деди Раъно. — Эгамжол ака, менман. Ҳа, Жиззахдаман. Тинчлик, тинчлик. Битта «лақа балик» қўлга тушиб турибди. Ўша Жамшид деган бор-ку. Ҳа. Отаси шаҳардан акасига уй сотиб олиб берапти экан. Бугун икки миллион сўмни олиб келибди. Бекатда учрашиб қолдик. Мени кўриб ҳовлиқиб қолди. Бирга ўтирдик. Пул тўғрисида мактаниб қолди. Қисқаси ўша уйга бошлаб бораман. Ичириб, маст қилиб тураман. Ўзингиз борасизми? Яхши. Ҳўп, демак бир соатлардан

қолмасди. Жамшид қизга нисбатан қарама-қарши туйғуларни ҳис этар, у билан ўтказган ўша кўни хотирасига келтирарди. Лекин нима бўлганда ҳам ҳозир унга ачинар, айниқса боя етимхонада катта бўлганини айтганида кўнгли бузилиб кетганди.

— Сизнинг олдингизда жуда гуноҳқорман, — деди ниҳоят Раъно ўртадаги сукунатни бузиб.

— Ҳамид жўрангиз унча шикастланмабдими?

— Унчалик эмас.

— Мендан хафамасизми?

— Хафамасман деб айтолмайман, лекин барибир сизни

кечираман. Ишқилиб, бўлиб ўтган воқеалардан тўғри хулоса чиқарсангиз бўлди.

— Нима деб ўйлайсиз, мени ҳам қамашармикан?

— Билмайман, — деди Жамшид иккиланиб. — Дониёр ака ёрдам бераман деди-ку.

— Ишқилиб ёрдам берсин-да. Қамалишдан қўрқаман. Ахир мен ҳам одамлардек бахтли яшашни истайман.

— Албатта ёрдам беради.

Улар шу тариқа

бурчакдаги стол устида турган, кўринишидан оғиргина турдонни кўз остига олиб, аста ўша томон юра бошлади.

— Қанақа пул бўларди, сўтак, икки миллион сўмни чиқар, бўлмаса ҳозир қўйдек сўйиб ташлайман, — Қашқир шундай дея ёнидан пичоқ чиқариб Жамшид томон яқинлаша бошлади. Шу пайт эшик тепки зарбидан тараклаганча очилиб, ичкарига тезкор гуруҳнинг иккита қуролланган ходими олдинмакетин отилиб киришди.

— Қўлингиз кўтар, — дея бақирди улардан бири қўлидаги тўпчанчани Қашқирнинг орқасига тирар экан. У қўлидаги пичоқни ташлаб, аста кўлларини кўтарди. Хонага бошқалар ҳам ошиққанча кириб келишди. Унинг кўлларини қайириб, биалақарига кишан қилишди.

— Ху қанжик... — дея сўкинди Қашқир, — ўзи бу ерга келишга негадир оёғим чопмовди-я. Барибир сотқинлик қилибсан-да.

— Овозингни ўчир, — деди Дониёр ака қаҳр билан. — Сен муттахамнинг кучи ожизларга етади. Ҳаққатан ҳам билиб сенга Қашқир деб ном қўйишган экан. Билсанми, қашқирлар тўдалашиб ожиз, ҳимосиз жониворларга ҳужум қилишди.



Гулнора ХАМРОЕВА

# ЧАНДИ ҚЛИ ҚИЗ

экан. Лақаби «Қашқир».

— Шафиқа тўғрисида нима дейсан?

— Шафиқа опа ҳам улардан ўлгудек кўрқади. Эгамжол шериклари билан ҳар замонда шу ерда йўл устида учрашиб туради.

— Ҳаммаси тушунарли. Энди гап бундай. Биринчи навбатда ўзингни қўлга ол, хотиржам бўл. Майли, шунчалик қийналиб, алданган, адашган экансан, ўзим сенга ёрдам бераман. Лекин бизга ўша жиноятчиларни қўлга олишда сен ҳам ёрдам беришинг лозим.

— Жоним билан ёрдам бераман, — деди Раъно кўзлари чақнаб. — Нима қилишим керак?

— Бир саҳна ўйлаймиз.

— Яхши.

Дониёр ака телефонини чўнтагидан олиб деди:

— Рақамини айт.

Раъно керакли рақамларни айтди. Дониёр ака телефонини қўлига тутиб турди-да, сўнг

сўнг ўша ерда учрашамиз. Ҳўп.

— Ҳўш? — деди Дониёр ака, унинг қўлидан аппаратни олар экан.

— Гапларимга ишонди шекилли. Қашқирни оборабар экан.

Айтилган манзилга етиб боришган, Дониёр ака тезкор гуруҳ раҳбари билан келишиб, жиноятчиларни қўлга олиш режасини тўзиб чиқялар. Жамшид билан Раъно ўйнинг меҳмонхонасига киришди. Қиз хона тўридаги диванга бориб хорғин ўтирди-да, чўкур ух келди. Уларнинг ортидан кириб турган Дониёр ака деди:

— Хотиржам бўлинглар, йигитлар анави нусха хонага кириши билан шу ерда ҳозир бўлишадим. Сизлар фақат уни шу ерда кутиб турсангизлар бўлди. Мен ҳам шу ўртада бўламан.

Улар ёлғиз қолишган, анчага довр жим ўтиришди. Ҳозирги танг вазиятда гапирладиган ҳўяли бир гап ҳам топила

суҳбатлашиб ўтиришар экан, бир пайт ташқарида қулфнинг шикрилагани ва эшикнинг овоз чиқариб очилгани эшитилди.

Раъно иргиб ўрнидан туриб кетди.

— Қашқир келди, — дея шивирлади у. Жамшиднинг ҳам кўрқувдан бадани музлаб кетди.

Ўрнидан туриб, ҳар қандай ҳаммага қарши чора кўриш истагида шай бўлиб турди.

Хонага кўринишдан хўшрўй, келишган, аммо важоҳати совок бир йигит кириб келди.

— Ие, жамоат жам-ку. Бу ким? Хўшторингми?

— Сарвар ака, — деди Раъно, бироқ ортж нима дейишни билмай жим бўлиб қолди.

— Ҳўп, гапни қисқа қил. Пул қани?

— Қанақа пул?.. — дея саволга савол билан жавоб берди Жамшид ўзини гўлиққа солиб. Ичиди эса гуруҳ ходимларининг кўрнимайтанидан хавотирга туша бошлади. У ҳар эҳтимомга қарши

Сенинг кўринишинг одам, аслида... Сен ҳали бу кизни шикрилагани ва эшикнинг овоз чиқариб очилгани эшитилди.

Раъно иргиб ўрнидан туриб кетди. Ҳонага кўринишдан хўшрўй, келишган, аммо важоҳати совок бир йигит кириб келди.

— Ие, жамоат жам-ку. Бу ким? Хўшторингми?

— Сарвар ака, — деди Раъно, бироқ ортж нима дейишни билмай жим бўлиб қолди.

— Ҳўп, гапни қисқа қил. Пул қани?

— Қанақа пул?.. — дея саволга савол билан жавоб берди Жамшид ўзини гўлиққа солиб. Ичиди эса гуруҳ ходимларининг кўрнимайтанидан хавотирга туша бошлади. У ҳар эҳтимомга қарши

Сенинг кўринишинг одам, аслида... Сен ҳали бу кизни шикрилагани ва эшикнинг овоз чиқариб очилгани эшитилди.

Раъно иргиб ўрнидан туриб кетди. Ҳонага кўринишдан хўшрўй, келишган, аммо важоҳати совок бир йигит кириб келди.

— Ие, жамоат жам-ку. Бу ким? Хўшторингми?

— Сарвар ака, — деди Раъно, бироқ ортж нима дейишни билмай жим бўлиб қолди.

— Ҳўп, гапни қисқа қил. Пул қани?

— Қанақа пул?.. — дея саволга савол билан жавоб берди Жамшид ўзини гўлиққа солиб. Ичиди эса гуруҳ ходимларининг кўрнимайтанидан хавотирга туша бошлади. У ҳар эҳтимомга қарши

Сенинг кўринишинг одам, аслида... Сен ҳали бу кизни шикрилагани ва эшикнинг овоз чиқариб очилгани эшитилди.

Раъно иргиб ўрнидан туриб кетди. Ҳонага кўринишдан хўшрўй, келишган, аммо важоҳати совок бир йигит кириб келди.

— Ие, жамоат жам-ку. Бу ким? Хўшторингми?

— Сарвар ака, — деди Раъно, бироқ ортж нима дейишни билмай жим бўлиб қолди.

— Ҳўп, гапни қисқа қил. Пул қани?

— Қанақа пул?.. — дея саволга савол билан жавоб берди Жамшид ўзини гўлиққа солиб. Ичиди эса гуруҳ ходимларининг кўрнимайтанидан хавотирга туша бошлади. У ҳар эҳтимомга қарши

Сенинг кўринишинг одам, аслида... Сен ҳали бу кизни шикрилагани ва эшикнинг овоз чиқариб очилгани эшитилди.

Раъно иргиб ўрнидан туриб кетди. Ҳонага кўринишдан хўшрўй, келишган, аммо важоҳати совок бир йигит кириб келди.

— Ие, жамоат жам-ку. Бу ким? Хўшторингми?



## JINQATGA JAZO MUQARRAR

Октябр оёи. Куёшнинг тафти пасайган бўлса-да ҳали совок тушиб улгурмаган. Туш-ликдан кейин хўрандалар сийрақлашиб, иш анча енгиллашди. Бахтиёр одатдагидай келгуси кун учун масалиқлар тайёрлаш тарад-дудиди эди. Тўсатдан ошхона олдида писта сотиб ўтирадиган аёллар уни қақариб, «Ажратиб қўйинг, ўлдириб қўйишмасин», деб, қий-чув солишди. Бахтиёр шошганча таш-қарига чиқаркан, қўлида тиг ялтйраётган кимнингдир Шўҳратнинг устига чиқиб олган-нига кўзи тушди. У ҳеч нарсани ўйламасдан ўша томонга югурди. Ораликда йигирма қадам, улгурса бас! Борган захоти «зўравон-нинг елкасидан ушлаб, итариб юборди. Шўҳратни авайлаб, ўрнидан турғазди. Елка-сидиға қизил доғга кўзи тушаркан, «Дўхтир-га олиб бориш керак», деб хаёлидан ўтказ-ди.

— Уни қаранг!

Шўҳратнинг овозини эшитган Бахтиёр орқасига ўгирилди экан, қотма, ранги захил нотаниш одамнинг зўига хезланаётганини кўрди. Унинг важоҳати ёмон бўлиб, нима учундир қўлида рўмолчани қўймай яқинлаша бошлади. Бахтиёр зарба бермоқчи бўлди зўравон чап бериб қолди. Шу пайт бехосдан рўмолча очилиб, унинг ичиди пичоқ кўринди. Қолгани зумда юз берди...

Сўнгра Шўҳратга қараб «сениям ўлдир-ман», деб, нарсалар турган столини тепиб юборди. Ва... бамайхотир кетаверди. Бах-тиёр эса, қорнини чангаллаб ўтириб қолди.

«Ўша кўни шаҳар дехқон бозориди жамо-ат тартибини сақлаш бўйича хизмат вази-фамини ўтаётган эдим», дейди ғувох, Шаҳри-рон шаҳар ИИБ «Муллавой» маҳалла фука-ролар йнғини худудиди профилаттика ин-спектори лавозимиди ишловчи Йўлдошали Тўрабеков. «Бир бола югуриб келиб, буюм

## ЎЛИМДАН АСРАБ ҚОЛДИ

бозор тарафда жанжал бўлапти», деб қол-ди. Ўша тарафга кетаётсам, рўпарамдан илгари ҳам бир неча марта судланган Усмон Мамажонов маст ҳолда келяпти. Жанжални кўрган одамлар шу пичоқлади, дейишди. Уни ушлаб, қўлини қайириганимди чўнтагидан со-сиз пичоқини чиқариб берди. «Бир пачка сигарет сўрасам, бермади, пичоқлаб қўйдим» деди. Уни «Дамас» машинасига ўтказаетна-ниди. ИИБ ходими Баҳром Алижонов шах-сий машинасида келиб қолди пичоқланган фуқароларни шифохонага олиб кетди».

Қирқ тўрт ёшга кирган Усмон Мамажонов уч марта судланишга улгурган, сўнгиги бор би фуқарога оғир тан жароҳати етказиб, ўлимига сабабчи бўлган эди. Жазони ўта-ётган муассасада касалликка чалинганлиги

тўфали, даволаниб, муддатидан аввал озод-ликка чиқарилган, шартли равишда жазо-нини қолган қисмини ўтаётган эди. Дастлаб-чи кўрсатмасига кўра, ўша кўни давловеч-и врач шифохонада бўлмаган. Шифохонадан чиқиб, истироҳат боғи ёнидаги майхонада бир шиша винони чиқариб берди. Боғ дарвозаси ёнидаги столда ўтирган боладан насияга сигарет беришни сўраган. Бола насияга бермайман, деганда ўзини ҳақоратланган ҳў этиб, орқасига ўтиб, устига ташланган. Рўзор пичоғи билан елкасига, бўйининг пастига тўрт марта урган. Елкасидан тортиб, ажратиб қўйган йигитнинг қорнига бир мар-та пичоқ санчиб, суғуриб олган.

Гарчи, судда У.Мамажонов дастлабки тер-говдаги сўзларидан тониб, айбини инкор

Агар унинг ўрнида «мен сенга тегмайман, сен менга тегма» қабилида қўн кечиришга одатланган, худбин ва лоқайд кимса бўлганида, бир норасида қўрбон бўлиши мўқаррар эди.

Бахтиёр Олимов Шаҳрихон шаҳри Зебинисо кўчасида яшайди. Дадаси Одил ақанинг шаҳардаги Беруний номли истироҳат боғи ёнидаги бекатда ошхона бўлиб, Бахтиёр дадаси билан бирга яшайди. Манти ва пераш-ка пишириб сотади. Ошхона рўпарасида, йўлнинг нариги бетида «Матбуот тарқатувчи» уюшмасига қарашли киоск-дўкон жойлаш-ган. Дўкон олдидаги столда қўпича Одил ака газета-журнал, сигаретлар сотиб ўтиради. Ўгли Шўҳратбек ҳам дадасига қара-шиб туради.

қилган бўлсади, ғувохларнинг кўрсатмалари, далиллар, экспертиза хулосалари билан воёга етмаган боланинг жонига қасд қилгани, бироқ мақсадини охирига етказма олмагани, ажратиб қўйган йигитга оғир тан жароҳати етказгани тўлиқ исботланди, ҳамда узок муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бахтиёр Олимов ҳаётини ҳавф остида қолдириб, Шўҳрат Йўлдошевни ўлимдан асраб қолди. Шўҳрат билан ошхонага етказилган иккала жабранувчига тезда тиббий ёрдам кўрсатилди. Бахтиёр Олимов опера-циядан сўнг хўшига келиб, қўзини очди. У қаби ўзганининг тақдирини, ташвиши, қулфатиға беварқ қарамайдиган кишилар жамияти-мизнинг ўзагини ташкил этади.

Зафарбек ШОДМОНОВ,  
Андижон вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи



Жаҳондаги иқтисодий ривожланиш авваламбор давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш ва тараққий эттиришга хизмат қилади. 20-асрнинг охирига келиб савдо иқтисодиёт негизини ташкил этадиган муҳим омиллardan бирига айланди. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни системалаштириш, уларни шакллантириш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлди. Ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар ўртасида савдо соҳасидаги тафовутни йўқотиш керак эди. 1990 йилларнинг бошига келиб бу борада турли халқаро конференциялар ўтказилди ва нихоят 1994 йилнинг апрел ойида Марокашда бўлиб ўтган конференцияда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)ни ташкил этиш тўғрисида халқаро келишув имзоланди. 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб ушбу ташкилот расман фаолият кўрсата бошлади. Ҳўш, ЖСТ ўзи нима, унинг вазифалари нималардан иборат?

латнинг ички бозорига чет эл товарларининг кириш имкониятларини пасайтирувчи омиллар тушунилади. Бу ҳолатлар каторига аввало Божхона тўловлари ва импорт квоталари (импорт ҳажмига чекловлар) киради. Шунингдек, халқаро савдога маъмурий тўсиқлар ва давлатнинг валюта айирбошлаш сиёсати ҳам таъсир этади.

3. Савдо қоидаларининг барқарорлиги. Чет эл компаниялари, хорижий инвесторлар ва ҳукуматлар савдо қоидалари тўсатдан ва асоссиз равишда ўзгариб қолмаслигига амин бўлишлари шарт.

4. Халқаро савдодаги рақобатнинг рағбатлантирилиши. Турли давлатларнинг фирма ва компаниялари орасидаги рақобатга таъсир

ган низоларни кўп томонлама барқарорлаштириш тизими орқали ҳал этиш ва унинг барча қоида ва қарорларига бўйсунуш мажбуриятини ҳам олишган. Келиб чиққан муаммолар ташкилотга аъзо барча давлатлар йиғилишида муҳожама этилади, бу эса ўз навбатида ЖСТ сафида барқарорлиқни таъминлашга олиб келади.

ЖСТнинг бошқарув органи унча иерархик босқичдан иборат. Юқори поғонада стратегик аҳамиятга молик қарорларни чиқарадиган вазирлар конференцияси туради. Ушбу конференция икки йилда бир марта ўтказилади. Вазирлар конференцияси бўйсунувида бош кенгаш бор. Ушбу кенгаш олиб борилаётган ишлар хусусида вазирлар конфе-

чораларини қўллаш қиради. Бош кенгаш ўз вазифаларини қисман кўчи поғонада турувчи унча кенгашга юклайди. Булар товарлар савдоси бўйича кенгаш, хизматлар бўйича кенгаш ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдоси бўйича кенгашлардир.

Товарлар савдоси бўйича кенгаш савдо соҳасида имзоланган битимлар амалга оширилиши ва ЖСТ принципларига амал қилинишини назорат қилувчи махсус кўмиталар фаолиятини, Хизматлар савдоси бўйича кенгаш эса молиявий ҳамда профессионал хизматлар бўйича кўмиталар фаолиятини, Интеллектуал мулк ҳуқуқи савдоси кенгаши эса кўрсатиб ўтилган йўналишдан ташқари ноқонуний ишлаб

чиқарилган қалбаки товарларга қарши курашни назорат қилади.

ЖСТнинг котибияти

Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, унда 500 та ходим хизмат қилади. Котибиятни айна кунда 2002 йили ЖСТнинг директори лавозимига сайланган Супачаи Панитчпаки жаноблари бошқарапти. ЖСТ бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли уларок мустақил қарорлар қабул қилмайди, чунки мазкур вазифа аъзо мамлакатлар зиммасига юклатилган. Котибиятнинг асосий вазифалари ЖСТнинг кенгаш ва кўмиталарига, шунингдек вазирлар конференциясига техник жиҳатдан кўмаклашиш, ривожланаётган давлатларга техник ёрдам бериш, жаҳон савдосини таҳлил этиш, оммага ташкилотнинг вазифа ва мажбурият-

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ

**Ж**СТ БМТнинг махсус тизими сифатида юридик мақомага эга ташкилотдир. Дастлаб давлатлар ўртасида товарлар савдосини назорат қилувчи Товарларни сотиш ассоциацияси фаолият кўрсатган бўлса, ЖСТ ташкил этилгандан кейин юқоридаги ташкилотга ҳеч бир ҳолат қолмади. Чунки, ЖСТ ўз низомида кўрсатилгандек, нафақат товарларни сотиш, балки хизматлар савдоси ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдосини ҳам назорат қилади ва такомиллаштиради.

Дастлаб ЖСТга 77 та давлат аъзо бўлган, ҳозирги пайтга келиб аъзо давлатлар сони 150 тага етиб қолди. Бундай мамлакатлар орасида ривожлангани ҳам, ривожланаётгани ҳам бор. Шунингдек, ЖСТга МДХ давлатлари орасидан Арманистон, Грузия, Қирғизистон ҳам аъзодир. Сўнги йилларда Хитой, Ҳиндистон каби катта ишчи кучига ва ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган давлатларнинг унга аъзо бўлганлиги ташкилот фаолиятида муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Шунингдек, қатор давлатлар мазкур ташкилотга аъзо бўлиш истagini билдирган ва ҳозир уларга кузатувчи мақоми берилган. Булар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Таъкидлаш жоизки, кўплаб иқтисодчиларнинг фикрича, мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириши Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини оширади. Халқаро майдондаги савдо алоқалари ҳам анча такомиллашиб, мамлакатимиз раванжи учун хизмат қилади. Гап нафақат товарлар савдоси, балки хизматлар савдоси, мамлакатимиздаги интеллектуал мулк ҳуқуқи борасида ҳам кетаяпти. Масалан, Ўзбекистонда ҳозир ноқонуний равишда чет элга ишлашга кетаётганлар сони кам эмас. Ноқонуний равишда чет элга ишга чиққанлар солиқ ва давлатнинг бошқа тушумлари тартибини кўпол равишда бузадилар, бориб ишлаган давлатларида уларнинг нафақат меҳнат ҳуқуқи, балки шахсий ҳуқуқлари ҳам поймол этилади. ЖСТга аъзо давлатлар фуқаролари эса мазкур ташкилотнинг хизматлар савдоси битими бўйича химоя остига олинадилар. Шунингдек, ишчи кучи эвазига тўланадиган иш ҳақи ҳам меҳнат кучини сотиб олаётган давлатнинг ижтимоий турмуш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бу эса олис юрتلарга борган мамлакатимиз фуқаролари ўша давлат фуқаролари билан бирдек маош олади дегани. Фикримизча, бундай натижа ўша ноқонуний равишда четга чиқиб кетаётган ишчи кучини тўхтатиб қўяди. Чунки етарлича маош олган ҳар бир фуқаро албатта давлат тўловларини ҳам ўз



# МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

вақтида тўлаб боради. Иккинчи масала бўлмиш интеллектуал мулк ҳуқуқига тўхталсак. Ўзбекистон азалдан катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлатдир. Мисол учун бизда фан ва техника соҳасида ихтиро этилган, йўлга қўйилган янгиликларни ҳозир кўплаб чет эл «тадбиркор»лари ўғирлаб, ўша мамлакат манфаати йўлида фойдаланмоқда. Ўз навбатида мамлакатимизда ҳам хорижий муаллифларнинг ҳуқуқини бузаётган «ишбилармон»лар йўқ эмас. ЖСТга аъзо бўлиш эса ушбу муносабатларни изга солишга ёрдам беради. Ҳайлимизки, келажакда ЖСТга аъзолик уларок ушбу йўналишлар бўйича юз берадиган ўзгаришлар нафақат давлат учун, балки оддий фуқаро манфаати учун ҳам катта ютуқ бўлади. Мамлакатимиз қонунийлигига биноан фуқаро манфаатлари давлат манфаатларидан устун қўйилган.

ЖСТнинг яна бир асосий вазифаси халқаро савдонинг тўсиқларсиз амалга оширишга кўмаклашишдир. ЖСТ ривожланган давлатларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Ушбу давлатлар олимларининг фикрича, халқаро савдодаги осей иштаклик иқтисодий ўсишга ва одамларнинг моддий томондан бойишига олиб келади. Ҳозирги кунда жаҳон савдо тизими бешта принципга таянади.

1. Савдода тафовутни йўқотиш. Ҳеч бир давлат товарларининг экспорти ва импортига чеклов қўйиш йўли билан бошқа давлатнинг ҳуқуқларини поймол этиши мумкин эмас. Ҳар бир давлатнинг ички бозорига хорижий ва миллий товарларни сотишда тафовут бўлиши мумкин эмас.

2. Савдо тўсиқларини қайтариш. Савдо тўсиқлари деганда дав-

қилувчи омилларга — экспорт субсидияларига (давлатнинг экспортчи фирмаларга ёрдам бериши), янги бозорларни забт этиш учун демпинг нархларидан (атайин пасайтирилган нарх) фойдаланилишига барҳам берилиши керак.

5. Ривожланаётган давлатлар учун халқаро савдода имтиёзлар бериш. Ривожланаётган давлатлар ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила олишмайди, шунинг учун дастлаб уларни халқаро майдонга жалб этиш мақсадида уларга имтиёз бериш орқали энгилроқ шароитлар яратиш халқаро савдо ривожига ўз самарасини бериши турган гап.

ЖСТнинг асосий вазифалари банди-банд кўриб чиқилса, кўйидигилар яққол намоён бўлади. Мазкур ташкилотнинг асосий битимлари амалга оширилишини назорат қилиш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ташқи иқтисодий алоқалар йўналиши бўйича музокараларни шакллантириш, ташқи иқтисодий сиёсат масалалари бўйича аъзо давлатлар ўртасидаги келишимовчиликларни ҳал этиш, халқаро савдо соҳасида ЖСТга аъзо давлатлар сиёсатини назорат қилиш, ривожланаётган давлатларга кўмак бериш ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш. Халқаро тажрибадан маълумки, савдо соҳасидаги халқаро келишимовчиликлар ЖСТ ўрнатган тартибда ҳал этилади. Унга биноан ўзаро келишилган юридик мақомага ва тенг ҳуқуққа эга ташкилот томонларнинг имконияти бир хил белгиланади. ЖСТга аъзо ҳар бир давлат бузилган савдо қоидаларига нисбатан бир томонлама ҳаракат олиб бормаглик мажбуриятини олган. Шунингдек, улар юзага кел-

ренциясига ҳисобот беради. Кенгаш бир йилда бир неча марта ташкилотнинг бош қароргоҳи жойлашган Женева шаҳрида ўтказилади. Бош кенгаш ичида иккита махсус орган мавжуд. Улардан бири савдо сиёсатини таҳлил қилса, иккинчиси юзага келган низоларни ҳал этади. Бундан ташқари, бош кенгашга савдо ва ривожланиш, савдо мувозанати бўйича чекловлар, бюджет, молия



ва маъмурий масалалар бўйича махсус кўмиталар ҳисобот берадилар.

ЖСТнинг бош кенгаши ташкилот жорий этган асосий мажбуриятлар борасида юзага келган низоларни ҳал этадиган органдир. Орган ваколатига низоларни ҳал этиш бўйича суд гуруҳларини ташкил этиш, суд гуруҳлари қарорларини кўриб чиқиш, апелляция тартибида ишларни муҳожама этиш, суд гуруҳлари чиқарган қарорларнинг бажарилишини, тақлифларнинг ҳаёtgа таътиб этилишини назорат қилиш, агар улар амалга оширилмаса қатъий жавоб

ларини тушунтириб бериш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Шунингдек, котибият савдо соҳасида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида юзага келган низоларни бартараф этишда айрим ҳуқуқий масалалар бўйича ҳам кўмак бериш ва ЖСТга аъзо бўлиш истagini билдирган давлатлар ҳукуматларини зарур ахборот билан таъминлайди.

Умуман олганда, ЖСТ аввало давлатлар орасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш билан бир қаторда ҳамкорлик қилаётган давлатлар ўртасидаги бошқа соҳаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон ҳам мазкур ташкилотга аъзо бўлгач, ташқи иқтисодий алоқаларда янги ютуқларга эришиши шубҳасиз. ЖСТ томон Ўзбекистон ташлаган дадил қадамни халқаро ҳамжамияти кўплаб-қувватламоқда.

Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

2005-YIL — SIHAT-SALOMATLIK YILI



Соғ танда соғлом ақл дейишда. Дарҳақиқат шундай. Жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонгина теран фикрлашга, улкан ишлар қилишга қодир бўлади. Кейинги пайтда спортнинг оммалашиб бораётганига, соғломлаштириш тадбирларининг кенг тус олаётганига юртимизнинг ҳамма жойида дуч келиш мумкин. Бирор қорхона бўладими, ўқув юрти бўладими, спорт улар учун доимий ҳамроҳ бўлиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ҳаётимизни спортсиз тасаввур қилишимиз қийин бўлиб қолди. Президентиимиз ташаббуси билан

2005 йилнинг «Сихат-саломатлик йили» дея аталиши муносабати билан кўпгина қорхоналарда соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилди. Шу қатори Республика прокуратураси органларида ҳам ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ бир қанча спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад, прокуратура хо-



# Соғлом бўлганга нима етсин!

димларининг кундалик ҳаётига жисмоний тарбия ва спортни жорий қилиш, соғломлаштириш ва профилактик ишлари оммалаштиришдан иборат. Дастурга мувофиқ спорт-соғломлаштириш тадбирларига теннис мусобақаларини ўтказиш ҳам киритилиб, бунга алоҳида тайёргарлик қўрилди.

23 апрел куни Тошкент теннис маркази кортларида прокуратура ходимлари ўртасидаги мусобақага старт берилди. Саралаш ўйинларида жами 46 нафар прокуратура ва департамент ходимлари қатнашиб, голиблик унун кураш олиб боришди. Шунинг алоҳида айтиш керакки, ўтказилган икки кунлик мусобақалар теннис бўйича амалда қўлланилмайдиган олимпиада қоидаларига асосан ўтказилди. Яқка тартибдаги ўйинлар бирага-бир «тай-брек», жуфтлик ўйинлар эса еттига етти «тай-брек» тартибда ўтказилди.

24 апрел куни финалга етиб келганлар кортларга чиқибди. Кескин курашлар билан ўтган ўйинларда иштирокчилар ўзларининг нималарга қодир эканлигини яна бир бор намоён қилишди. Енгил ҳаракатлар ва комбинациялар билан қатнашган иштирокчиларни томошабинлар олқишлаб туришди. Жуфтлик ўйинларида Республика

ка Ҳарбий прокурори Ш.Узқов ва Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Омоновлар биринчи ўринни кўлга киритишган бўлса, Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи И.Ачиллов ва бошқарма бошлигининг ўринбосари Д.Абдурахмоновлар иккинчи ўринни олишди.



Яқка тартибдаги ўйинларда Коссовой турман прокурори И.Камоловнинг олдига тушадиган топилмади. У барча рақибларини ортада қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Яқкалик баҳсларда иккинчи ўринни Фарғона вилояти Учқўприк

тумани прокурори Я.Ўринбоев кўлга киритди. Фолибларни Республика Бош прокурорининг ўринбосари Б.Тойжонов табрилади экан, уларга ҳаётда доимо олдинга интилиб яшашни, бундай мусобақаларда яна кўп бора иштирок этиб, соғлом ва маънан етук бўлиб қолишларини тилаб қолди. Шунингдек мусобақаларда яхши қатнашган

Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Н.Ҳафизов, Қумқўрғон туман прокурори Э.Номозов, Ҳамза тумани прокурори М.Эрматов ва Бухоро шаҳар прокурорининг ўринбосари Б.Нуровларга ҳам эъдалик совғалари топширилди. Мусобақа якунида бу каби спорт тадбирларининг яна ўтказиб туришга, келгусида прокуратура органлари ходимларининг теннис бўйича ўз тараф қилишга келиши олинди.

Маълумки, соғлом турмуш тарзини ҳаётга жорий қилиш фойдалан холи бўлмади. Шу маънода, прокуратура органларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш иш фаолиятимизда унмудорликни таъминлаш шубҳасиз.

**Ўтиржон МАМАТОВ,**  
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.  
**Абдувоҳид ТУРАЕВ** олган суратлар

CHEKMAIDIGANLAR O'QIMASIN

## Инсон умрини ҳазон қилувчи оғу...



Инсон учун энг улкан бойлик тани соғлиқдир. Аммо бу бойлиқни емириб, инсон саломатлигига ҳаф солувчи кушандалар анчагина. Улардан бири кашандалик, тамаки чекиш ҳисобланади.

Чекиш айниқса, юрак ва қон-томир тизимига ўзининг салбий таъсирини тезда намоён қилади. Чекиш гипертония касаллиги пайдо бўлиши, юрак томирлари ва бош миянинг атеросклерози эрта учрашига, юракнинг ишемия касаллиги, миокард инфаркти ва бошқа оғир кечувчи касалликларнинг пайдо бўлиш ҳафтини оширадиган бирдан-бир сабаб ҳисобланади. Француз олимларининг фикрича, қон айланиш тизими касалликлари ривожланишининг деярли 90 фоизи сигарет чекиш билан боғлиқ экан.

Кашанданин юраги чекмайдиган кишининг юрагига қараганда минутига ўртача 10 марта ортиқча қисқаради. Зарб ҳажми 50-60 мл. га ошганда, у суткада 14.400 марта ортиқча қисқариб, қони нормадан 720-864 литр кўп ҳайдади. Бундай зўриқиш юрак мушакларининг вақтидан олдин чарчасишга, заифлашишига келади.

Никотин билан сунракли захарланган таъсирида қон томирлари торайиқ, артериал босимнинг ошиши содир бўлади. Битта сигарет чеккандан кейин қон босими 10-25 бирликкача кўтариллади. Чекувчиларда гипертония эрта (35-45 ёшдан) ривожланиб, оғирроқ кечади.

Чекиш юрак томирларининг атеросклерозига эрта (25-35 ёш) олиб келади. Бунда артериаларнинг ички қавати зарарланиб, унда ёғсимон моддалар (холестерин ва бошқалар) йиғилиб, натижада томирлар торайиб, қон оқими бузилади. Бу эса ўз навбатида қисқорган юракка тушишни қийинлаштириб, юракнинг ишемик касаллиги ривожланишига сабаб бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили юракнинг ишемик касаллигидан ўлиш ҳар 100.000 аҳолида 45 ёшгача қўйдағича: чекмайдиганлар ўртасида — 7 та, кунига 1 тадан 14 тагача чекадиганларда — 46, 15-24 тагача чекадиганларда — 61 та, кунига 25 тадан ортиқ чекадиганларда — 104 та одамни ташкил қилади.

Америкалик олимларнинг маълумотига кўра, 30-59 ёшли 1000 нафар эркекни текшириш натижасида миокард инфаркти билан касалланиш ҳаффи ҳам сигаретлар сонига боғлиқ эканлиги аниқланган, яъни мутлақо чекмаганлардан — 40, кунига 10 тагача сигарета чекадиганлардан — 66, 20 тагача чекадиганлардан — 83, 20 тадан ортиқ чекадиганлардан — 131 киши миокард инфарктига қалинган.

Тамаки тутини таркибига рутин оксидининг мавжудлиги артериаларнинг тиклиб қолишига олиб келувчи қон латталарининг ҳосил бўлиши ва тромбоцитларнинг ёпишиш реакцияси учун тезлаштирувчи омил эканлиги тадқиқотчи олимлар томонидан аниқланган. Бу эса қоннинг биохимик таркибининг бузилишига, яъни, «тамаки» склерозининг эрта юзага келиб, мия инсульты, миокард инфаркти пайдо бўлишига ва инфаркт, инсульт бўлган жойда ёрик, қаттиқ тромблар ҳосил бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ёнаётган сигарета билан бирга инсон учун энг бебаҳо — саломатлиги ҳам «ёниши»дан далолат беради. Шу ўринда кашандаларга буюқ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг қуйидаги сўзларининг эзлатиш ўрнили бўларди: «Мен илгари чекканман, кейин чеккишни ташладим, одамлар бу ярамас нарсага қандай қилиб оғизларига олишди, ақлим етмайди. Агар одамлар ўзларини гаранг қилмасалар ва шу билан бирга ўзларини захарландиган арок, вино, тамакидан воз кечсалар, ҳаётлари нақадар ширин бўлар экан!»

1-ТошДТИ катта ўқитувчиси Шоира ҚОДИРОВА тайёрлади

### HAJIVIYA

Дастурга киритилмаган бўлса-да, томошабинларнинг талаб-истаклари, кўнгирок ва мактубларига биноан қайсида кунга намойиш этилган «Давра сўхбати» қайта эфирга узатилади-ю, фаррошларга эътибор қўяйди. Кимдир «давра сўхбати»дан кейин «Ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш» идорасига сим қоқиб, «фаррошларни замонавий қоржомалар билан таъминлаш керак», деган таклиф берди. Раҳбарият таклифини ўрганиб, фаррошларни кўп чўнтакли андарма астарли нимча, янги технология асосида болганган супургилар билан қуроллантиришни, чет тилини биладиган уч нафар фаррошни хориж мамлакатига малака оширишга юборишни, чет эл фирмаси билан супурги боғлайдиган қўшма қорхона очишни ва пишшик, асфальтга едирилмайдиган супурги ишлаб чиқаришни, бу супургиларни четга сотиб, тушган валютага четдан фаррошлик асбоб-ускуналари харид қилишни режалаштирди.

қоладан таъсирланиб, тўлқинларида янграйдиган «савол-жавоб» эшитириши орқали «Супурги қаерларда ўсади?», «Унга қараб супурги қулайми ёки чапта?», «Чўлтоқ супурги билан супургиса она заминимиз юпқалашиб кетмайди?», «Ахлат ташайдиган машинасининг нечта гилдирли бор?», «Фаррошлар халатининг нечта тугмаси бор?», каби ўндан ортиқ саволлар билан тингловчиларга мурожаат қилди.

Саволларга жавоб излаш мобайида баъзи бир тадбиркорларда янги гоғлар туғида. «Тошболта хожи ота» фирмаси ахлат солинадиган

## ТАШАББУС

елим қолчалар. «Ал-Мўлтон» фирмаси супурги гилофларини сотувга чиқаришни режалаштирди. Ҳамиша янгиликка интилувчи яна бир фирма фаррошлар тайёрлаш уч ойлик ўқув курсини ташкил этиб, ўз рекламасида «ўқув курсида келин бўлиш истагидаги қизлар таълим олиши, машғулотларни танилиб фаррош ва ахлат ташувчилар олиб бориши, курсни тамомлаганларга малакали фаррош дипломи берилиши, аъло баҳоларда ўқиганлар чет элда бир ойлик амалиёт ўташларини» таъкидлади.

Орадан ўн кун ўтиб, Ойпоқку Шивиргонова-нинг мақоласига фаррош Холлош Холанинг «Лукмаси ўша газетда босилди. «Шу соҳадаги қирқ

йиллик фаолиятимда шунинг билдимки, — дебди фаррош хола иддао билан, — унастқали маҳалларда ишлайдиган фаррошлар янги келинлар ҳисобига текин мोजना олиб юришади. «Дом»ларнинг атрофини супурадиган фаррошларга эса дилим ачйиди. «Дом»ни янги келинлари ақалии подёзалари олдинди-да супурмайди. «Шатний» фаррошлар ҳам супурмайди, ҳам қавртплатлар ўз вақтида тўланмагани учун «таваришстова»дан мोजना кечиб қолади...»

«Лукма»га жавобан «Ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш» идораси раҳбарияти бу борада янги тартиб жорий этилганини маълум қиларкан, янгиликдан руҳланган шоирлар фаррошлар меҳнатини мадҳ этувчи янги шеърларини матбуотда эълон қила бошлади. Бундай шеърят шайдоси, «Супурги» хиссадорлик жамияти раиси ушбу шеърларни тўлаб, китоб шаклида чоп этишга ҳомилийлик маблағи ахратиб, жамиятнинг йиллик сметасига киритди.

Нуфузли илмий журнал хайрли ташаббусдан четда қолмаслик мақсадида қадимшунос олим Асқар Гуловнинг илмий мақоласини навбатдаги сонига жойлаштирди. Мақолада эрамиздан олдинги иккинчи-учинчи асрларга мансуб харобадан супурги топилгани ва супурги деганлари қадимдан фанда маълум эканлиги тарихий фактлар билан асослаб берилган эмиш...

Илхом ЗОЙИР

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

**Ta' sischi:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Abduxolliq ABDURAZZOQOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Bahriddin VALIYEV, Abdulhalim XOLMAHMATOV, Pirimqol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALLIMOV (mas'ul ko'ib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34, 133-64-72.  
**E-mail:** Info@huquq.uz.  
**Faks:** 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalriga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chib bosilganida «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatkichi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 62. 16765 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilfalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir:** D.XALILOV  
**Musahihhi:** A.MUSTAFOYEV

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Qorxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuq Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta**  
**haftaning**  
**chorshanba**  
**kunlari**  
**chiqadi.**

**Sotuvda**  
**erkin narxda**